

ҲУСНИДДИН
ШАРИПОВ
САЙЛАНМА

ИККИ ЖИЛДЛИК
БИРИНЧИ ЖИЛД
ШЕЪРЛАР
ДОСТОНЛАР

ТОШКЕНТ
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1983

Уз2 Шарипов, Ҳусниддин.
Ш 26 Сайланма: 2 жилдлик.— Т.: Адабиёт
ва санъат нашриёти, 1983.
Ж. I. Шеърлар. Достонлар. 272 б.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати,
шоир Ҳусниддин Шарипов 50 ёшга қадам қўйди. Шу
муносабат билан нашр этилаётган икки жилдлик «Сай-
ланма»нинг биринчи жилдига ўттиз йил давомида
яратган энг сара асарлари киритилди. Ушбу жилдда
«Қуёшга ошиқман», «Изма-из», «Сотволдидан салом»
каби достонларини ҳам ўқийсиз.

Шарипов Х. Избранные произведения
В 2-х т. Т. I. Стихи и баллады.

Ш $\frac{4702570200 - 133}{M 352 (04) - 83}$ 38—83

Уз2

НИҲОЛ УСИБ ЧИНОР БУЛИПТИ

1979 йилнинг баҳорида Москвада СССР Езувчилар союзи қошидаги ўзбек адабиёти советининг йиғилиши бўлган эди. Унда ўзбек шеъриятининг аҳволи, бир қатор шоирларнинг ижоди муҳокама қилинди. Шулардан бири Ҳусниддин Шарипов эди. Унинг тўғрисида сўзлаган нотикларнинг ҳаммаси Ҳусниддинни ўз ижодий қиёфасига эга, услуби шаклланган забардаст шоир деб таъкидлашди. Ю. И. Суровцев, М. Н. Пархоменко, З. С. Кедрина каби таниқли адабиётшунослар муҳокама муносабати билан ўзлари учун Ҳусниддинни кашф этишганини айтишди. Шоир Анатолий Передреев эса «Сотволдидан салом» дostonини иттифоқ поэзиясида воқеа бўладиган асар деб баҳолади. Адабиётга ҳамиша энг юксак талаблар билан ёндошадиган москвалик ижодкорларнинг бундай юксак баҳоларини эшитиб ўтириб, табиийки, қалбимни ғурур туйғулари чулғади. Мен ўзбек шеърияти учун ҳам, тинимсиз изланиб, муттасил меҳнат қилиб, унинг парвозини таъминлаётган шоирларимиз учун ҳам гоятда фахрланиб кетдим. Аммо айни чоқда бу туйғуга соя ташлаб турган бошқа ҳис ҳам бор эди: москвалик танқидчилар ва шоирлар-ку Ҳусниддинни кашф қилишипти, унинг забардаст шоирлигини тан олишипти, хўш, биз-чи? Яъни, ўзбек танқидчилари-чи? Гап, албатта, биргина Ҳусниддинда эмас, балки у билан бирга олдинма-кейин адабиётга кириб келган ва бугунги шеъриятимиз хазинасини аллақачон чинакам дурдона асарлар билан бойитиб улгурган бутун бир авлод ҳақида кетяпти. Тўғри, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов ва Ҳалима Худойбердиева, Омон Матжон ва Гулчехра Нуруллаева, Барот Бойқобилов ва Ойдин Ҳожиева, Рауф Парфи ва Нормурод Нарзуллаевларнинг номи танқидчиларнинг тилидан тушмайди. Уларнинг асарлари ҳақида мунтазам равишда тақризлар

ёзилади, обзор мақолаларда айтилади, бирор адабий муаммо муносабати билан таҳлил қилинади. Бироқ бу шоирларнинг ҳар қайсиси ҳақида муфассал фикр юритадиган, ҳар бирининг ўзига хос ижодий қиёфасини очиб берадиган, адабиётга қўшган ва қўшаётган ҳиссасини бор бўйи-басти, жамики салмоғи билан кўпиртирмай ва, айти чоқда, камайтирмай, ҳолисона кўрсатиб берган танқидий асарларимиз борми?

1979 йилнинг апрель кунларидан бирида СССР Езувчилар союзининг муҳташам конференц-залида устига кўк мовут ёпилган қадимий стол теғрасида нотикларнинг гапини тинглаб ўтирар эканман, кўнглимни чуллаган ғурур туйғусига ана шундай фикрлар соя ташламоқда эди. Уша муҳокама қаҳрамонларидан бири — Ҳусниддин Шарипов бугун элликка кирипти. У эллик йиллик умрининг ярмидан кўпини адабиётга бағишлабди. Унинг «Ниҳол» деб аталган биринчи шеърый тўплами 1956 йилда босилиб чиққан эди. У пайтларда Ҳусниддин эндигина Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўрмончилик факультетини битириб, туғилган юрти Наманганга қайтиб, ўрмон хўжалигида инженер бўлиб ишлаётган 23 яшар навқирон йигит эди. Мутахассислиги бўйича узоқроқ ишлаш унга насиб этмади — шеъриятга муҳаббат, ижод иштиёқи ғолиб келди. Орадан кўп ўтмай у Тошкентга кўчиб ўтади. Шундан бери ўтган салкам чорак аср мобайнида Ҳусниддин ўзбек ва рус тилларида бирин-кетин ўн еттита шеърый тўплам эълон қилди, ўн иккита дoston ёзди, битта шеърый роман яратди. Унинг тўртта драматик асари республика театрларининг сахналарида намоиш этилди. Ҳусниддин булар билан чекланмай, росмана танқидчи сифатида юзлаб мақолалар билан чиқди, қардош халқлар шоирларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Ҳусниддиннинг кўпгина шеърый китоблари ва дostonлари адабиётимизда воқеа бўларли асарлар эди. Улар ўз вақтида адабий жамоатчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. «Ильични ўйлайман» китоби учун эса Ҳусниддин Шарипов республика Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирланди. Унинг асарлари анча-мунча қардош халқлар тилларига таржима қилинди. Хуллас, қарабсизки, бир вақтлар Ҳусниддин шеърият боғига эккан ниҳол ўсиб, улғайиб бугун чинор бўлипти. Шундоқ экан, нечун унинг ижоди ҳақида ёзмаслик керак? Кечикиб бўлса-да?

Хусниддин Шариповнинг биринчи шеъри Наманган область газетасида 1948 йилда, республика матбуотида эса 1950 йилда босилган. «Ниҳол» тўпламидан кейин Хусниддиннинг «Кўнгил буюргани» деб номланган яна бир китоби эълон қилинди. Бу асарларни, менимча, шоғирдлик босқичининг мевалари деб қараган маъқул. Хусниддиннинг шоир сифатида туғилишини «Қуёшга ошиқман» дostonи билан боғласак тўғри бўлар. Чунки айни шу дostonда Хусниддиннинг ўзига хос шоирона нигоҳи, воқеликни мустақил ва оригинал идрок қилиши, янгича, оригинал поэтик образлар системасини яратиш иқтидори биринчи марта рўйирост кўринганди. Дoston эълон қилиниши биланоқ адабий жамоатчиликнинг ҳам, китобхонлар оммасининг ҳам диққат-эътиборини жалб қилди. Дoston ҳақида кўплаб тақризлар ёзилди. У мўтабар адабий анжуманларда тилга тушди. Айрим мунаққидлар дostonни Р. Рождественскийнинг «Парвозга 15 минут бор» ва О. Сулаймоновнинг «Инсонга таъзим қил, замин» каби машҳур поэмалари билан бир қаторга қўйдилар. Поэманинг бундай юксак баҳоланиши бежиз эмас эди, албатта.

Юрий Гагариннинг парвози инсоният тарихида янги саҳифа очди: инсон асрлар давомида ўзига садоқат билан хизмат қилиб келган бешигини — она заминни тарк этиб, «коинотнинг сирли чўлига куёвдай қадам ташлади». Бу — инсоннинг улғайганидан, тарихий камолотидан далолат беради. Инсоннинг фазога парвози заминга коинот юксакликларидан назар ташлашга, заминнинг асрий муаммоларига ҳам, инсоннинг ўзига ҳам янги нуқтаи назардан қарашга ундайди. Бу парвоз инсон тафаккурида ҳам янги босқич — энди у янгича миқёслар билан фикрлаши керак. Хусниддин Шарипов буни яхши тушунади ва дostonда фазонни ўзлаштириш жараёнида туғила бошлаган оламни янгича идрок этишни, воқеликка янгича муносабатини ифодалайди. Бошқача айтганда, шоир дostonда заминда туриб, фазогирни кузатиш билан чекланмайди, балки фазогирнинг ёнида туриб, юксакликдан заминга кўз ташлайди, замин муаммоларини шу мавқадан таҳлил қилади. Шоир фазогирнинг парвозини инсониятнинг янги уфқлар сари интилиши деб талқин қилади, унинг буюк ижтимоий моҳиятини очади. Инсон бутун тарихи давомида юксакларга интилган, қуёшга талпин-

ган, коинот жумбоқларини чақишни орзу қилган. Бироқ унинг бу орзулари фақат бизнинг давримизда, бизнинг социалистик жамиятимизда рўёбга чиқди. Коинотга биринчи бўлиб совет кишиси қадам қўйди. Шоир бу ҳодисанинг қонуний эканини яхши кўрсатади:

Ердаги занжирни парчаламасдан
Инсон уча олмас ёди фалакка.

Ердаги занжирни эса инсон биринчи марта 1917 йилнинг 25 октябрида парчалаган эди. Шунинг учун ҳам бўрондай пишқириб коинотга йўл олган «Восток» кема-сининг шиддатида шоир зулмат замонининг инқирозидан дарак берган «Аврора» залпининг акс-садосини кўради. Шунинг учун ҳам шоирнинг фикри табиий равишда серташвиш йигирманчи йилларга — ҳали деҳқон снгир билан ер ҳайдаётган, ҳали юртдан жангларнинг доғи ювилмаган бир шароитда совет кишисининг коинотга учиши муқаррар эканига ишонган, шу туфайли минг-минглаб зарур ва ошиғич ишлар орасида Циолковскийни ўйлаган, унга ғамхўрлик кўрсатган улуғ муаллимга — Ленинга кўчади. Шоир талқинида Ленин ғояларининг тантанасини ўзида мужассам этган ижтимоий тузум, тенглик, эркинлик, адолат қарор топган социалистик жамият инсоннинг коинот сари парвози учун мустақкам замин бўлди.

«Қўшга ошиқман» достони том маънодаги социалистик гуманизм ғоялари билан суғорилган. Унинг лирик қаҳрамони Гагарин парвози баҳона бутун инсониятнинг тақдирини ҳақида ўйлайди. Бу ўйлар жаҳоннинг барча меҳнаткаш халқларига муҳаббат руҳи билан суғорилган. Лирик қаҳрамон мардона курашиб озодликка эришган ва янги ҳаёт кураётган Куба халқига биродарлик саломларини йўллайди, мустақиллик ва озодлик йўлида курашаётган Африка халқларига бирдамлик туйғуларини изҳор қилади. Айни чоқда, у инсоннинг азалий ҳуқуқларини поймол қилаётган қора ниятдиларни, атом бомбасини силкитиб, инсонга таҳдид қилаётган қонхўрларни, «дардни даволаш учун маргимуш танлайдиган кўр табиб»ларни эҳтирос билан қоралайди. Лирик қаҳрамон инсон тафаккурига, унинг эзгулигига, қудратига ишонади, унинг ҳар қандай қора кучлар устидан ғалаба қозониши муқаррар эканини, «қиличдан нозик гулқайчи ясалишини, гўзаллик олдида ажал тиз чўкиши»ни тасдиқлайди.

Шу тарзда «Қуёшга ошиқман» достонида дунёни янгича идрок этаётган, янгича миқёсларда фикрлаётган ва безовта қалб билан инсоният тақдири ҳақида ташвиш чекаётган замондошларимизнинг тўлақонли лирик характери яратилди. Бу характерда эса шоир давримизнинг энг муҳим жиҳатларини ёрқин ифодалашга муваффақ бўлган.

Шундай қилиб, 60-йилларнинг бошида ўзбек шеърияти саҳнасига яна бир бақувват истеъдодли, ўзига хос мустақил нигоҳга эга шоир кириб келди. Хўш, Ҳусниддинни шоир қилиб етиштирган замин қайси, унинг истеъдодига қанот бахш этган омиллар қандай, унинг шеърияти қайси булоқлардан сув ичиб улғайди? Табиийки, Ҳусниддиннинг улғайишида энг катта роль ўйнаган биринчи манба — ўзбек адабиётидир. У классик адабиётимизнинг улугвор аънаналарини чуқур ўрганди ва улардаги гуманизмни, самимиятни, маҳоратни ўзига сингдирди. Ҳамза ва Ғафур Ғулломлар, Ҳамид Олимжон ва Ойбеклар, Шайхзода ва Зулфиялар, Уйғун ва Миртемирлар, Шукрулло ва Асқад Мухторлар тўплаган бой ижодий тажриба Ҳусниддиннинг шеърӣ парвози учун бақувват пойдевор бўлиб хизмат қилди. Айни чоқда, ёш шоир халқ поэзиясининг битмас-туганмас бойликларидан, сеҳрли жозибасидан баҳраманд бўлишга интилди. Ҳусниддин халқ ижодидан ўрганар экан, унинг юзасида ётган ташқи жиҳатларини эмас, ички руҳини қабул қилишга, унинг халқчиллигини, теранлигини, донолигини ўз шеъриятига сингдиришга ҳаракат қилди. Ҳусниддиннинг ижодий ўсишини рус классик ва совет поэзиясининг тажрибасидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. У, айниқса, Маяковский шеъриятидан кўп нарса ўрганди. Урганганда ҳам, бир вақтлар бўлгани каби Маяковский шеъриятининг ташқи белгиларига тақлид йўлидан бормади, буюк шоир кашф этган образларни такрорлашга интилмади, балки у буюк шоир шеърларининг мағизмағизига сингиб кетган революцион руҳни, қудратли оптимизмни, муросасиз жанговарликни, том маънодаги гражданликни қабул қилди. Ҳусниддин Шарипов ўзини Маяковский шогирдларининг шогирди деб биледи ва бу билан фахрланади. Ҳусниддиннинг Маяковскийга ва унинг шеъриятига муносабати Маяковский билан учрашганда» шеърда ва «Шоир ҳақида» достонида яхши ифодаланган. Айниқса, дostonда Ҳусниддин Маяковскийнинг қабарик образини чизар экан, ундаги революцион эҳтиросини, партиявийликни, Ленин ғояларига садоқатни

алоҳида таъкидлайди. Шу билан бирга, дostonда Маяковский образини жонлантирадиган ҳаётий деталлар, биографик штрихлар кўп учрайди. Буларнинг барчаси шоирнинг Маяковский ҳаётини чуқур ўрганганидан, унинг ижодий лабораториясига анча ичкари кирганидан, Маяковский эстетикасининг энг муҳим қирраларини пухта ўзлаштириб олганидан далолат беради. Шоир жаҳон поэзиясида «Маяковский» деб аталган ҳодисанинг моҳиятини тўғри белгилайди: Маяковский демак — дастгоҳлар гурросидан қулоғи битганларга севги изҳор қилмоқ, севги ҳақида илк бор ҳақиқатни айтмоқ демакдир. Ҳусниддин Шарипов Маяковский ҳаётининг айрим лавҳаларини чизар экан, шоирликнинг мақсади ва моҳияти ҳақида муҳим хулосалар чиқаради:

Томошабин эмас шоир,
жангчи бўлар шоир деган,
Унинг учун — торми, кенгми —
жанг майдони бўлса бас.

Бу буюк жангдан мақсад эса «пароканда юракларни пайванд айламоқдир». Бу фикрлар ёхуд ижодий принциплар шоғирднинг устоз сабоқларидан чиқарган муҳим хулосаларидир.

Совет поэзиясининг тажрибасини пухта ўрганиш, Маяковский дорилфунунидан сабоқлар олиш Ҳусниддинга ўз ижодий қиёфасини аниқлаб олишга, ўзининг эстетик программасини яратишга имкон берди.

Бу жуда муҳим эди, чунки Ҳусниддин адабиётга кириб келган даврда мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганди. Кейинчалик олимлар бу босқични «ривожланган социализм даври» деб номлашди. Ривожланган социализм даврида санъат ва адабиётда ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлади. Янги тарихий шароит ҳаёт билан янада мустаҳкамроқ боғланган жамиятнинг ривожланиш тенденцияларини теранроқ тадқиқ этадиган, инсонни чуқурроқ тушунадиган, ҳар қандай маҳдудликдан, догматизмдан, юзакиликдан холи, юксак эстетик қимматга эга бўлган адабиётни барпо этишни тақозо қилади. Бу вазифани самарали адо этиши учун ижодкор ўзининг муайян эстетик программасини ишлаб чиқиши керак. Албатта, ижодкор янги давр талабларидан келиб чиқиб, ўз эстетик программасини шакллантирар экан, у кўп миллатли совет адабиётининг йиллар

давомида шаклланган, ҳаётда синалган, курашларда тобланган ғоявий-эстетик принципларига таянади, уларни бойитади. Ижодкор ўз шахсиятидан, истеъдодининг хусусиятларидан, ҳаётий ва ижодий тажрибасидан келиб чиқиб, адабиётимизнинг умумий принципларини ўзи учун қайтадан кашф этмоғи, бошқача айтганда, уларни ўзининг ички эътиқодига айлантирмоғи лозим. Фақат шундагина у ижоднинг катта йўлига чиқиб олиши мумкин, фақат шундагина унинг ижодий йўли раво ва нурафшон бўлиши мумкин.

Хусниддин Шарипов шоирнинг жамиятдаги ўрнини жуда юксак деб билади. Унинг шеърларида қайта-қайта шоирнинг жангчилиги, солдатлиги таъкидланади. У қалами билан ўз халқининг бахт-саодати, Ватанининг фаровонлиги, жаҳон халқларининг тинчлиги учун курашади. Шунинг учун шоирни ёруғлик тантанаси учун курашувчи, муҳаббат учун курашувчи, яхшилик, адолат ва ҳақиқат нурларини таратиш учун курашувчи одам деб ҳисоблаш керак. «Маяковский билан учрашганда» шеърида Хусниддин улуғ устоз тилидан шоирни сафарбар жангчи деб таърифлар экан, унга шундай таъриф беради:

Солдатга не ҳожат лаш-луш ва ҳовли?

Унинг Ватани бор —

буюк ва жўшқин.

Минтақа чизиги бўлиб ҳар қўли,

Шоир ерни қучар ва айтар ишқин.

«Тарас улкан эди» шеърида эса шоир билан халқнинг бирлиги ҳақидаги ғоя олға сурилади. Шоир ўз халқининг дилидагини шеърга солиши керак. Халқнинг қувончи ҳам, дардлари ҳам шоир сатрларида теран ифодалангандагина шеърият яшашга ҳақли бўлади. Бунинг учун эса шоир қалбида муқаддас чўғ бўлиши керак:

Юрагида чўғи бор бўлмаса,

Юрагида йиғи бор бўлмаса,

Ғазабининг тиғи бор бўлмаса,

Шоир шеър ҳам тўқиб беролмасди.

Шеъриятнинг моҳиятини бу қадар юқори қўядиган шоир ижодда юзакиликни, сафсатани, қуруқ баёнчилик-

ни ҳазм қилолмайди, шеърятнинг қудратли кучини беҳуда сарфлашга чидаб туролмайди. Унинг назарида қуруқ насиҳатбозлик, «чанқаганда сув ич, бўлмагини ўғри, билар пул йўқотган кармон қадрини» қабилидаги гапларни қофиялаб, назм яратиш шоир шаънига ярашмайди. Бундай қиладиган шоир «келида сув туйиб умр ўтказган» одамга ўхшайди. Ҳақиқий шоир чинорнинг сояси эмас, чинорнинг ўзи бўлиши керак.

Ҳусниддин Шариповнинг шаърият ҳақидаги қарашларини аниқлашда «Африка ҳикояти» деган поэтик асари алоҳида аҳамиятга эга. Унда қадимий ривоятлардан бири ҳикоя қилинади: куйчининг шуҳратига ҳаваси келган сардор етти торли соз ясаптириб, уни чалади. Лекин торлар қафасга тушган қушдай титрайди-ю, сайрамайди. Ногаҳон уруш бошланади. Даҳшатли қирғинда сардор бирин-кетин етти ўғлидан ажралади. У эгик бош билан уйига қайтади ва пешвоз чиққан элига, хотинига нима дейишини билмай лол қолади:

Не десин?

Нима ҳам дея оларди?

Найзани узатди,

Қўлга олди соз,

Қайнаб ич-ичига сиғмаган дарди

Оқди етти тордан сирқираб бехос.

Мана шу соддагина ривоят замирига санъатнинг моҳияти ҳақидаги улуг ҳақиқат сингдириб юборилган. Шуҳрат иштиёқидан санъат бунёдга келмайди. Ҳақиқий санъат ичга сиғмай вулқондай қайнайдиган дардлардан, одамнинг ҳаловатини олиб, сира тинч қўймайдиган поёнсиз қалб туғенидан туғилади. Фақат шундай ижодгина бошқаларнинг қалбига йўл топади ва уларни ларзага солади. Шоир қалбининг терадлиги, халқ қалби билан туташлигини шеърни санъат даражасига кўтаради.

Ҳусниддин Шарипов мана шу тарзда адабиётимизнинг ғоявийлик, халқчиллик, ҳаётийлик каби принципларини ўзининг эътиқодига айлантирди ва ижоди давомида уларга оғишмай амал қилиб келмоқда. Бу эса шоирга социалистик воқеликнинг кўпгина муҳим жиҳатларини ҳаққоний акс эттириш имконини берди.

*ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ,
профессор, Беруний мукофоти
лауреати.*

ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАР

Меваю гул мўлдир
ёшлик йўлида,
Ешликнинг қўлида
ҳамма нарса нақд.
Шунинг-чун йигит ва қизлар дилида
Ҳаяжон уйготар
Фақат
Катта бахт!

У ҳолда, мен...
Нима,
қариб қолдимми?
Не учун қалб тори титраб қўққисдан,
Мабодо мақтамоқ бўлсам
олтинни,
Илҳомим қўзғалар тиллақўнғиздан?

Нечун чирт-чирт учган ҳар бир япроққа
Юрак эргашади
бир гўдак мисол.
Ахир тўйганмиз-ку йиғиб-термоққа,
Ахир вақт етди-ку, демоқ учун:
— Ол!
Йўқ, йўқ,
Биз қувмаймиз фойда ортидан,

Лекин,
 бир кўкат деб,
 бўлсак гоҳ жизза, —
Гул ва чумчуқ билан, сув ва қор билан
Қарийб эллик йиллик қадрдонмиз-да!
Уша қадрдонлик улғайган дамлар
Сабабу баҳона бўлиб,
Эҳтимол,
Гўзалроқ кўринар бизга одамлар,
Ширинроқ туюлар бугун бизга бол.
Мавжлатар ҳаяжон тўлқинин энди
Хаттоки энг жажжи, энг содда нарса.
... Зап иш бўларди-да,
Инсон фарзанди
Қари туғилса-ю,
 ёшара борса!



ИРОДА

Қум тепалар, худди чўчиган тойдай,
Сесканиб қўзғолди,

бўрон бошланди.

Нурдан ҳозиргина кўз толган жойда
Қоронғилик — чўкиб,

сурон бошланди.

Қуёш қанг қоплаган баркаш сингари
Тўзон орасидан кўринар хира,
Машина юролмас энди илгари,
Йўлни кўрмоқ учун имкон йўқ сира.

Кўзойнақдан ўтиб кўзга кирар қум,
Тишнинг орасида қум гижирайди,
Бўронга боқаркан, геолог Турсун
Қумни туфлаб ташлаб, бирдан жилмайди:

— Майли, увуллаб ол, саҳро, сўнгги бор,
Тезда ювош бўлиб қоласан қўйдек.
Бу ерлар бўлади кўм-кўк пахтазор,
Чунки кенг кўксингга биз қадам қўйдик!

Шамол ҳуштак чалар, тинчимас бир дам,
Дарғазаб,

ёқага солади чангал.

Турсун палаткада, қўлида карта,
Жилмаяр: «Бог бўлар манов ерларда.
Бу ердан ўтади ҳаётбахш канал»...

1952.

ЕМҒИР ҲАМ ЕҒИБ УТДИ

Қўк майсалар кўтарди бош,
Баҳор қучди ўлкани.
Кўйлақдан ҳам ўтиб қуёш,
Куйдирмоқда елкани.

Гулбаҳорга қўшиқ тўқиб,
Куйламай туrolмайман.
Чаман боғлар, мовий кўкка
Боқаман, тўёлмайман.

Тоғда булут қанот ростлар,
Йўл олди мен томонга.
Янги меҳмон қалдирғочлар
Яширинди шийпонга.

Бошим узра қарсак урди
Қувноқ момоқалди роқ.
Тўйиб-тўйиб нафас олдим,
Гупуриб кетди юрак.

Туша кетди юзимга мўст
Илиқ, йирик томчилар.
Гўё мени меҳрибон қўл
Ҳазиллашиб қамчилар.

Илк гўзалар нозик баргин
Авайлаб ювиб ўтди.

Бир оздан сўнг булутларни
Шабада қувиб ўтди.

Кўйлақдан ҳам ўтиб қуёш,
Эркалади елкани.
Кўк майсалар кўтарди бош.
Баҳор қучди ўлкани.

1955.

Ч И Н О Р

Офтоб бош устида тўхтаган маҳал
Кўл

ипак чойшабдай товланар ял-ял.
Милтиллаб ўйнаган беором зиё
Улкан чинорларни этар маҳлиё.
Уч қучоққа сиғмас ҳар битта чинор
Хасталик билмасдан,

ўсган беғубор.

Саратон куни ҳам бу ерлар салқин:
«Дам олинг» деб чорлар шаҳримнинг халқин.

Кўкчойни шимириб икки-учта чол,
Баланд сўриларда суради хаёл.
Йигит-қиз студент

боядан бери

Ултирар фикрини китобга бериб
Қўлни қўлга бериб,

қушдай сайрашиб,

Боғча болалари ўтар яйрашиб.

Бир келиб кўрингиз шаҳрим паркини,
Шундай оромбахшдир унинг ҳар куни.
Соя-салқинларда ўйлайман мен ҳам:

«Ким экан чинорни ўтқазган одам?
Супрадай соқолли мўйсафидмикин,
Деҳқон қизимикин

ё йнгитмикин?

Эҳтимол забардаст, қайноқ кишидир,
Эҳтимол сўзлари қаймоқ кишидир?
Кўзлари қорами

ёки кўкмиди,

Юзи чиройлими

ё хунукмиди!»

Унинг кимлигини айтолмайман, рост,
Яхши кишилигин биламан холос.

1959.

Я Х Ш И Л И К

Енимдан ўтаркан каттаю кичик,
Кўнглим дер: қилдингми унга яхшилик?!

Кексалар юкини енгил айласам,
Ҳассалари бўлсам, севиб сийласам,

Ешлар менга боқиб сўраганда йўл,
Манзилинг яқин деб узатолсам қўл,

Кампир ўт ёқолмай қийналган чоқда,
Мен келсам, гурласа олов ўчоқда,

Қондириб ноғихон ташналигингни,
Кўрсатсам ўзингга ошналимни,

Сен паришон бўлсанг,
Латиф ва янгроқ
Куйим-ла дилингга ёқолсам чироқ,

Бахтимга янги бахт қўшилар гўё,
Кўркамроқ кўринар кўзимга дунё.
Яхшилик қиламан эртаю кечин,
Қўрққанымдан эмас,
Севганим учун.

1960.

ЕШЛИГИМ

Икки кунки — тинмай,
Ҳормай ва эринмай
Бўралайди қор,
Оппоқ кечаларда,
Юмшоқ кўчаларда
Бир ажиб завқ бор.
Жажжи болалар ҳам
Олмайди бугун дам,
Уйнайди дадил.
Боққанда шу топда
Эрийди симобдай
Тош бўлса-да, дил.

Биз ҳам ёш эдик-ку,
Шўх, бебош эдик-ку,
Қани у йиллар!
Бизни қондирмасди,
Кўзни ёндирмасди
Оддий ўйинлар.
Оталар урушда,
Оналар юмушда,
Бошда ташвиш кўп.
Цеху далаларда

Ҳатто болаларга
Мунтазир иш кўп.
Жангчи толмасин деб,
Титраб қолмасин деб,
Терардик пахта.
Қисқаю бўйимиз,
Фикримиз — ўйимиз
Олис жанг ёқда.
Ҳар бир хат-хабардан
Шодлик ва зафардан
Истардик дарак.
Умид сўнмас эди,
Асло сўлмасин деб
Экардик дарахт.
Юрт олдида асло
Тилимиз қолмас лол,
Эмасмиз изза.
Улуғ ғалабага,
Қутлуғ ғалабага
Қўшолдик ҳисса.

Кўнглим қариган йўқ,
Лабдан ариган йўқ
Кулку ё қўшиқ.
Мавжланади ҳислар
Утганида қизлар
Машъал ёқишиб.
Оппоқ кечаларда,
Юмшоқ кўчаларда
Қишнинг чамани.
Гўё боламиз биз,
Яйраб борамиз биз,
Тортиб чанани.

1960.

ТАЯНЧ НУҚТА

Қўли етмас эди олис уфққа,
Архимед армон-ла хўрсиниб дерди:
— Фазода тополсам бир таянч нуқта,
Қайтара олардим йўлидан ерни...
Оқ қўнди тарихнинг соч-соқолига,
Аммо муаммолар ҳамон беҳисоб.
Асрлаб чувалган эзгу саволга
Фақат улуг Ленин беролди жавоб.
Уйнаб сайёранинг нақшин нуқтасин,
Чавандоз бўлишни кўзламади у.
Ҳаёт ва иқболнинг таянч нуқтасин
Осмони фалакдан изламади у.
Деҳқон кулбасига муз тигли қилич
Қўндирад эдими бахт юлдузини?
Қадоқли қўлларга таяниб,
Ильич
Қуёшга буролди ернинг юзини.

1960.

ИСТИҚБОЛ ОСТОНАСИДА

Сувлар оқаверар,
Пардозга ўч тол
Баргин ёзаверар ҳар баҳор.
Бизлар ҳам бўлармиз қачонлардир чол,
Ўтмас умр бекордан бекор.
Табиат тизгини қўлларга тегар,
Етмиш олам бўлар бир қадам.
Ойнинг ўркачига қўндириб эгар,
Қуёш сари йўл солар одам.
Марс чойхонасида қилиб нонушта,
Етиб келсак пешинда ерга,—

У пайтлар ҳеч киши ёқасини ушлаб,
«Ё тавба» деб ботмагай терга.

Бизлар ҳам бўлармиз қачонлардир чол,
Лекин қарирмиди кўнглимиз?
Фазо ўз уйимиз, дея эҳтимол
Мақтаниб келади ўғлимиз.
Мақтанса арзийди,
Арзир қувонса,
Фақат унутмасин у ҳаргиз,—
Фазога биринчи учган инсонга
Оқ йўл тилаб, кийим берган — биз!

1960.

АРАВАҚАШ АРЗИ

Уҳ, юрак қинидан чиқай деди-я,
Чуҳ, отим,
Илдамроқ одимла!

Яна ўтиб кетди гўзал Назира,
Дил унга талпинса менда не гуноҳ?!
Давлати камайиб қолмасди сира
Бир салом деса,

ё ташласа нигоҳ.

Ерга озор бермай босади қадам,
Чумоли учраса ҳатто эзмайди.
Йўлига кўз тикиб,

ёниб дам-бадам,

Жоним қийналганин наҳот сезмайди?
— Бошқа бирор барно топилмайдими,
Мунча оҳ урдинг,— деб дўстларим кулар.
Мен айбдор эмасман ахир

Лайлини

Мажнун кўзи билан кўрмаса улар.
Дилни забт этганда муҳаббат дарди,
Сўрамас:

Фарҳод ким, аравакаш ким!
Ернинг чилвир сочи атиргул баргин
Сийпалаб ўтса ҳам уйғонар рашким.
Нозик бармоғига санчилса тикан,
Азобин мен тортай,
фақат мен тортай.

Ҳатто у ўзича жилмаяр экан,
Мен яшнаб кетаман дарров баҳордай.
Аммо айтай десам дилда борини,
Ҳуркак капалакдай учар у нари.
Бағри тошми, дейман, тоғнинг қорими,
Еки ёқмайдими ҳунарим?
Ўғилсизга — ўғил, қизсизга — қизман,
Чоллар хизматида тайёрман доим.
Ҳорғинлик сезмайман қанча олисдан
Ташисам тўйларнинг гуруч, буғдойин.
Учоқда ёнаркан чирсиллаб ўтин,
Ошпаз
аравакаш шоввозни эслар.

Мен бор —
чўлоқларнинг оёғи бутун,
Интизор бўлмайди йўлга қўлсизлар.
Кераги йўқ эса меҳнатим элга,
Тўхта-ю,
жавоб бер,
Қайтай йўлимдан.
Аравакаш йигит ёқмаса сенга,
Учувчи бўлиш ҳам келар қўлимдан.
Узинг қилмишингдан бўлиб хижолат,
Бирор кун етарсан ахир додимга.

Яна ўтиб кетдинг.

Боқмадинг фақат.

...Чуҳ отим,

Илдамроқ одимла!

1960.

БАХТИМНИ СЕНДА ТОПДИМ

Қишлоқ оқшомлари оромбахш, сокин,

Ел бир дам тин олар,

Ўйноқлар бир дам.

Қуёш этагини авайлаб,

Секин

Йиғиб олар эди шuvoқзор қирдан.

Бизлар бола эдик.

Қилмасдик парво

У пайт табиатнинг латофатига.

Далага чопардик мисоли дарё,

Битта нон қистириб китоб қатига.

Мавж урган мошпоя, қовунполизлар.

Бағрида бир нафас ёзмасдик ҳордиқ.

Олис чайламизга учардик бизлар

Оҳанрабо бордек,

Тилсимот бордек.

Соғиниб кетгандай,

тутлар ортидан

Маккажўхоризор бетоқат бўйлар.

Уни ораласа,

Туя ҳам баъзан

Игнадек йўқолиб қолади, дейлар.

Тиғдор япроқларнинг шивирлашини

Тўйиб тингласангиз,
ором олар жон.

Гоҳида,
келтириб киши гашини,
Еқангдан зар қуяр етилган султон.
Гулхан атрофида эртақлар тинглаб,
Сўта кабоб емоқ гашти ҳам ўзга.
Шундай дақиқада
юлдузлар имлаб,

«Енингга тушайми?» деб қолар сизга.
Қуёш кўра янглиғ ёнган чоғида
Мироб ҳам бўлардик,
Тўкар эдик тер.
Ҳали биз тотмаган севги ҳақида
Поя панасида ёдлардик ҳам шеър.
Мана, йигит бўлдик.
Уша завқу шавқ
Юракнинг тўрида ловуллаб ҳамон.
Тўрғайлар уйғониб,
Ёнганда шафақ,
Далалар йўлимда шовуллаб ҳамон.
Биров омад излаб кезар дунёни,
Мен топдим иқболни жўҳоризорда.
Юртнинг минг қулоқли сермой қозонини
Бирга қайнатмоқнинг сурури бор-да!
Бу бўстон тушгандир менинг маҳримга,
Кўз тўймас даламнинг кўркини кўриб.
Юрибман
ям-яшил ернинг бағрида,
Шоир айтганидай,
«жувори қўриб».

1961.

ҚУЛЛАРИНГ

Қани, Рустам, кафтингни оч-чи,
Уғлим, қўлинг мунча ҳам жажжи...

Бармоқларинг ҳозир момикдай,
Кумуш қошиқ тутганинча йўқ.
Меҳмондан сира ҳайиқмай,
Дастурхонни титганинча йўқ.

Эгнингдаги гулёқа кўйлак
Бўйларингга тор келар бир кун,
Дўстлар билан ўтарсан қувноқ,
Кўчаларни тўлдираб, дуркун.

Икки ёнда бинолар сафи,
Деразалар жилмаяр, порлар.
Қурувчисин таниган каби,
Ҳар уй сени меҳмонга чорлар.

Уғлим, қайга қадам ташласанг,
Ҳамроҳ бўлар сенга эл меҳри.
Қайда яшил боғлар яшнаса,
Қолур шаксиз қўлларинг муҳри.

Кафтларингда унса қадоқлар,
Онанг боқиб куймасин бекор:
Файз қўнади ахир бармоққа,
Безатганда уни касби кор.

Балки рояль пардалариде
Қапалакдай этар у парвоз.
Балки Сибирь тайгаларига
Бошлаб келар мангу яшил ёз.

Юксакларни этса ихтиёр,
Ер бўлади лочинга лочин;

Бардам қўлинг титраб бахтиёр,
Қай барнонинг силаркии сочин?

Узинг қурган чароғон йўлдан
Бахт уйига киргайсан хуррам.
...Кексалардан хавотир бўлма,
Сендан ортда қолмаймиз биз ҳам.

Қани, Рустам, кафтингни оч-чи!

1961.

ИНСОН УЧУН

Юрий Гагарин парвозига

— Фазодан сўзлаймиз!

— Фазодан сўзлаймиз!

Бу сас бўронлардан илдам кўчмоқда.
Хаёл ҳам етмаган мовий пучмоқда
Инсон учмоқда.

Ўтмишни ўйлайман, аччиқ ўтмишни,
Тош янглиғ бебаҳра, қаттиқ ўтмишни:

Баҳоррўй Наманган, кўркам Марғилон
Еру осмон каби олис эмасди.

Лекин, қариндошин соғинса деҳқон,
Бир бориб кўрмоққа қисқайди дасти.

Оти ориқ эди.

Йўл эса чексиз,

Пайт пойлаб ётарди сарғиш барханлар.

Езёвон чўлида йўқолмиш изсиз

Не-не азаматлар,

Чанқаб ҳорганлар.

Қарвонга бўтадай эргашганлар ҳам
Видолашар эди дўст-ёри билан:
Бел боғлаб сафарга чиқолмаганлар,—
Қардошин, қурдошин тополмаганлар
Утарди бир умр зўр армон билан.
Ашула бошласа яшил Марғилон,
Наманган боғлари қайтарар садо.
Аммо, саҳроларга ястанган замон
Акани укадан этганда жудо.

★ ★ ★

— Фазодан сўзлаймиз!
— Фазодан сўзлаймиз!
Бу сас бўронлардан илдам кўчмоқда.
Хаёл ҳам етмаган мовий пучмоқда
Инсон учмоқда.

Давримни ўйлайман, азиз давримни,
Ҳаётдай мўътабар, лазиз давримни.

Юрий Алексеевич, ростини айтгин
(Мен ҳам ёқтирмайман сира олтинни),
Етмиш минг оламини айланиб қайтдинг,
Ўлкамдан гўзалин кўра олдингми?!
Юксак-юксакда ҳам кўнглинг хушлаган
Хонанда хониши, бастакор сози,
Чўлларни пичоқдай тўғраб ташлаган
Зилол анҳорларнинг кўрку жилоси,
Олов болалигинг чопқиллаб юрган
Гидамдай жилвагар, майин ўтлоқлар.
Васл они бегона кўздан яширган
Заррин буғдойзорга тугаш гулбоғлар,
Ортингдан қўл чўзиб эргашиб қолган
Гўдак юзидаги безавол ханда

Белинга куч бериб тургандир албат,
Коинот қўйнига сафар қилганда.
Одамлар коинотнинг мангу ошиғи,
Одам шу ҳис билан туғилар бирга.
Даврон ҳақиқати, хислати шуки,
Юксаклар томирни улар томирга.
Арава азобин татиган отам
Сени ўғлим деса қўзғалмас рашким.
Сен билан — ватандош, қариндош, ҳамдам —
Кўкда ҳам, ерда ҳам келар учрашгим.
Онам қанд-қурс сочса азиз бошингдан,
Асло ажабланма, одатимиз бу.
Уй тўри сеники, мен ҳам қошингда,
Палов — бу, ширмой — бу, бода — қимиз бу!
Мунчалар камтарсан Ватаним шери,
Ҳарорат қўшдингу қалб ҳароратига.
Аскардай буюрдинг:— Бағишла шеърни
Ленин ва партия шарофатига!

* * *

...Хаёл ҳам етмаган мовий пучмоқда:
— Фазодан сўзлаймиз! —
Инсон учмоқда.

1961.

БИР КАФТ ТУПРОҚ

Бир кафт тупроқ узра кўтариб кўкрак,
Унибди-ўсибди икки туп гўза.
Норғул шохидаги беадад кўсак
Кун бўйи олади қуёшдан бўса.

Билмас таннозлики,
Сотмайди ҳусн,
Кўкси оқ лоладай бепардоз чаноқ,
Лекин шу жуфт ғўза толасин ўзи
Бўлади бемалол заминга белбоғ.
Боқсам ғўза ўсган кафтдай тупроққа,
Доим инсон қалбин эсимга солур.
Чунки кафтдай қалб ҳам,
Гурлаган чоғда,
Заминни офтобдай исита олур.

1962.

ИГИТ УМРИ

Қирқ йил мунча узоқ муддат экан,
Ҳатто қариб чўкипти сал тоғ.
Райҳон аро унгаи каби тикан,
Сочларга ҳам оралабди оқ.

Қирқ йил мунча қисқа муддат экан,
Қирқ йиллик қор тоғларда оппоқ.
Мен туғилган куним отам эккан
Чинор энди бўпти бир қучоқ.

Йигит умрин сайр этиб чиқишга
Хаёл учун бир он кифоя.
Қийинроқдир қирчиллама ёшга
Кўтарилмоқ пояма-поя.

Дарров эслаб ололмайсан энди
Тетапоя бўлганинг дамин:
Қўлтигингдан тутган онангмиди,
Ёки китоб берган одамми?

Е жанг пайти эмганда қон ҳидин
Улғайганинг этганмидинг ҳис?
Е камолот эшигидан секин
Олиб ўтганмиди дилбар қиз?

Ҳа, бизларни қумлар ҳарорати
Тоблаганди мисоли тандир.
Совуқ шамол шамолини татиб,
Овозимиз дўриллагандир.

Олов кечган, довон ошган маҳал,
Зўр синовлар бошланган кунда —
Дилимизга Ильич ёққан машғал,
Сўнмаганин сабаби шунда.

Қирқ йил жуда қисқа муддат экан,
Қирқ йиллик қор тоғларда оппоқ.
Тенгдошимга бир умрни бирдан
Эслаб олиш осонмас бироқ.

Ахир очлик, босмачи ҳақида
Кексалардан эшитиб билдик:
Бешигимиз тепасида, миҳда
Турар экан ўқланган милтиқ.

Яхши эслаб азиз она-Ватан
Бу курашлар не эканини,
Лекин, ҳали одамзод кўрмаган
Она-Ватан бош эганини.

1962.

ОҚ ТУНЛАР

Дала — яшил, осмон — мовий,
Тун — оппоқ, оппоқ, оппоқ...

Гўё борлиқ оқ қоғоз-у,
Шоир сатрига муштоқ.
Япроқлар ҳам сирлашмайди,
Босмиш тутларни мудроқ.
Ухлагандай туюлади
Назарингда боғ, ўтлоқ.
Аmmo ернинг кўкрагига
Қулоғингни қўйиб боқ:
Тупроқ — уйғоқ,
Нафасидан
Дарров ловуллар яноқ...

Заҳматкаш илдизларнинг
Ерни аста тилиши,
Сой остида тошларнинг
Қалдираб сурилиши,
Йироқлардаги тоғлардан
Харсанг юмалаши ҳам,
Қайдадир сувчи қизлар
Авайлаб қўйган қадам,
Төмоғинг дард кўрмагур
Чирилдоқлар нағмаси,
Конларнинг ҳансираши, —
Хуллас — ҳамма-ҳаммаси
Инсон қалбин тепишидай
Эшитилиб туради.

Дала — яшил, осмон — мовий,
Тун оқ рўмол ўради.
Келинчакдай оқ кийинган,
Сочига ой нури инган,
Кўзи сузук соҳибжамол
Гўзасига тарайди сув.
Зеҳн қўйиб бир қарасам,
Тандадаги кўк беқасам
Чигалини ёзаётган

Тўқувчига ўхшайди у.
Қайда экан шериклари,
Наҳот ёлғиз зерикмади?
Гоҳо қўшиқ эмган каби
Сукунатни тинглайди қиз.
Ажаб, наҳот ел розини,
Ер розини англайди қиз?
Тун ўзгача, ўзгача гашт,
Кўринмайди на тоғ, на дашт,
Кенг далалар қошдай туташ,
Ололмас кўз четин илғаб.
Боқсанг — дилдан ювилар гаш,
Орзу, хаёл кетар чулғаб.
Шундай сокин кечаларда
Унар элнинг ой-йиллиги.
Шунданмикин деҳқонларнинг
Фалсафага мойиллиги...

Барно сувчи, айт-чи, нелар
Уйлариғни этди ром:
Пахтазорни ёқалаган
Беғубор ва беором
Анҳорнинг кулгусими,
Ғўзанинг гул юзими,
Жамбил-райҳон исими
Е қолдириб изини,
Дала узра учиб ўтган
Мовий кўк юлдузими?
Балки юлдуз юрагингга
Ғулу солиб кетгандир,
Балки юлдуз юрагингни
Бирга олиб кетгандир?
Лекин асло қилма армон,
Армон қилма, ойжамол,
Пойингдадир ёруғ жаҳон,
Кенг жаҳонга қулоқ сол:

Биримиз боғ-роғларда,
Биримиз ўтлоқларда,
Биримиз уммон кезиб,
Сахро кезиб, кон кезиб,
Уйғотамиз чашмаларни,
Қондирамиз ташналарни.

Биз суғорган она тупроқ
Юлдузларга бўлиб ҳамроҳ,
Боши узра икки ўғлон
Парвонадай уриб жавлон,
Сомон йўли — бир ёнида.
Ой ва қуёш — осмонида,
Одамзодни маҳкам қучиб,
Коинотда борар учиб.
Армон қилма, барно, биз ҳам
Парвоздамиз, парвозда.
Пахтазоринг мунча кўркам
Бўлар экан ҳар ёзда:
Дала — яшил, осмон — мовий,
Қалбимдай уйғоқ тунлар,
Илиқ она сути янглиғ
Хўп тотлисиз, оқ тунлар,
Оқ тунлар, оппоқ тунлар...

1962.

ОГОҲ БУЛИНГ

Кўнгилдаги боримни
Ошкор этай ниҳоят,
Орзуйимни, зоримни
Ёрим эшитса шояд:

Тўлқин урган ишқимни,
Садоқатим, рашкимни

Қила олмас ифода
На дoston, на ривоят.

Боққа кирсам — япроқлар,
Юзим ювсам — ирмоқлар
Мадҳингизни шивирлаб,
Менга сўйлар ҳикоят.

Сиз эккан гул қўлимда,
Изингиз бор йўлимда,
Енингизга шу йўлдан
Бошлаб кетар хаёлат.

Учиб борсам чарх уриб,
Кутармисиз барқ уриб,
Қиз боланинг кўнглини
Чўктириш ҳам жиноят.

Огоҳ бўлинг энди, ёр,
Кутмасангиз интизор,
Айлагайман бирор кун
Отангизга шикоят.

1964.

ЧАҚМОҚ

Етар муҳаббатни гулга ўхшатмоқ...
Муҳаббат чақмоқдир,
Муҳаббат — чақмоқ:
Хат-хабар юбормас,
Туғилар бехос,
Улгурмай қоласан чиққани пешвоз,
Совға деб келтирар қувонч ё алам.

Дарвоқе,
Кўкламда туғилар у ҳам.

Инсон юрагидай чексиздир осмон.
Аммо бир кун чақмоқ қўмсаб қолса ёр,
Етмиш минг осмон ҳам келар унга тор,
Гаразли кўзлардан чўчиб ўлтирмай,
Заҳарли сўзлардан чўчиб ўлтирмай,
Юз очар

булутлар деворин бузиб,
Булутлар қолади йўлида тўзиб,
Қиличга дуч келган парёстиқсимон.

Шунда эҳтиёт бўл, ўспирин ошна,
Чақмоқ-ла ўйнашма, асло ўйнашма.
Беаёв бўлади чақмоқнинг тиги,
Ундан қутқаролмас қувлик ё йиғи,
Агар дил пўк бўлса — аҳволи мушкул,
Қолар дил ўрнида ярим ҳовуч кул.

Қимки дўстлар учун жон тиккан бўлса,
Қалби ишқ юкидан энтиккан бўлса,
Бир парча офтобдай қўнганда чақмоқ,
Парпираб кетади мисоли чироқ.
То абад гуркираб, бахтни ёр этиб,
У инсон йўлини турар ёртиб.

Севгини чақмоққа этаркан қиёс,
Яна бир нарсани эсладим бехос:
Баъзан тинар-тинмас тўйларнинг саси,
Бошланар бесабаб араз ва фироқ.
Чўчиманг ҳеч, дўстлар,
Булар барчаси —
Чақмоқдан кейинги момақалди роқ.

1963.

ТАБАССУМ

Юзимни кўзи-ла пайпаслаб бирров,
«Мунча илжаяпман» деб қолди биров.

Хўш, нима бўлипти шунча жилмайсам,
Табассум хислатин наҳот билмайсан?
Оёқнинг остидан қидирмай танга,
Аввал сен назар сол ўтган-кетганга:
Менга жилмаяди жумлаи олам,
Қулиб боқаман-да, жаҳонга мен ҳам.

Бош оғриқ азобин тортмасин биров,
Асло одамларга юқмасин тумов.
Аммо чинорлардан кўкатларгача,
Елдимирим поезду бекатларгача,
Денгиз ва ирмоқнинг музларига ҳам,
Кўкимтир дераза кўзларига ҳам,
Кулолга, трамвай кондукторига,
Мажлисида чарчаган фан докторига
Менинг табассумим юқсин,
ҳа, юқсин,
Дилларга киргани қайғу ҳайиқсин.

Агар табассумдан сел ясаб бўлса,
Розиман оламни шундай сел олса.
Қорбобо амали менга текканда,
Улашиб чиқардим оламга ханда.
Шаҳар ижрокомни раиси бўлсам,
Кунни кун демасдим, кечани кеча,
Теримни артмасдим, олмас эдим дам
Табассум плани тўлмагунича...
«Обрўсин» авайлаб титраб-қақшаган,
Жилмайиб қўйишдан қўрққанлар камми?!
— Шўринг қурғур,— дейман,
— Бечора,— дейман

МАЯКОВСКИЙ БИЛАН УЧРАШГАНДА

Хаёл қайларгадир мени бошлапти,
Гул ҳам кўринмапти ҳатто кўзимга.
Аллаким залворли,

оташдай кафтин
Елкамга қўйганда келдим ўзимга.

Калдираб қолди тил:

— Ассалом, устоз!..

У бир тамшаб қўйди папиросини.
Гўёки дер эди:— Жим тургин бир оз,
Эмайлик атиргул, райҳон исини.

Тўлқиндай урилар шаҳар ғовури
Богнинг кунгурадор панжарасига.
Илиниб қоларди қуёшнинг нури
Қатор теракларнинг панжаларига.

Тоғларнинг қаърида оққан анҳордай
Майин гулдиради шоир овози:
— Кездим кўп юртларни кузу баҳорда,
Лекин диёрингнинг йўқдир қиёси:

Оқ булутлар ўтлар кўк яйловида,
Барг аро уринар тилла қўнғизлар...
Кўрдингми,

Мени ҳам гоҳи-гоҳида
Етаклаб кетади ҳарирдай ҳислар.
Бир замон тилининг суяги йўқлар
Мени атар эди

«жанжалкаш»,

«тажанг».

Сайраб турмаса-да, бош узра ўқлар,
Ахир, шеър ёзиш ҳам жанг эди,

ҳа, жанг!

Душманлар бошига шағал ағдариб,
Бадбинлар дилини этганим сиеҳ,
Айт-чи,

илиқ сўзга зор бўлган, ғариб
Гўдакни суйганим эмасмиди ё?

Қиш совуқ бўларди ўша пайтда ҳам,
Балки ҳозиргидан эди аёзроқ,
Қуриб улгурмасди уйда пайтавам,
Кўпроқ ишлар эдик,
ухлардик озроқ.

Иўллар

сатрлардай

чопаркан йўртиб,

Мен ҳам соғинардим онамни жуда.

Аmmo, уҳ демадик,

Шеър ёздик,

қурдик,

Сафарбар солдатнинг қисмати шу-да!

Солдатга не ҳожат лаш-луш ва ҳовли,
Унинг Ватани бор —

буюк ва жўшқин.

Минтақа чизиги бўлиб ҳар қўли,

Ерни қучар

ав айтар ишқин,

Ишқ сўзи гоҳ елдай елпиниб эсар,
Гоҳ учар ҳамлакор, ўтли қиличдай,
«Ҳамлакор» деганим мазмунни ёса,
Томоқ йиртишдамас,
Ишғол қилишда!

Қўлга қалам олсанг мардликни куйлаб,
Сенга ибрат бўлсин ватандош аёл:

Улар юракларни аввал забт айлаб,
 Кейин фазони ҳам этишди ишғол.

...Шоир бир-бир боқар майса, жилғага,
 Қўзларига қўнар кўлжиллаган кўл.
 Сўнг
 Кул ранг пиджагин ташлаб елкага,
 Қайнаган кўчалар сари олар йўл.

Асло кўланкага бўлмас ишқибоз
 Бўронда яшаш-чун дунёга келган.
 Кўча тўлқин урар.
 Одимлар устоз
 Тўлқинларни ёриб
мисоли елкан.

1963.

ТУПРОҚҚА ҚАСИДА

Ташаккур
мангу ҳур тупроққа!
 Она-Ер,
рухсат бер
ўпмоққа...
 Фарзандимнинг кулгуси ҳаққи,
 Тарих ҳаққи,
келгуси ҳаққи,
 Бутун умрим,
ҳар оним учун,
 Дастурхонда ширмоним учун,
 Она-Ер,
рухсат бер
ўпмоққа...

Ташаккур

табаррук тупроққа!

1

Азиз тупроғим!

Едингда бўлмаса,

ёдингга соламан:

Узинг йўргаклаган қора кўз боламан.

Қуёшга илинган

иссиқ беланчагим,

Бағрингда улғайдим,

Бағрингда қоламан.

Жажжи ниҳол эдим —

яшил далам бўлдинг,

Йўлга кирганимда юшоқ гилам бўлдинг.

Гўдаклигимда ҳам,

Сочим оқарса ҳам

Онагинам бўлдинг,

онагинам бўлдинг.

Юзим қизиллигин

гулингдан олганман,

Кўзим тиниқлигин

кўлингдан олганман.

Қўлингга бердимۇ чўғдай юрагимни,

Оғир-енгилигини

қўлингдан олганман.

Болалигим ўтган кўчалар,

Кўм-кўк боғлар,

опшоқ гўшалар,

Саратонинг,

чилланг ҳурмати,

Эртакларинг,

алланг ҳурмати,

Она-Ер,
рухсат бер
ўпмоққа...

Ташаккур
табаррук тупроққа!

2

Эр йигитнинг муҳаббати
дилда пинҳон яшар,
Денгизларнинг тубидаги
гавҳарсимон яшар.

Азиз тупроғим!
Қучоғингга нурдай сизиб,
Тонг чоғида уйқинг бузиб,
Сув етаклаб боғларингга,
Далаларни яёв кезиб,
ишқимни айтаман.

Севиб тўймас дилим билан,
Чигит эккан қўлим билан,
Аччиқ жангда қоним шимиб,
Алвон бўлган йўлим билан
ишқимни айтаман.

Қушдай парвоз этганда ҳам
Сайёралар кутганда ҳам,
Узоқ-узоқ ўлкаларга
Саёҳатлаб кетганда ҳам,
Қўйингга қайтаман.
Ишқимни айтаман.

Анҳорларнинг тўлқини учун,
Чинорларнинг салқини учун,
Бу дунёга келганим ҳаққи,
Оддий деҳқон бўлганим ҳаққи,
Она-Ер,

рухсат бер
ўпмоққа...

Ташаккур
табаррук тупроқка!

3

Азиз тупроғим,
Жавоб бергин энди сўзларимга:
Нега ажин қўнди юзларингга?
Селлар изи,

еллар изими у,
Е ғурбатли йиллар изими у,
Ухшарми ё менинг изларимга?

Изларимдан кўклам келар сенга,
На қайгу,

на алам келар сенга,
Ешлигида
ёшга қорилганим,
Ташналикдан лаби ёрилганим,
Қайноқ терим
малҳам бўлар сенга.

Суянчиғинг бўлиб суяр бўлсам,
Пешонангни севиб силар бўлсам,
Ажинларинг эриб кетармикин,
Дарду доғинг ариб кетармикин,
Жонгинангга жоним улар бўлсам?!

Минг йилларнинг гарди ҳурмати,
Ғўзанинг илк барги ҳурмати,
Ҳар бир майса, ҳар тошинг учун,
Тошдан қаттиқ бардошинг учун,
Она-Ер,

рухсат бер
ўпмоққа...

Ташаккур,
табаррук тупроққа!

4

Азиз тупроғим,
Меҳмон келар кучоғингга
Яқин-йироқлардан,
Яшил ўтлоқлардан,
Симобий тоғлардан,
Мовий қирғоқлардан.

Сўлим боғлар дарвозасин
очинг, дўстлар, кенгроқ,
Муборакбод парвоз этсин
йўллар узра янгроқ.

Мен сояга сувлар сешиб,
Кўрпачалар ташламайман.
Меҳмонларим қўлин тутиб,
Далаларга бошлагайман.
Боқманг ҳайрат билан,
Завқу гайрат билан,
Дўсту улфат билан —

Ўзларингиз олма экиб,
олма узмагунча,
Яйлов узра тизза букиб
қимиз сузмагунча,
Дарёдаги тўғонларга
Бир тош қўймай туриб,
Оқ тунларда булбулларга
сирдош бўлмай туриб,
Водийларнинг кўксидаги
лолазорни кўрмай,
Саратонда чўққидаги
кумуш қорни кўрмай,
Дилда армон қолмагунча,
армон қолмагунча —

Узларингиз пахта териб,
хирмон қилмагунча
Элимизнинг ғурурини,
Ҳамияти, шуурини
билолмайсиз, дўстлар,
Еримизнинг сурурини
билолмайсиз, дўстлар!

Бош эгаман сенга, Замин,
улуғ халқим билан,
Бош эгаман сенга, Замин,
дилда ёлқин билан...
Фарзандим деб қишин-ёзин
тиним билмаганим,
Меҳрим изҳор этолмасам
таъна қилмаганим,
Шамол бўлиб қучай сени
тонгда тўлқин билан.
Кенг ва равшан уфқлар ҳаққи,
Йўлдош бўлган қўшиқлар ҳаққи,
Онам сенда яшагани-чун,
Бахтим сенда яшагани-чун,
Она-Ер,
рухсат бер
ўпмоққа...
Ташаккур
бу мағрур тупроққа!

1964.

БАҲОР КЕТГУНЧА

Илиқ шамол елди,
Яна баҳор келди.
Қирза этигини кийиб оёғига.

Лабларини қимтиб,
 бирдам назар солди
 Мудроқ далаларнинг
 кулранг бўёғига.
 Нимадир ёқмади.
 Индамади лекин.
 Беҳудага кетар бари бир танқид.
 Юмшоқ шудгор узра
 юриб кетди секин
 Сочини турмаклаб,
 дуррасин танғиб.
 Қора булутларга
 кўз ташлаб ташвишли,
 Уруғ саралаган чолга қарашворди,
 Дастёрдай,
 челаклаб керосин ташишди,
 Трактор тийғанса,
 елка тирашворди,
 Далада тунади.
 Кетмади даладан.
 Тупроқ чигитсираб:
 —Етилдим,— дегунча.
 Қўрқмади аёздан,
 қочмади жаладан,
 Лек тумов бўлишга
 вақти йўқ бугунча
 Энди ранг тақсимлаб
 олмаю беҳига,
 Боғу полизларда
 ўрнатар у тартиб
 Қўк кўрпача ёзар
 ҳовузлар четига,
 Уйғотар майсани
 қулоғидан тортиб.
 Бир куйни машқ қилиб,
 элга ёқтиргунча

Озмунча заҳматлар чекмас бастакор,
 Урикни гуллатиб,
 ғўра тугдиргунча
 Ун чандон — минг чандон
 ҳормасми баҳор!
 Аммо дам олмади
 тугатса ҳам ишин,
 Ахир шимол ёқда
 қор ётипти ҳамон...
 Елкасига ташлаб
 содла ёмғирпўшин,
 Жўнаб кетди баҳор
 ўша ўлка томон,
 У кетгандан кейин
 уйғонди шоирлар,
 Шошилар шоирлар
 сўзга сўз улаб:
 «Яна келди баҳор,
 Яна кулди қирлар,
 Салом, сенга, баҳор!»
 Бундоқ бўпти гап...

1964.

НАСИХАТ

Баҳромга

Мен сенга айлайин, ўғлим, насиҳат:
 Шоир бўлсанг майли,
 Розиман минг бор.
 Донолик шеър учун кўрку фазилат
 Ва лекин «насиҳат» ёзмагин зинҳор.

Шухрати чинордай Махтумқулидан
Бир япроқ узай деб ўйлама, ўғлим.
Шоир куйлар эди куйган дилидан,
Сен эса димоғда куйлама, ўғлим:

«Чанқаганда сув ич...
Бўлмагин ўғри...
Билар пул йўқотган ҳамён қадрини...»
Пул ҳам йўқотмадим,
Йўлим ҳам тўғри,
Баланд ҳам тутаман инсон қадрини.

Насихат эшитиб тонгларим тунга
Уланар:
Гўё мен бевош, муттаҳам.
Бир умр бевошлик қилмаганимга
Ачиниб кетаман шунда жуда ҳам.

Йўқ, йўқ ачинмайман,
Ҳазил бу гапим,
Инсофли дўстлар-ла қиламан фахр,
Келида сув туйиб умри ўтганин
Сезар насихатпаз бир кунн, ахир!

Ўғлим, шоир бўлсанг, розиман, рози
Ва лекин «насихат» ёзмагин зинҳор.
Чинор бўл!
Бўлмагин чинор сояси,
Йўқ эса, ёдда тут, шундай сўзим бор:

Чекса ҳам педагог ўртоқлар оҳ-воҳ.
Пўстагинг қоқаман,
Ушбу гапим — чин!
Бўлсин тантанали «ваъдам»га гувоҳ
Яхши ният билан кесилган хивчин.

1964.

ТАРАС УЛКАН ЭДИ

«Сезмас

улкан одам
ўз улканлигин».

Деганларга ишонмайман унча.
Ўзгалар қалбига йўл топиш қийин
Ўз кўнглинг кўчасин топмагунча.

Тарас улкан эди.

Жуда улкан эди.

Улканларни кўрган-билган эди.
Аmmo, уни ипакларга ўраб,
Сочин атир билан ювиб-тараб,
Сокинликка олиб кетсангиз;
Кўз ёшидай тиниқ ирмоғидан,
Жавдар нондай хушбўй тупроғидан,
Қор,

ёмғирдан

жудо этсангиз,

Умри доғда ўтган бўлар эди,

Тарас

аста-аста

сўлар эди.

Бахтсизликдан ўзга бойлиги йўқ

Элатларга қардош эди Тарас.

Севгиси бор,

лекин қайлиғи йўқ

Солдатларга дарддош эди Тарас.

Отаси ҳам шўрлик деҳқон эди,

Лекин Инсон эди.

Дўст-ёри ҳам хонавайрон эди,

Лекин Инсон эди.

Улар

Тарас меҳмонга келган чоғ

Дастурхонга қўймагандир қуймоқ,

Қуймагандир қадағға чағир.
Одам қадрин белгиламас қаймоқ,
Гүзал одам,
 бўлса ҳамки қашшоқ,
Гүзаллигин йўқотмас ахир!

Бу гүзал эл
 ўз қадрин билмаса,
Иқбол учун жангга киролмасди.
Бу эл
 кўнгли бегубор бўлмаса,
Шундай шоир туғиб беролмасди.
Юрагида чўғи бор бўлмаса,
Юрагида йиғи ор бўлмаса,
Ғазабининг тиғи бор бўлмаса,
Шоир шеър ҳам тўқиб беролмасди.
Тарас улкан эди.
 Жуда улкан эди.
Улканларни кўрган-билган эди.
Содда,
 лекин мағрур халқи билан
Бирга йиғлаб,
 бирга кулган эди.
Яхши қўшиқ каби,
 бу дунёга —
Ҳеч кетмаслик учун келган эди,
Тарас улкан эди...

1964.

БУ КУН...

Бу кун арафасида уйқу бўлар камроқ —
Намойишга ҳозирлик...

Янги гул дасталаш...

Тухфа ортган карвонлар гулдирар илдамроқ,
Меҳмон чорлаб дастурхон тузар

хотин-халаж...

Ақлимни танибманки, шундай бўлар ҳар гал,
Бу зўр интизорликнинг ўз хосияти бор:

Бу кун арафасида,

қирқ етти йил аввал,

Тонгда кутиб Ильич ҳам ўлтирганда бедор.

Сукунат ва суронлар ўйнарди басма-бас,
Тўлқинвор хаёлларга хавотир қўшилар.
Чунки, нурдай сержило намойишга эмас,
Тунги жанг майдонига чиққанди кишилар.

Қизил байроқлиларнинг ҳар бири, ҳар бири
Биринчи ҳур тонгига етсин ахир омон,
Ахир, ўз юрагини кашф этгандан бери
Шу лаҳзага интиқиб интилганди Инсон!

Уша кеча янграган милтиқ гурросига
Салютлар бодроқланиб қайтарар акс-садо.
Қанча сойлар қўшилда азим дарёсига,
Лекин кутиш одати қаримади асло.

1964.

УША-УША...

Командировкага чиққанда отам,
Мени бирга олиб кетарди гоҳо.
Извош ўриндиғи юмшоқ бўлса ҳам,
Саёҳат ичимга тушмасди асло.

Гилдирак остида тош йўл югурса,
Извошга осилиб кетгим келарди.

Эгаси бошимда қамчи ўгирса,
Панд бериб,
нафасни ютгим келарди.

Олис болаликнинг ўша акслиги
Қариганингда ҳам қоларкан танда:
Пойгакда бут бўлсин ошнинг илиги,
Тўрни кўзламайман тўйга борганда.

Ваъзхон сайрайверса чой совигунча,
Юрагим димиқар,
кетар ўт олиб,
Ярашмаса ҳамки гавдамга унча,
Кавш излаб қоламан йўталиб.

Кейин гулдастага бўлсам сазовор
Кириб доноларнинг сипо сафига,
Ҳар гулни ажратиб тўпдан беёзор,
Қайта экким келар ариқ лабига.

Қўшиқлар қайнасин энди даврада,
Қайта ишланмаган бўлса ҳам майли:
Ахир салобатин йўқотар сада
Ва гулга айланмас пардоз туфайли.

Фурсат кулмадим,
турдим тергаб
Яхшилиқ ёқмаган болалигим ё,—
Тилаб юрмадим ҳеч қўшнидан тиргак,
Ё ўзга сатрига чекмадим имзо.

Қулоғим ёнида ҳамон жаранглар
Шошқин филдираклар кўтарган шовқин.
Извош ўриндиғи бўлса-да, рангдор,
Синғиролмас экан оламнинг кўркин.

1965.

ҲАЗИЛ

Бемаҳал учраган кўппак ё илон
Балодай кўринар менинг кўзимга:
Улар не қилмоғи мен учун аён,
Афсус, тушунишмас улар сўзимга.

1965.

ОЛМА ҲИДИ

Қор ёғар. Қуюқ қор мисоли ҳарир.
Ялтада сарвлар турар қунушиб.
Қор Қора денгизда шакардай эрир,
Қор эрир кетма-кет асфальтга тушиб.

Бозордан келяпман. Қўлда тўр халта.
Олма ҳиди оқар менинг изимдан.
Йўловчи аёллар ажойиб халқ-да,
Тўхташар халтага кўз солиб зимдан.

— Қаердан олдингиз?

— Бозордан, хола!

Ўзи биларди-ку, мен айтмасам ҳам.
Жавоб беравериб бир хил саволга,
Тилим танглаймга ёпишар кам-кам.

— Қачон?

— Қимматмасми?

— Ҳали ҳам борми?

Жилмаяр, менгамас, олмага қараб.
Пашша қўригандай тўзитиб қорни,
Фурсатни чўзиш-чун излар яна гап.

Мунча ғалатисиз, яхши аёллар.
Олма еб қотган-ку, тишингиз, ахир!..

Келяпман. Изимдан қувлар саволлар:
— Нави нима экан?
— Эмасми оғир?

Уни ўраб олсам, тўхтарми савол?
Томошага — ана — денгиз, қор, кенглик!
...Унда туғилмасди бу шеър эҳтимол,
Балки табиат ҳам бўларди кемтик.

1965.

ДЕНГИЗ СОКИН ЭДИ...

Денгиз сокин эди. Ухшарди денгиз
Мола босилмаган мовий шудгорга.
Муздек дазмолини аста юргизиб,
Текислаб қўймоқчи бўлди шаббода
Сувнинг титраб турган ажинларини
Ет қўл текканида эти сесканган
Полвоннинг асабий мускулларидай,
Югура бошлади тўлқинлар бирдан.
«Бир оз сабр этсанг-чи, бебош» дегандай,
Шамол, бармоғини илгакдай букиб,
Нуқиди денгизнинг пешонасига.
Тавба, юз минг тавба...

О денгиз, денгиз!..
Кўксидан узилди аччиқ бир садо,
Инграб,
Калла тортиб юборди бехос
Шамолнинг қоқ заҳил қаншарига у.
Ана энди кўринг...

Кўзгинам чиқсин,
Бунча қийналмасдим агар қар бўлсам:

Шамол шарқирайди,
Денгиз вағиллар,
Бир-бирин гижимлар ел билан тўлқин,
Бири кўтарилиб ерга урилса,
Шариллаб йиртилар бирин қўйлаги.
Осмон пасайгандай туюлди менга,
Булутлар югурди тинчроқ жой излаб.
Хилватга қочишди чағалайлар ҳам...

Балиқларнинг ҳоли нима кечдийкин?

1965.

М А Н З А Р А

Учинчи қаватда яшайман.
Елларга очиқдир деразам.
Ўзимга сал четдан қарасам,
Денгизчи сайёҳга ўхшайман.

Ошхонам кун юрар тарафда:
Туришар оқ уйлар керилиб.
Дам-бадам янгиси қурилиб,
Манзара ўзгарар ҳар ҳафта.

Кечаси боқсангиз ловуллар,
Гўёки зиёдан тўқилган.
Ранго-ранг чироғи ёқилган
Кемани эслатар,
Гувуллар.

Тўлқинсиз денгиз йўқ жаҳонда,
Қай кема чайқалмай яшарди!
Қўшнилари рақс тушса башарти,
Рюккамиз жиринглар жавонда...

Унг ёним — бахмалдай бедазор,
Тўлғаниб югурар ариқлар,
Ариққа лаб босар ажриқлар,
Сигирлар ўт чимчир беозор...

Унгим ҳам, сўлим ҳам — бир дунё!
Тенг ичар шудрингни ва нурни.
Ҳаётни нимталаб бўлурми,
Нимталаб бўлурми бугун ё?

Тебраниб, энтикиб бораман,
Тўлқинга пайванддир борлигим.
Гоҳ ишда ёзилар ҳордиғим,
Гоҳида ишламай ҳораман.

Жўн эмас «сайёҳлик» деган сўз.
Толиқиб кетади тўпиқлар
Ва лекин ҳар тонгда уфқлар
Равшанроқ, яқинроқ очар юз.

Кемамиз гуркираб ўтмоқда,
Тўлқиндай тўқнашар фикрлар.
Биргина қора кўз сигирлар
Бепарво ўт чимчир ўтлоқда.

1965.

ҲАЙРАТ

Сиркор миноралар...
Қубба-қалпоқлар...
Улардан йилларнинг ҳиди келади.
Мен қариб кетарман,
Чириб кетарман,
Лекин, бу бинолар навқирон турар.

Шунда ҳам заррача ҳайратланмайман,
Балки, ачинаман.

Ахир уйида
Бир қайнатим чойни аяб дамлаган,
Аммо юрагининг барча чўғини
Шу фишларга берган чайир усталар
Кўзга юмалаган терин артмасдан,
Қўлдаги ганж юқин ювиб ўлтирмай,
Ҳали кўп бинолар қура оларди.

Лекин қуролмади.
Қанча усталар
Гўрга олиб кетди ўз даҳосини,
Еки шаҳаншоҳлар чув тушганида,
Пойдевор ўрнида кўмилди, улар.

Ўзида бўлганда устанинг эрки,
Ўз хазинасига эга бўлса ё,
Тупроқнинг бетини шундай жилвагар,
Устунсиз, тўсинсиз, лекин нурафшон
Сиркор биноларга кўмиб ташларди.
Ҳайратланмасди ҳам ўшанда ҳеч ким.
Хўш, нима бўлибди ҳайратланмаса?

1965.

ТОШ УИНАГАН БОЛА

Тоғлар — ҳўҳў! — мунча баланд-е, баланд.
Тоғлар дарахт бўлса, Сина¹ — бир илдиэ.
Гули қизил барқут чопонли бола
Тош ўйнаб юрипти кўчада ёлғиз.

¹ Сина — Деновдан юқорироқда, Ҳисор тоғлари эстагида жойлашган қишлоқ.

— Мен кўз юмсам,
Кўз юммас қуёш,
Сарғайиб ҳам қолмайди баҳор,
Яшайверар олам мангу ёш,
Лекин,— дейсан,— бир «лекин»и бор:

Энди ҳаёт нелигин билиб,
Ювилганда кўзимдан шира,
Аравамни йўлда қолдириб,
Улиб кетгим келмайди сира...

1965.

СУКУНАТ

Жимгина ўлтиргим келади.
Лекин жим ўлтириш қийиндир.
Гоҳ қўшним жигимга тегаети,
Гоҳ ўғлим: «Ўйнаймиз, кийин» дер.

Тураман. Кўчага юраман.
Кўчалар шарқирар ариқдай.
Ҳаётнинг бағрига кираман
Шоввага отилган балиқдай.

Беш қадам-ўн қадам йўл юрмай,
Дуч келиб қолади ошналар.
Ҳол-аҳвол сўрашга улгурмай,
Одатий баҳсимиз бошланар:

Уттизга етибди ёшимиз,
Мунча тез умрнинг одими?
Бугунги оқарган сочимиз
Бир дилни ёрита олдимиз?

Урмонга бўлсак-да, ишқибоз,
Етдикми дарахтнинг қадрига?
Биз шунча бўяган оқ қоғоз
Арзирми Навоий сатрига?..

Ҳаммамиз севамиз таҳсинни,
Қад букмай яшашни севамиз...
Чаққунча бу сўзлар мағзини,
«Совиб» ҳам қолади пивомиз.

Шиддатли саволлар кучини
Ухшатиш мумкинди қуюнга.
Бир топган калава учини
Йўқотиб қайтаман уйимга.

Йўқотиб эмас. Йўқ. Мутлақо!
Ўтган кун забт этган қалъадан
Ҳаётга мен берган у баҳо
Жўнлигин сал сезиб қоламан.

Хаёлга эргашар минг хаёл,
Уйимни, уйимни тўлдириб.
Танишлар бу онда, эҳтимол,
Дам олар жимгина ўлтириб.

Мен эса, айтмасам кашфимни,
Ёрилиб кетишдан қўрқаман.
Тез илиб оёққа кавшимни,
Қўшнингнинг эшигин қоқаман.

1966.

ЮЛДУЗ УЧДИ

Яйраб ўлтирарди қиз билан йнгит,
Атроф ҳам, улар ҳам жим эди. Бирдан

Қийғоч из қолдириб югурди бир чўғ
Анҳорнинг тубидан сувнинг юзига.

Метеор нелигин билса-да, улар
Совуқ ел теккандай бўлди негадир,
Сўнди сукунатнинг латофати ҳам.

Агар ошиқларга халақит бермоқ
Фаросатсизлик деб ҳисобланмаса,
Шундоқ борардиму, шундай дер эдим:
«Анҳорга тикилманг, боқинг осмонга,

Юлдуз аксигамас, аслига қаранг,
Шунда юлдуз юрагингизни
Ёнига кўтариб олиб кетади.
Таянч истаб,

ростдан учаётгандай,
Ёр қўлин қаттиқроқ қисасиз шунда
Томирлар тепишин яққол ҳис этиб.

Юлдузлардан эса хавотир олманг,
Эллик миллиард юлдуз ёнар осмонда.
Бу — менинг ҳозирча санаб етганим.
Юраклар, орзулар, дардлар ҳаётда
Тўйда ўлтиргандай бўлса бақамти,
Юраклар, орзулар, дардлар ногихон
Тўйдан чиқаётган меҳмонлар каби
Сочилиб кетмаса ҳар ён-ҳар ёнга,
Юлдуз деганингиз авлодингизнинг
Авлодларига ҳам етиб ортади.
Қўрқманг! Ўзингиздан кўпаяверинг.
Мен ҳам хизмат қилай тўйларингизда».

Шундай дегим келди уларга боқиб,
Борайми — бормайми? Ҳеч бўлмаганда,
Бир кулиб олишар «кайфи борми» деб.
1966.

САЙРДАГИ УИЛАР

Ойга аён эди ҳамма дардим,
Ойга жуда-жуда ишонардим.
Тунда унга тикиб кўзларимни,
Ерга атаб қўйган сўзларимни
Гапиришни тинмай машқ қилардим,
Ойга биров боқса, рашк қилардим.
Чунки, бир вақт (гўл эканман паққос)
Ёрни ойга этар эдим таққос;
Мен сўзлаган чоғда у турса жим,
Ҳаё ва ибога йўяр эдим.

Билсам, ойнинг ранги қўнғир экан,
Усмас экан унда ҳатто тикан.
Эшитмас экан у сўзимни ҳам,
Дилимдаги орзу ила алам
Қолар экан ўзим билан бирга
Гўё қулоқдаги жуфт исирға.

Вақт оқади. Битади яралар.
Бугун менга яна ой мўралар.
Мен бораман ариқни ёқалаб,
Оёғимни ўпиб қолар алаф,
Қандайдир гул илашади енгга,
Ялпиз ҳиди эргашади менга.
Ёнар-ўчар йироқда чироқлар:
Балки, сахийлар ва хасисроқлар
Бир-бирини қолдириш-чун доғда
Штепсель устида курашмоқда.
Кўкда эса учиб боради ой,
Текин нурын сочиб боради ой.
Ёнгинамда кучугим югурар,
Уқтин-ўқтин ойга қараб ҳурар.
Оббо, энди қилганимда маза,
Не бўларди сукутни бузмаса!

Кенгликлардан юриб келаман мен,
Кенгликларнинг сирин биламан мен,
Мен биламан қуёшнинг газлигин,
Ойнинг ўзи зиё сочмаслигин.
Сири менга бўлган сари аён,
Чиройлироқ туюлади жаҳон,
Юлғун узра югуради шуъла,
Тўлқин узра югуради шуъла,
Нурни сувдай кечиб бораман мен,
Нурни ёғдай кесиб бораман мен.

Фақат кучук сезмасдан ҳолимни,
Ўқтин-ўқтин бузар хаёлимни.
Мени бир вақт алдагани учун
Ойга қараб ҳурармикин кучук?

1966.

УЧРАШУВ

Автобус келгунча гаплашиб турдик.
Нарх-наво, об-ҳаво бўлди тилларда.
Ҳолбуки, хаёлим кезарди нурдек
У билан ўқиган мовий йилларда.

Чап мийигидаги тилла тишини
Тинмай парпиратиб сўзларкан у ҳам,
Эҳтимолки, менинг — озғин кишининг —
Дўмбоқ ёшлигимни эслади бир дам.

Учувчи бўлгин деб қистарди мени,
Кўшиқларимиз ҳам эди шу ҳақда.
Мен оқ қанотимга қўндириб уни,
Ўйнатиб келишни қилгандим ваъда.

Энди ёшлик ўтди. Кўкка учишга
Бел боғлаб юрипти иккала ўғлим.
Гоҳида кексалик кирса-да, тушга,
Ҳали юрагимда орзулар лим-лим...

Недир айтмоқчидай, бўртиб юзлари,
У менга, сўнг кўкка назар ташлади.
Кейин жилмайди-ю, автобусларнинг
Бетартиблигини койий бошлади.

Мевага киргандир у эккан ниҳол
Ва ёки унвони бўлгандир юксак.
Шу ҳақда сўзларди менга эҳтимол
Бир-икки бекатни пиёда юрсак.

Лекин, тўхтатмадим йўлидан уни,
Эмасман жуда ҳам бетамиз банда,—
Гап сизмайди, ахир,
 биров қизини
Боқчадан олишга шошиб турганда.

1966.

ХОТИРА

Малахов-курганда бир туп бодом бор.
«Урушда соғ қолган ягона дарахт»
Дея кимдир ёзган икки энлик хат
Чайқалар шоҳида мисоли тумор.

Йигирма йил аввал ёзилмиш бу гап,
Шу хат ёзилган йил экилган ниҳол
Бугун бош тебратар юксакда хушҳол,
Отасидан новча ўғилга ўхшаб.

Фахрий қорбўлдай кедрлар кўҳлик,
Сукутни бузмоққа улар уялар.
Фокусчига ўхшаб

акациялар

Соясин силкитиб қилади шўҳлик.

Лекин, ўша тинган суронли даҳшат
Ҳамон қулоғида садо бергандай,
Тупроқдан ҳимоя кутган мергандай,
Бодом бўй чўзишга шошилмас фақат.

1966.

БАЛИҚ ФАЛСАФАСИ

Думингни ликиллатасан,
Олга кетасан.

Думингни ликиллатасан,
Олга кетасан...

1967.

Ф О Л Б И Н

Азиз Абдураззоққа

Мен фолбинман. Ишим кўп оғир.
Ҳар ўткинчи ёғдирар савол.
Не деб савол берса ҳам, охир
Унга ваъда этаман иқбол.

Менинг ваъдам рост бўлур фақат.
Ўткинчига ишончим катта:

Ахир, ўзи қилса ҳаракат,
Топиб олар бахтин албатта.

1967.

КОНЦЕРТДА

Раққоса қизларни севаман бир оз...
Рақс эълон бўлишин яйраб кутаман.
Саҳнада барно қиз айласа парвоз,
Ўлтирган жойимда эриб кетаман.

Кўзим югуради унинг изидан
Чанқоқ юрагимнинг чопари каби.
Барно ҳам,
табассум ўчмай юзидан,
Нигоҳин бир нафас залга тикади.

Излайди...
Эҳтимол изларди мени...
«Мен бу ёқдаман!» деб қичқиргим келар.
Лекин, тек турмоққа қўймайди уни
Бедард гижжакчию чилдирмачилар.

Чарх урар кулгуси аримай бир дам,
Ярқирар тишлари мисоли садаф!
...Эҳтимол у менга боқмагандир ҳам.
...Балки юргандирман ўзимни алдаб.

Агар шундоқ бўлса...
ким тинглар додим?

Борлигим туғёнда.
Борлиқ нуради!..
Лекин эртасига тонгдан оёғим
Яна ўша залга тортиб туради.

1967.

МУЛОҚОТ

Э, дўстим Навоий, бўлма кўп тажанг,
Сал эви билан-да ношукурлик ҳам.
Ахир, пул топсангу, йўл қурай десанг,
Тўсолмас йўлингни биронта одам.
Беш юз аскар тўплаб, бир ёндан ака,
Бир томондан ука бошласа уруш,
— Обруйинг етарли —

Тушсанг ўртага,
Юлдуз кўрмай тўхтар ҳар қандай хуруж.
Сенинг асабингни авайлади фақ,
Олимлар дилинга қўнмасин деб доғ,
Ҳаттоки Ҳусайннинг душманлигидан
Тўрт юз йил кечикиб этишди огоҳ.
Мен эса биламан ҳар душманимни,
Ўзга қитъадаги ғанимимни ҳам.
Рақибим у ёндан тортса шайинни,
Ернинг бу палласин босаман маҳкам.
Сен кўрган у замин кенгайиб кетган,
Ўртасин, чеккасин топмоқ кўн қийин.
Баҳс чоғи «ўртага тушаман» деган
Ўртада қолиб ҳам кетиши мумкин.
Бу зорланиш эмас.
Ҳаёт ўзи шу,
Тотли бўлмас ҳаёт

жўшиб турмаса,

Эски чопонларнинг бир-бир тўзиши
Янги тўн ташвишин қўшиб турмаса.
Мен сенга қойилман. Ишлагансанг хўп.
Бир элга етарли сурган ўйинг ҳам.
Ер тезроқ айланар бугун худди тўп.
Автомат қурол бор, автомат қалам...
Елпиниб ётмаймиз ҳамон салқинда,
Меҳнат-ла нонимиз бўлмоқда ҳалол.
Киевни тиклашиб бўлдиқ яқинда,

Тошкент тикланыпти.
Олдинда — Шимол.
Тенгдошдай гаплаша қолдим шунинг-чун,
Сен ҳам ёшара қол бўлиб сал танти,—
Гўё газал билан бандсану бугун,
Улмас дostonларинг ёзилар энди.
Саллаю соқолинг йўқ, дейлик, бу дам,
Тарихчининг ёриб юракларини.
Бизда «оқсоқол» деб ном олганлар ҳам
Қирдириб юришар някларини.
Бари бир қоласан улканлигингча.
Ахир, ота-онанг жўмард бўлганки,
«Алишер» атабди туғилганингда...
Қўрқса «Шерали» деб атарди балки...
Биздан кўп яхшилик кўрар ҳали Ер
Бошимизда турса бу мовий осмон.
Сенга қийин эди, дўстим Алишер,
Ва лекин менга ҳам тутмагин осон.
Башарти шеърят масалалари
Этаётган бўлса юрагингни ғаш,
Сен-ла мулоқотга ожизман ҳали,
Шоирроқ одамни топиб суҳбатлаш.

1967.

АФРИКА ҲИКОЯТИ

Сардорнинг шуҳрати кетар узоққа,
Куйчиникиг шуҳрати яшар узоқроқ.
Сардор,

беланганда соқоли оққа,
Шуни ўйлаб қолди.
Тишлади бармоқ.
Сўнг, уста топтириб олис бир юртдан,
Ясаттириб келди етти торли соз.

Созга қўл урди-ю...

бўлмади хуррам.

Йўталга ўдшарди соз берган овоз.
Титрарди сайрамай етти кумуш тор,
Гўёки қафасга тушиб қолган қуш,
Кўп хуноб бўларди эҳтимол сардор,
Бошланмаганида ногаҳон уруш.
Заҳарли найзани тақимга босиб,
Етти фарзандини олиб ёнига,
Тилсиз созини ҳам елкага осиб,
Сардор учиб кетди жанг майдонига.
«Қувди-қувди» билан ҳафталар ўтди.
Гоҳ вақти чоғ бўлди.

Гоҳо кўкси доғ:

Биринчи жангдаёқ бош ўгли ўлди,
Унга мозор бўлди заъфарон қумлоқ.
Сел янглиғ оққанда чангалзорда қон,
Иккинчи ўғлидан бўлди у жудо...

Ҳар гал узилганда қалбидан фиғон,
Инграб қайтарарди бир тор акс-садо.
Охири душманлар этилди тор-мор,
Босқинчи изи ҳам ташланди қириб.
Зафар билан қайтди уйига сардор,
Етти ўғлини ҳам ерга топшириб.

«Там-там»ни янгратиб, қучоқ очиб кенг
Пешвоз чиққанида қадрдон эли,
Укпар таққан боши ҳам эди унинг,
Хотинини кўзига боқолмас эди.

Не десни?

Нима ҳам дея оларди?

Найзасин узатди.

Қўлга олди соз.

Қайнаб ич-ичига сиғмаган дарди
Оқди етти тордан сирқираб бехос.

Майли, фожиани хотини билса,
Сардорнинг қўшиғи тўла арз эди.
Бас эди дардига шерик топилса.
Куйчи шухратини ўйламас эди.

1967.

Қ А Й С А Р

Туну кун ишларди камсухан эшак,
Жуда хурсанд эди ундан хўжаси.
Билиб айтар экан донолар бешак:
Иззатга элтаркан меҳнат кўчаси.

Ҳаёт баҳорининг ёмғири тиниб,
Умр йўлларини қоплаганда қор,—
«Эшак юбилейи ўтказилсин» деб
Жондорлар йиғини чиқарди қарор.

Шунда эшак сизди ўзини филдай,
Мазмунга йўғрилди ўтган ҳар они.
Дўстлари совуққа эътибор қилмай,
Безатиб чиқишди дарров ўрмонни.

Тантана бошлади. Ҳайъатда — ҳайҳот!—
Товус ва тулкилар ўлтирар яшнаб.
Эшакнинг ҳамкасби хачир, туя, от
Пойгакка чўкишди чаккани қашлаб.

Барибир тўй — тўй-да! Чехралар гулгун,
Ёқди юлдузларин бош узра осмон.
Эшак ҳаётини мадҳ этмоқ учун
Бўрига сўз берди раисул Арслон.

Бўри ҳам қолишмас экан булбулда,
Сўзга бир. киришса томоғин қириб.

Эшакни баландроқ қўйди дулдулдан
Қўҳна қомуслардан мисол келтириб.

Олқиш-қарсақлардан қўзғолиб шамол,
Минг йиллик эманлар қамишдай титрар.
Эшак қуллуқ қилар илжайиб дарҳол,
Кемириб турса-да ичини итлар.

Ҳамма уй-уйига тарқади кейин,
Катталар ҳам хурсанд, кичиклар ҳам шод.
Эшак ичкаридан қулфлаб уйин,
Шунда ўз раббига айлади фарёд:

«О, ҳазрат Сулаймон, пушти-паноҳим,
Мунча ноодилсан, мунча тошбағир!
Сенинг хизматингни бажардим доим
Бошимни ҳам қилиб, елкамни — яғир.

Охирги, энг ёрқин тўйимга, наҳот,
Ташаккур ўрнига юбординг алам?!
Дўстим танқид қилса тинглаб эдим шод,
Мақтагандан кўра мени кушандам...»

Зарур ишларини тўхтатиб бир он,
Ношукур эшакнинг тинглаб саволин,—
Қариб қуюлмаган ҳазрат Сулаймон
Кулар селкиллаб оппоқ соқолин:

«Тириксан! Кушандаг бағринг доғласа,
Бирор кун бузарсан унинг ҳам тўйин,
Раддия беришинг мумкин хоҳласанг,
Ёки арз қиларсан!.. Улганга қийин..

Қалдирғоч оламдан ўтди тунов кун,
Дафнга йиғилди катта оломон.

Қабр тепасида узудан-узун
Ваъз ўқиди йиғлаб-бурлиб илон.

Уша ваъзни эса унга бурунроқ
Езиб берган эди бешиктебратар.
Тинглар қалдирғочнинг арвоғи бироқ —
Жавоб қайтаролмас,
Учмоқга кетар.

Сен эса тириксан! Шукр қил, шукр,
Нотиққа раҳмат де! Пухта бўл, пухта.

Эшак тинглар, тинглар...
Аммо бу фикр
Унга маъқул бўлмас... Қайсар маҳлуқ-да!

1968.

КУЙЛАБ ЮРАР МУСИЧА

Қаранг, ана, мусича,
Кулранггина мусича!
«Му-ку-ку» деб эрта-кеч
Куйлаб юрар ўзича.

Кўп қуш қишни ўйлайди,
Тумшуқ-ла лой ийлайди.
Мусичам эса менга
«Му-ку-ку» деб куйлайди.

Бойлик йиғиб бешқалар.
Тош устига тош қалар...
«Му-ку-ку», дер мусичам,
«Усма кетар, қош қолар».

Текни ош кута-кута,
Умри ўтмас қайғуда.
Қилмаса-да, у пардоз,
Артистга ўхшар жуда:

Санъатга қўйиб ихлос,
Қўшиқни этар эъзоз.
Баҳам кўрар биз билан
Бўлса иссиғу аёз.

Қамтар тутар ўзини,
Чўқимас дўст кўзини.
Шунинг учун севаман
Унинг «Му-ку-ку»сини.

1969.

Х У М О Р

Кутишдими мени танишлар,
Хоразмга боргим келади.
Хумор этар рақсу хонишлар,
Хоразмга боргим келади.

Бурро бўлар қизларин тили,
Қайноқ бўлар йигитлар феъли,
Қуёш эмган деҳқонлар эли —
Хоразмга боргим келади.

Хоразмлик дўстлар-ла беш йил
Гоҳ чўқишиб, гоҳида аҳил
Бирга-бирга кўргандик таҳсил,
Хоразмга боргим келади.

Тилга кириб рубоб ва қайроқ,
Ҳамон ўша сўнгсиз ва қайноқ,
Баҳсларимиз ёдга тушган чоғ,
Хоразмга боргим келади.

Бўлмас эдик бизлар бастакор,
Бўлар эдик олим, пахтакор,
Шунинг учун такрор ва такрор
Хоразмга боргим келади.

Уйимизни соғиниб қолиб,
Қалб ақлдан келганда ғолиб,
Куй бошлардик қўлга соз олиб:
«Хоразмга боргим келади!»

Мен водийда туғилиб ўсдим,
Ҳаётда йўқ сира кам-кўстим,
Хоразмда эса кўп дўстим,
Хоразмга боргим келади.

Мана, анча айланди олам,
Дўстлар, меҳнат қилдингиз сиз ҳам,
Аввалгидан яшил ва кўркам
Хоразмга боргим келади.

Борсам-кўрсам: ҳамма ёқ янги,
Осмоннинг ҳам симобий ранги!
Чойхонаси бўлмаса ҳамки,
Хоразмга боргим келади.

Мен ҳам охир парвоз этарман,
Йўлга чиқсам, албат етарман...
Балки, шунда қолиб кетарман...
Хоразмга боргим келади.

1969.

КОМПОЗИТОР ЖОРЖ БИЗЕНИНГ ТУШИ

1871 йил, апрель, Везине қишлоғи

Йигирма ёшида, севги ёшида
Гўзал Неаполга бўлганди қўноқ,
Уч ой латофатга тўйганди жуда,
Сева олмаганди шаҳарни бироқ
Бугун у, тақдирнинг шўхлиги билан,
Яна Неаполда очди кўзини.
Кексайиб қолганини сизди у бирдан,
Навқирон шаҳарнинг кўриб юзини.
Энди кўчалар ҳам туюлмас энсиз,
Одамлар ҳам эмас унчалик гирром.
Чайқалиб-чайқалиб чарчаган денгиз.
Шаҳар қўлтиғида оларди ором.
«Майли, бизга тегсин келган ҳар бало,
Бетавиш яшасин, дея, бошқалар»,—
Шаҳарни Бетховен, Микеланжело,
Жоржоне¹, Шекспир, Гёте бошқарар.
Яқин-йироқлардан келган ёш-кекса
Сенат майдонида сайр этар масрур.
Соқолли, соқолсиз юзларга эса,
Ерданми, кўкданми ёгиларди нур.
Тебрана бошлади дарахтлар ногоҳ,
Қуёш шўнғиб кетди осмон дарзига.
Нохуш ҳодисадан этгандай огоҳ,
Майдонга қуюлди оғир марсия.
Ҳеч ким ўлгани йўқ.

Оркестр энди

Миллий гвардия хизматини ўтар,

¹ Жоржоне — 1478-1511 йилларда яшаган улкан италийан рассоми. Тўла номи Жиоржио Барбарелли.

Ана, келәстир —

— Мархуммас!

— Банди,

Гуноҳлари унинг — ўлимдан баттар:

Халқ номин сотган у.

Елғон ёзган у

Пичоқдай санчган у ростгўйга сатрин.

Бир дўстин тагига қуйганди у сув,

Ошириб олмоқ-чуй ўзининг қадрин.

Оркестр келмоқда,

Келмоқда банди

Оркестр олдида,

эгиб бошини,

Энди елкаси ҳам чўкиб қолганди

Кўтаролмагандай лаънат тошини.

Оломон келади халқадай қисиб,

Бош узра бўйрадай тораяр осмон.

Адолат ҳукмининг янграшин сезиб,

Оркестр тин олар,

Жим қолар майдон.

Гарданига олиб раислик юкин,

Мўйсафид Бетховен ростлар аста қад

Ва халққа юзланар:

«Этингиз ҳукм —

Лаънатми,

шафқат?»

— Лаънат!

Лаънат!!

— Лаънат!!!

Тўрт тараф титрар,

Тенг ҳукм чиқарар семизу озғин.

Фақат беҳуқуқлар —

сотқин,

фирибгар,

пасткаш,

мунофиқлар

Очолмас оғзин.

Шамол шапатилар айбдор юзини,

У чиндан ўхшарди энди мурдага.

Литольф¹ дирижёрлик таёқчасини

Бош узра тутганча,

чиқар ўртага.

— Зўр, а? — дейди Бизе.— Нақадар латиф!

— Жуда ҳам зўр экан!— дейди хотини

Унга имо билан аста кўрсатиб

Ҳайъатда ўлтирган буюк Гётени.

Бошланди майдонда охир сазойи,

Булутлар ўрнидан кўчди лашкардай.

Бузилар ҳаттоки денгиз авзойи

Ва Литольф таёғин силкир ханжардай.

Гумбурлар ноғара!..

Туш бўлди чил-чил

Пуфак урилгандай ногаҳон чўққа.

Ҳаёт —

кечагидай:

Адольф Тьернинг

Тўплари Парижни тутарди ўққа,

Парижда —

Монмартр кўчаларида

Коммунарлар қонга беланар эди.

Ҳаттоки Везине гўшаларига

Кириб келар ўша ёнғинлар дуди.

Отасин боғида лол турар Бизе,

Билмас:

қачон бўлгай эл шоду юрт тинч?

Замон оқиб борар,

ва лекин, изи

Унинг нигоҳига бермасди тутқич.

¹ Анри — Шарль Литольф — 1818-1891 йилларда яшаган композитор ва дирижёр. Париж коммунаси ташкил қилган музикага онд тадбирларда актив иштирок этган киши. Кўпгина революцион қўшиқларининг муаллифи.

У билмас:

Замоялар ўйнаб басма-бас.

Владимирларнинг даврони келар.

Биргина Монмартр ишчиси эмас.

Жаҳон ишчилари елкадош бўлар.

Ушанда —

Гитлерми ё фон Тадденми —

Адольф аталганлар кирса хуружга,

Тиклаб ололмагай қайта қаддини

Дуч келиб

метиндай тугилган муштга.

Бастакор турарди бугун паришон

Ҳаёт ва хаёлот тўқнашган ерда:

«Тушдан,

оз бўлса-да,

ором олди жон,—

Ўйлар у:— Не бошлаб келаркин эрта?»

1969.

ЖИМ! ИЛЬИЧ ИШЛАЯПТИ...

Шошқалоқ одамни синов чоғида

Гангитиб ташласа замона запти,

Дейман

елкасидан босиб оҳиста:

— Жим! Ильич ишляпти...

Бекорчи суроннинг ҳожати йўқ ҳеч,

Шамол ин қурмасин фикрда, ҳисда.

Бир оз ишлаб олсин бугун ҳам Ильич,

Ахир, Ильич ишлар юрагимизда.

Иллаб чеккан бўлсам лойиҳа узра

Қум аро қисилган воҳа гамини,

Демакки, Ильич ҳам ўйлашган бирга

Туташтирмоқ учун Обь ва Амун.
Сен, дўстим, Тошкентни тикламоқ учун
Саратон тобида лой қорганинга,
Ильич ҳам, аямай вақти ва кучин,
Бирга гишт теришган туриб ёнингда.

Бўлмагай Ильичнинг бир нафас тинчи
Терим пайтида ҳам,
Жанг пайтида ҳам:
...Қуршовда қолганди ўн икки жангчи,
Ёв қисиб келарди қадам-бақадам.
Нон ва сув тугади,
Тугади ўрмон
Олдинда —

яланғоч тоғ силсиласи.

Сўқмоқда — ўқ мезбон
Ширин эди жон.
Бир эди ҳаёт ва ўлим зинаси.
Қадам қўймоқ учун қила олмай ҳад,
Эслаб ўз қадрдон дала ва қирин,
Турар чаккасига оқ қўнган солдат
Ва ишққа тўймаган ўн бир ўспирин.
Сукунат... Сукунат...

Жаҳонни гўё

Музлатиб қўйганди ойнинг зиёси.
Чорлар йигитларни олис бир дунё —
Гул, қўшиқ дунёси, севги дунёси.
Орқада, қоп-қора ўрмонда эса
Итлар акиллашар, бойўғли инграр.
Автоматин тутиб мисоли ҳасса,
Солдат имо қилар:

«Энди, боринглар!»

Сиз — ёшсиз!

Сиз — ёшлар қолсангиз омон,
Халқимнинг умри ҳам бўлар узунроқ...»
Ўрмон этагида қолди отахон,

Қучоғига олди йигитларни тоғ.
Вақт оқар жимгина,
Оқар худди сув;
Кейин бидирлади автомат пастда.
Кейин граната гумбурлади-ю,
Яна жимлик чўкди борлиққа аста.
Шу холос...
Тун — оппоқ,
Сўқмоқ эса тинч.
Аmmo шoшмас эди йигитлар энди.
Уйчан туришарди,—
Гўёки Ильич
Уларнинг қалбига кўчиб ўтганди.

Одатда тарихнинг янги варағи
Очилар инқилоб гурроси билан.
Бу тинч кунларимиз бўлмиш фараҳли
«Аврора» тўпларин нидоси билан.
Аmmo ёлғон бўлмас сўзимиз сира
«Ҳаёт чайқаларкан мисоли элак,
Подшо саройини титратган «Ура»
Шушенск сукутидан туғилган» десак.
Е эсланг олис юрт — Поронинони;
Болалар чуғурлар тўпланиб четда.
«Жаноб профессор бугун ҳам мени
Уйнатиб келалла велосипедда!»
«Сенимас!»
«Навбатим келди-да, яна!»
«Мени севадилар, билиб қўй, билиб...»
На чора! Надежда Константиновна
Улар ҳузурига чиқади кулиб:
— Ильич ишлаяпти,— дейди беозор,—
Узимиз ўйнаймиз далада бугун!..
Гўдак ҳам тушунар —
сукунат даркор
Ильич ўйларининг парвози учун.

Утлоққа учишар қушдай тизилиб.
Уэларин шоҳ сезиб ёруғ оламда.
Аммо юраклари қолар узилиб
Ҳар кун ишлайдиган олим одамда.

Ильич меҳнат қилар,
Қитирлар қалам,
Фикрнинг изидан ҳансираб-елиб.
Халқ дилда сақлаган орзу ва алам
Булоқдай кўз очар шу ерга келиб.
Бу меҳнат сўнгсиздир.
Ҳув кекса жангчи
Ев йўлин тўғондай тўсгунича ҳам,
Мени асрайман деб ҳамюртим Тўйчи
Кўксин пулемётга босгунича ҳам
Ильич ишлаганди билмасдан ором
Сайрда, давраларда, уйда ва йўлда.
Бугун ҳам меҳнати этади давом
Конларнинг қаърида, фазо ва чўлда.
Мўътадил бўлгунча ҳаёт ва жаҳон,
Қанча синовлардан ўтамиз ҳали.
Бугун Ильич этар мени имтиҳон,
Келар тез орада ўғлимнинг гали.
Бекорчи суроннинг ҳожати йўқ ҳеч
Замон замин каби чарх урган маҳал.
Бир оз ишлаб олсин бугун ҳам Ильич...
Ильич ишляпти...
Бермангиз ҳалал!

1969.

КОРЕИЗДА ЛЕНИН ҲАЯҚАЛИ

Тоғлар ҳам, боғлар ҳам шу ерда тугар.
Етар Қора денгиз пастда чайқалиб.
Денгиз уфқидан ҳам кўрниб турар.

Соҳилда юксалган Ленин ҳайкали.
У сергак тўлқинлар жимирашини
Томоша қилиш-ла банд эмас бу он,—
Фикр ипдай чулғаб,
Судрарди уни
Денгиз ортидаги ўлкалар томон.
Унинг нигоҳидан

уйғонар тарих,
Сувнинг сийнасида уйғонар излар
Ва намоён бўлар
Апельсин янглиф
Кемага ортилган заъфарон қизлар.
Қора тун бағрида қора кемада
Элтар ёт соҳилга тақдир кўчаси,
Бирин уйи қолган Украинада,
Белоруссияда бирин гўшаси.
Замона

инсонни ўйнаб худди хас,
«Нон» десанг
қўлингга тош тутарди тоғ.
«Қиз ўғриси» бўлмоқ тавқи-лаънатмас,
Не-не эркакларга касб эди у чоғ.
Тўсолмас уларнинг йўли дарёлар,
Ботиб ҳам ўлмасди ўғрилар қумда.
Юрагин ҳовучлар эди барнолар
От дупур-дупурин эшитса тунда.
Шўрлик гўзалларни эгарга босиб,
Юртига қайтади ўғрилар мамнун.
Кореизда¹ эса,

қирғоқда пусиб,
Кемалар кутади уларни ҳар кун.
Кейин қиз ўғриси қўлига ўтар
Кемачи келтирган вазмин ҳамёнлар.

¹ К о р е и з — Қримда, Қора денгиз соҳилидаги қишлоқ.

Ердан оёқ узиб,
қулликка кетар
Ҳознинг тўш паридай нафис жононлар.
У ёғи —
тўлқинда кеманинг изни,
Чайқалиб,
лангар ҳам,
бел ҳам
майишар...

Илмли кишилар
Қора денгизни
Энг шўр ва хатарли уммон дейишар.
Чак-чак томар экан мовий наҳрга
Рус, татар, белорус барнолар ёши,
Денгиз айланмайди ахир атирга,
Намакоб бўлмасдан борми иложи!
Бу ерга кўп келар сайёҳлар ҳозир,
Ошиқ-маъшуқалар сайр этар хурсанд.
Еллар бахш этади жонингга ҳузур,
Офтоб нақш битади денгизга нурдан.

Ленин ҳам уфқдан кўз узмас бир дам;
Лекин маҳлиёмас оқ булутларга,—
Боқар,
тепасига ой қўниб турган,
Қуёши чиқмаган йироқ юртларга.
Билар,
у чўрилар оламдан ўтган,
Ўғри ҳам
қуриган эвалак каби;

Аммо, тирик ҳамон
Уша қон ютган
Бахтсиз барноларнинг эваралари.
Уртада уммону дунё тўлғонур,
Улар эзгу юртга қайтиб келолмас.
Бизнинг қуёшимиз сочиб турган нур

Улар гўшасига этиб борса бас,
Ҳали қанча одам зяёга ташна,—
Доҳий шуни ўйлар чимирганча қош.
Қора денгиз эса қилар карашма
Лениннинг пойига уриб бош.

1969.

ЛЕНИН ГОРКАСИДА САЙР ЭТАР БИР ЧОЛ...

Тўғри, сайр этаман бу ерда ҳар кун,
Бу қайин, қарағай — қадрдон менга.
Яхши ўтган умрим топмоқда якун,
Шунинг-чун қимматдир ҳар бир он менга.
Бу яшил майсалар бемор Ильичга
Ғубордан тозалаб берган ҳавони.
Бу йўлка — бир боқсанг туюлар қисқа,
Бир боқсанг — уфққа етар давоми.
Ильич шу йўлкадан чиқмаса ҳамки,
Ўйлари юрарди жаҳонни кезиб.
Қаерда бошланар адолат жанги, —
Қалби сейсмографдай турарди сезиб,
Йўқ, йўқ, мен доҳийлик қилмайман даъво
Табаррук йўлкада сайр этган маҳал.
Тўғри, хабардорман оламдан. Аммо,
Қилолмас огоҳлик муаммони ҳал.
Бунинг-чун жаҳонни бошлаб кенг йўлга,
Олиб ўтмоқ керак довонма-довон,
Ильич йўриқларин жо этиб дилга,
Қурашда ёнади ишчилар ҳамон.
Оҳиста одимлаб сокин йўлкада,
Оғир бўлса ҳамки ўзининг дарди,
У тўқай қоплаган иссиқ ўлкада
Безгакни қуритиш йўлин ўйларди.
Мундоқ юриб борган...

Кейин дам олган

Бу скамейкада

мундоғ ўлтириб...

Иўқ, йўқ!

Ленин чиқмас мендақа чолдан,

Бунга хаёлга ҳам бўлмас келтириб.

Буюк бир артист бор,—

Кўргансиз сиз ҳам,

Кинода ўйнаган Ленин ролини,—

Мабодо кўчада дуч келиб қолсам,

Упиб олгим келар унинг қўлини.

Унга ҳамкасблари тан берган миңг бор,

Унинг санъатига лол қолган башар;

Ҳаттоки ўшандай устоз санъаткор

Қалбида бир олам армон-ла яшар:

«Ильич инсоялигини уч-тўрт қирраси

Очмоққа санъатим ожиз экан» деб.

Иўқ, менга қараманг бунчалар ҳазин,

«Не қилиб юрибсан йўқса!» дегандек.

Истеъдод эгаси эмасман, тўғри,

Эмасман арбоб ҳам, мутафаккир ҳам.

Аmmo милтиларкан умримнинг чўғи,

Қачонки сайр этиб шу боққа кирсам,

Шу текис йўлкада ташласам одим,—

Қундузми, оқшомми,

Баҳорми, қишми,—

Майда-чуйдалардан пок бўлар ёдим:

Ильични ўйлайман...

Фақат Ильични!

Ильични ўйласам,

Умрдан мамнун

Кўнглим кўтарилиб кетар юксакка.

Тўғри, сайр этаман бу боғда ҳар кун

Гоҳо кўплар билан, гоҳида якка...

1969.

ҲИСОР ҲИКОЯТИ

«Озодлик келганмиш биз ёқларга ҳам,
Уни Ленин ўзи олиб келганмиш!»
Биров хушxabарни тинглади хуррам,
Биров дардин ютди гижирлатиб тиш.
Кўр бўлай дегандик ёруғ кун кўрмай,
Билсак ёмон бўлмас озодлик тотин,
Қозонга мой тўлар,

косамизга — май,

Пешонага битса — олармиз хотин.

Ҳозирча...

Отжаллоб Ваққоснинг ўғли
Бир маҳал урганди мени овлоқда;
Қисқа бўлгани-чун қашшоқнинг қўли,
Жавоб қайтаролмай,

қолгандим доғда.

Озод бўлган эса кишандан қўлим,
Кўнгил ҳам бўшасин, ушалсин армон,—
Адир этагида тўсдиму йўлин,
Қилдим бойваччанинг оғиз-бурнин қон.
Чўчинқираб юрдим шундан сўнг бир оз,
Лекин бекор экан ҳайиқишларим,
Дуч келиб қолганда,

илжайди Ваққос:

«Ҳа, кучга тўлибсан... Яша, жигарим!»
Яшаймиз!

Озодмиз!!

Қўлимиз баланд!
Ярашар каттароқ ташласак одим!!
Фирқа ўртоқларнинг рухсати билан
Бойдан бир таюб ер ажратиб олдим.
Ўз еринг яхши-да!
Енбошлаб ётсанг,
Гўё сингиб кетар тупроққа, дардинг.

Қовундан ширинроқ туюлар тотсанг,
Узинг ўз ерингдан узган кўк бодринг.
Ленинни олқайман ҳар бир қадамда,
Енимга йўлатмай ҳасрат-нолишни.
Мажлис-пажлисларда гапирмасам-да,
Дўндириб ташлайман қарсак чалишни.
Қорни катталарнинг пати юлиниб,
Йўқсул тўйган сайин

яйрарди таним

Охири

уйимга келди ялиниб

Отжаллоб Ваққосбой —

синфий душманим.

Бозор-ўчарига ёрдам бермасам
Ҳоли вой бўлишин айтди мўлтираб.
«Попугинг пасайиб қопти, муттаҳам»,
Деб хаёл сурардим белга қўл тираб.
Ҳа, энди сўравер сўйлоқ тишингни,
«Экин»ни текин» деб қутурган банда,—
Меҳнаткаш боқмаса оч қолишингни
Узинг ҳам охири тушунибсан-да!
Майли, ёрдам берай тушунган бўлсанг,
Унсур бўлсанг ҳамки —

қўшнимсан, қўшним...

Уфқнинг юзига югурганда ранг,
Икки аравага икки от қўшдим.
Омад тилаб қолди дарвозада бой,
Икки ўгли кетди мен билан бирга.
Чорбоғлар тугади,
Ортда қолди сой.
Мана, чиқиб бордик аста адирга.
«Ҳой, ухлаб қолдингми, отингни қича!»
Хув ўша муштхўрим бўлади тажанг.
Дейман: «Эртага-ку бозор, бойвачча,
Қадамни биз билан тенг қўйиб яшанг!
«Бугунга кўчирган, эшитмадингми,

Бозорни севимли ҳукуматимиз...»
У ҳолда қичайман, майли, отингни,
Бўлгай бир кун у ҳам бизнинг отимиз.

Йўл сокин.

Жимирлар ложувард осмон.
Адирда лолалар қилади ишва.
Қорин ғулдирайди сўрагандай нон.
Мана, етиб келдик уч айрилишга.
Тўғрига ҳайдайман.
«Уннга юр, ўннга...»
Уннга? Босмачилар нингами? Йўқ!
Бирдан бойваччалар ёпишди менга
Хириллаб: «Ерга бос! Қиндигинга суқ!»
Танимини тупроққа белашди итлар,
Сўнг судраб кетишди мени жар томон.
Қайрағоч шохлари тепамда титрар,
Бўғзимда жон титрар, бўйнимда — арқон.
Сўкаман... Ўзимни сўкаман аммо,
Ожиз бузоқдан ҳам гўллим учув.
Умид қилибман-а,

кенг бўлса дунё,

Лочинга айланиб қолар деб қузғун!
Майли...
Айб ўзимда...
Ос энди тезроқ!
Қарс этди...
Шоҳ эмас,

милтиқ эди бу.

Бойваччанинг бири тишлади тупроқ,
Иккинчиси қочди
Бошланди «қув-қув!»..
Аскарлар! Қизиллар!
Тўплари ҳам бор...
Чопиб келишарди тепа ортидан...
Чарм чопон кийган, кўк кўзли сардор

Енимга келди-ю,

тушди отидан

Илжаяр эди у, нимадир дерди,

Тилмоч маъносини берарди айтиб:

— Булар босмачими? Боплаймиз энди.

Ерингни ҳайдайвер уйингга қайтиб...

Демак,

Макон қилиб шунча кун жарни,

Улар кутган экан омад қушини.

Аравага босиб бойваччаларни,

Унгга —

тоққа юрди Ленин қушини.

Ленин? Ҳа, у ўзи, ана! Кетяпти...

Барваста... Эҳ гўллик қилибман яна,

Елкамда турганда оловдай кафти,

Ташаккур айтишни унутибман-а.

Қанот боғлаб қайтдим қишлоққа илдам,

Бошим омон қолди,—

юрак яйра, тош! —

Ҳа, янги ҳаётни қурмоқ учун ҳам,

Дуппи киймоққа ҳам керак бўлар бош!

Яхшики ўшанда бахт кулиб боқиб,

Омон қолган экан оёғим, қўлим,—

Бой «қулоқ» бўлганда супрасин қоқиб,

Тўғрилаб ҳам қўйдим Сибирга йўлини.

Охири ушалди кўзим армони,

Ленинни,

ҳа, унинг суратин кўрдим,—

Қадди ихчамгина,

Кийими одми,

Ҳайрат қучоғида термулиб турдим.

Билсам,

ҳеч тақмаган экан у қилич,

Савлат ҳам тўкмаган экан у отда,

— Халққа тинчлик керак!— дер экан Ильич,

— Ер керак! — дер экан аниқ ва содда.
Унинг сўзин тутиб байроқдай баланд,
Қаддини кўтарар экан ёш-қари.
Ленин битта экан,
Қўшини беҳад,
Узим ҳам эканман Ленин аскари.

1969.

МУСТАҲЗОД УСЛУБИДА

Институтдош ўрмончи дўстим Нўғмонжон
Яҳёевага

Баъзан менга ўртоқларим айлайди писанда
меҳмонлари бўлсам:
«Сухбатларимиз жонингга хўп теккан экан-да,
эй, шоири-аъзам,

Бизлар ҳам азиз юртда бекор юрганнимиз йўқ,
қўлларда — жароҳат,
Кулгунча бу гулгунча, ётиб тош ва тиканда —
олганмиз ахир «дам».

Боғларга кирар боларилар энди саҳарлаб
рухсат сўрамасдан,
Илҳом қуши сайрайди тинимсиз бу чаманда,
бир тингла ўзинг ҳам!»

Эҳ, какра ҳаво май каби кайф бердими бирдан,
чатнайди димоғим,
Барглар оралаб аста қуёш айлади ханда,
мен маст каби кулсам.

Уз бағрига тортар мени тобора дарахтзор
гўёки сеҳргар,

Кўнглим узилиб қолди чинор, тол ва эманда,
не чора? Бу ҳам кам!

Таъзим қиламан сизга, ниҳолларга! Ва лекин
мен қайга урай бош,—

Икки кема ёлин тутайин энди, деганда,
ғарқ бўлгуси одам.

Богларда — ҳаёт! Асли ҳаёт қони қўшиқдир,
ўйланг буни, дўстлар.

Келгайми, ахир, қон гупуриб турмаса танда
қиш ўрнига кўклам?

Занжир тугилар қофиялар ҳалқасидан тез,
занжир бу кишандир,

«Кўрдик,— десалар,— Ҳусни деган зотни кишанда»,
бўлманг сира мулзам.

Халқнинг азамат ўнг қўли — сиз, мен эса — чап қўл,
«кўнгилга яқинроқ?...»

Япроқ ва қалам куйлари ҳеч бўлмаса қанда,
сўлмайдди бу олам.

1970.

СҮНМА, ГУЛХАН!

Олис жанг шарпасин тинглаб очар кўз ~~кенг~~ жаҳон ҳар
кун,
Ҳаёт — бир шода кун дерлар, туганмас имтиҳон — ҳар
кун.

Уруғ сепмоққа кўклам бор, ўроқ солмоққа, ёз бордир,
Муҳаббатдай зарур аммо ширин, покиза нон ҳар кун.

Менинг ноим ушалсин аввало эл ёзса дастурхон,
Ташаккур айтмасинлар илжайиб сўнг мен томон ҳар
кун.

Одамзод умри гулхандек ловуллаб неча юз йиллар,
Пўлатдек тобланар шундан буён бизнинг имон ҳар кун.

Бу гулхан сўнмасин асло, ҳамон қўрхонабоп иш кўп,
Биров шер бўлса жанг чоғи, биров бўлгай қуён ҳар кун.

Нечундир кундалик минг-минг қувонч дарров унут
бўлгай,
Фақат бир марта ногоҳ қийналиб қолганда жон ҳар
кун.

Кўнгил — кўксимда офтобдир, йироқдир кўкдаги
офтоб
Шунинг-чун айтдим ўз қалбимга: «Ҳеч кул босма, ён
ҳар кун!»

Дилим ўз ихтиёримда, савол у ялвиллаб:
— Нетай сўнг? «Бошла тинчлик гўшасига!»— Хўп,
қачон? «Ҳар кун...»

1970.

БЕҒУБОР НИГОҲ

Хаёл нечун паришон,
Жон нега беқарор?
Чамамда, янги меҳмон —
Баҳор келар, баҳор.

Сал ўзгариб қолбди,
Анҳорнинг жилваси,

Сал жонланиб қолибди
Бир пасда майсазор.

Осмонга қўнган губор
Ҳарирдай туюлиб,
Эриб кетар кўзимни
Ошён этган губор.

Ниманидир шунча кун
Қўмсар эди юрак,
Демак, кўнгил баҳорга
Хумор экан, хумор.

Тўнни ечинг, болалар,
Пойга қиламизми,
Футбол ўйнаймизми ё,
Сизларда ихтиёр.

Наздимда, Ромеодек
Яшариб кетдимов,
Жульетта деб ўйлабман
Балкўнга чиқса ёр!

Фарзандлар қатор-қатор
бўлса нима бўпти,
Инсон кўрки ишқ эрур,
Ишқ эса барқарор.

Нур шимирмоқ осон гап,
«Нур таратай, дейман,
Умрим оқшомини ҳам
Наҳор атаб, наҳор».

Бахтни кўз-кўз қилнимас,
Шунинг учун балки,

«Хусни» аташган мени,
Атамай «Бахтиёр».

1970.

КҰНГИЛДАН СУВ ИЧАР КҰНГИЛ

*Улуғ Ватан уруши йилларида ўтган
болалигим хотираларидан*

Бир майиз топса дўст,
дўсти билан кўрар баҳам,
Тенг тутар шарбатин тупроқ
илдизга, баргга ҳам.

Баҳорда бағри доғ бўлиб
қалампир чайнаган
Пишиқчиликка ҳам етар,
етар шакарга ҳам.

Кўнгилдан сув ичар кўнгил,
жаҳон саҳро эмас,
Мумкиндир гап тушунтирмоқ
ҳаттоки карга ҳам.

Ҳаётни ширин дейдилар,
ширинлиги аниқ,
Ширинлик кўп бўлса,
кирмай қолар назарга ҳам.

Гўзаллик деганда
фақат оқ юзни ўйламанг,
Ярашар оқ қиш кўксига
қоп-қора қарға ҳам.

Едимда: бир пайт
 гўзаллик бозорга солиниб,
Бир кафт дон олиб бўлмаган
 бир халта зарга ҳам.

Айб зарда ҳам,
 инсонда ҳам эмас эди у чоғ,
Шунинг-чун раҳмим келади
 гоҳида фарга ҳам.

Дор узра юролмас экан
 юки енгил киши,
Юксакда юк деб қарамас
 киши лангарга ҳам.

Афсуски, бир тош қуласа,
 мингтаси эргашар,
Йиқилмас биргина
 бахтсизлар ўзи жарга ҳам.

Емонлар яхши ҳам бўлур
 жон фойдага қолса,
Фойдани кўзлаган одам
 чидар зарарга ҳам.

Сифатни унутманг аммо
 сон ортидан қувиб,
Ҳусни деб имзо чекилмас
 ёмон асарга ҳам.

1970.

ШУКРОНА

Гоҳ дуторим нола-афгон этса ҳамки зор-зор,
Асли хушчақчақ одамман, менга маъқул «ёр-ёр».

Кўнгли кенг одам учун парвозда олам кенг эрур,
Айласам парвоз, туюлмас «чархи кажрафтор» тор.

Қор кетар, офтоб кудар, гул юз очар етганда пайт,
Қумридан қолгай ширин куй, қарғалардан «қор-қор».

Кўзларим уммонига урсин ўзин чорлоқ мисол
Завққа ғарқ бўлмоқни ният айлаган ҳушёр ёр.

Тўғри, аввал «бор-бор-ей» деб бошни оғритгай бироз,
«Борми қалбинг?» деб савол этсанг, дегай сўнг: «Бор,
бор».

Майли ёрим ўзгалардан сал гўзалроқ бўлса ҳам,
Негаки, кўп ваҳма солмай жон олур гулдор дор.

Бизни жуфт лочин десинлар, эр-аёлин номи бир,
Бошимиз осмонда турсин, бўлса ҳам рўзгор ғор.

Чин муҳаббатдан бўлур бунёд ширин фарзанд ва шеър,
Дардда қолмас қўшни биздан, қилмагай ашъор ор.

Минг шукрларким, турибмиз биз жаҳоннинг кафтида,
Биз осмон бўлсак, муҳаббат бўлмагай зинҳор хор.

1970.

ЯУЛ БОШИДА

Ажабдурким, бу дунё ишлари гоҳо қизиқ бўлгай:
Сўлим боғларда дил ёзмай, севар кенг чўлни бўзтўрғай.

Балиқлар беором уммонга ошиқ бўпти нечундир,
Денгиздан сув ичиб кўрдим, татир сув менга сал шўрдай.

Яшил шаҳримни севдим мен... Кетар бўлсам олисроқ гоҳ,
Кўнгил дер: «Айла фармон, дўстларинг топмоқ учун
йўртай!»

Кўнгилнинг кўчасига юрмаган ким бор бу оламда,
Кўнгил қон бўлса ҳижрондан, менинг рангим бўлар
бўрдай.

Очиқдир дўстга дарвозам, очиқдир менга дўст қалби,
Чўкарман тиз қадрдонлар аро пойгакка ҳам тўрдай.

Тагин шаҳримдаги ҳар кўча кенгликлар томон бошлар,
Чиқарман йўлга ҳеч қўрқмай. Недан қўрқай? Нечун
қўрқай?

Олис йўл олдидан, дўстлар, қилайлик бир паловхўрлик,
Олов ёқ, ошна! Аччиқ деб пиёзин, майли, мен тўғрай...

1970.

ОШ УСТИДА

Ҳазил

Кечкурун чойхонага кирган эдим ичмоққа чой,
Шодланиб кетдим шу дам бошимга қўнгандек ҳумой.

Ўнта ошнам ўнта юлдуздек чарақлаб ўлтирар,
Бир лаган қирмиз палов марказда яшнар худди ой.

Ул томон ўтдим — йўталдим, бу томон ўтдим, ва лек
На биров бошин кўтарди, на биров кўрсатди жой.

Ҳамма ошпаз санъатин мақтар ва мақтар бир-бирин:
«Ғарчча мой-ку! Ғарчча мой, денг? Ғарчча мой, ҳа!
Ғарчча мой!...»

Мен томон келмоқда эрди пилдираб чойхоначи,
Йўлда кимдир чойни ҳам «шилт» илди-кетди! Вой-вой...

Тўғри қилгандир улар суҳбатини бузмай, эҳтимол,
Катта дарёларга ҳамсуҳбат бўлолмас жажжи сой.

Мен яшин урган дарахтман: на яшил шох-шабба бор,
На назокат, на ҳарорат, на итоат, на чирой...

Ош тугаб, филт-филт ютилгач силқиган мой чой билан,
Битта ошнам менга боқди:— Сал яқин келсанг-чи, ҳой!

Артди бармоғин газетга. Шу газета шу саҳар
Шеърларимни босганин у билмагандир, ҳойнаҳой.

Ошналар сакраб турар ўз ўрнидан қучмоқ учун,
Баъзилар ўпмоқни ўйлар кўрмагандек олти ой.

Бир оғайним қўл қўяр елкамга, сўнг дер лаб ялаб:
— Во ажаб, севмас экан-ку, қайнанангиз, Хуснивой!

Сўнгра, тўрдан жой бериб, соғлиқ тилашгач дўстларим,
Таънаю табрик эшитдим бўлса ҳамки пойма-пой:

— Не учун мен шундаман деб қўймадингиз, жон ука,
Бизни хурсанд айлайин деб сизни еткизган худой...

Бошқа ошхўр эл эшитгундай шивирлар қўшнига:
— Кекса бедовларни балки ахта деб ўйлар бу той?!

Панд-насиҳат бўлди кўп! Ҳар сўзни чақсақ ақчага,
Бўлмас эрди, эҳтимол, дунёда мендан катта бой.

Индамай турдим ўридан, барибир гап ноўрин,
Очдан ўлган яхшироқ ош важдан бўлгунча «лой».

1970.

МУДДАО

Боқиб борлиқда рақс этган жилога,
Ишим тушмас ҳадеб дарду жафога.

Қуёш кайфиятин ҳам бузмадим ҳеч
Сабоҳ чоғида дард айтиб сабога.

Ҳавони дардларим дуд мисли бузмас,
Табассум бирла етгум муддаога.

Қўшиқ куйлаб яшаш-чун чайла маъқул,
Қўшиқ тўғон бўлур келган балога,

Нечун эҳром? Улим бергайми лаззат
Кўмишган чоғда чирмаб мўмиёга?

Биров биздан кулиб, биз ҳам — бировдан,
Борурмиз ибтидодан интиҳога.

Фикрдан бош ёнар, яъни тирикман,
Бўлур восил тириклар кайф-сафога.

Бўлур пайванд менинг айтган сўзим ҳам
Бугун олам таратган ҳар садога.

Эмасдир Ҳусни бад сўзларга интиқ,
Сўрар: «Арзирмикин умрим дуога?»

1970.

ҲАЁТ ИШҚИ

Эҳ ҳаёт, лоф урма: «Вазмин деб, алам-кулфатларим»,
Кулфатинг бир хас эрур соғ бўлса ёр-улфатларим.

Хас эмас, зўр тоғни ҳам елкамда тутгайман азот,
Сўнмагай ёзимда ҳам кўкламдаги шиддатларим.

Умримизнинг ярми хуш ўтди чароғон даврада,
Учмагай асло чироқ бўлганда хуш суҳбат ярим.

Офтоб даргоҳига албатта етгайман омон,
Офтобнинг шуъласида куйса ҳамки патларим.

Дўстларим бошин баланд кўрмоқ учун елкам тутай,
Пастда, ўз бошимда қолсин оқ сочим, иллатларим.

Икки қиз ҳам икки ўғлим менга тўрт иқлим эрур,
Бўлмагай ортиқ улардан барча мол-давлатларим.

Истироҳат чоғи ширин куй талаб айлар кўнгил,
Майли, меҳнат чоғи кор келгай менинг «ғат-ғат»ларим.

Ростки, Хусни ҳуснихатдан гоҳи олган паст баҳо,
Бўлмасин бадхат бу ишқ изҳор этган хатларим.

1970.

ШЕЪР БУ...

Ёнар ҳатто салқинда
Рустамжоннинг бошлари!
Яъни, Рустам яқинда
Шеърлар ёза бошлади.

Кўчада чанг шопирмай,
Ўғлим шеър ёзса шодман.
Ёзганни шоирдай
Уқиб берар у ёддан:

«Хунарманд ва билимдон
Бўлмоқ менинг мақсадим,
Узим пластилиндан
Жажжи одам ясадим.

Мени бирорта ўртоқ
Қилолмайди масхара,—
Қўғирчоғим юзи оқ,
Қоши эса қоп-қора.

Қўллари узун-узун,
Тугмадай қулоғи бор.
Мени севгани учун
Кўзлари ҳам беғубор.

Чиройли бўлмоқ кам-да,
Номусли бўлсин, дердим.
Унга ўз машинамда
Иштон ҳам тикиб бердим...»

Тинглаб дейман: «Шеър яхши,
Аmmo, бир ўйлаб қара,
Уғлим, ижодкор киши
Елгон ёзмайди сира.

Хўп, ишлаб ўтган кунни,
Одам ясаганинг рост.
Машинанг йўқлигини
Унутибсан-ку, бир оз»...

Рустам полвон қув жуда,
Дарров жавоб беради:
— Мақоламас бу, ада,
Шеърда бўлаверади!..

1970.

ПАРИ БИЛГАННИ ҚАРИ БИЛМАС

Билиб айтган-да, Фурқат домламиз мундоқ деган бўлса:
«Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса...»

Чаманзор тўрт тараф, биз кексалар аммо киролмасмиз,
Қочардим чўл-биёбонларга бир учқур саман бўлса.

Саман силкиб юрар сал, белгинамдан айрилиб қолмай,
Дуо айлаб кетардим янги чиққан «Волга»дан бўлса.

Ахир, айтинг-чи, чоллар қайга қўнгай, қайда дам олгай,
Бў чексиз боғ аро бир парча бўш жой қолмаган бўлса?

Йигит-қизлар бўлиб жуфт-жуфт ўриндиқларни банд
Этмиш,
Ярашмас, бош суқиб суҳбатга, чол одам тикан бўлса.

Йигит-қизлар шивирлар, ё шивирлар аста мажнунтол,
Аниқлашдан одам қўрқар экан бир панд еган бўлса.

Ширин сўз, ҳоказоларга ахир уй яхшироқмасми,
Десангиз, «беодоб» ҳақ гап, наҳотки беватан бўлса?

Оёғимдан кўчиб оғриқ, қисирлай кетди бошим ҳам,
Узиб ўқ, қўрқитардим беиболарни, наган бўлса.

Кўрарман йил ўтиб ҳолингни, эй қиз! Рақсга тушгайсан
Бу ёнингда Ҳусан йиғлаб, у ёнингда Ҳасан бўлса!..

Хаёлдан ўтказиб шу гапни, қайтар уйга шўрлик чол,
Гижиғлолмас экан ҳеч кимса олтмиш ёш юган бўлса.

Парилар севгидан маст! Кексаларнинг фикри сергакроқ,
Қизаргандир кейин у ўз баҳорин эслаган бўлса.

1970.

ОҲ ГҲЗАЛ...

Кучди хуш бўй растанн деҳқон очаркан тўрвасин,
Беҳилар, оҳ беҳилар! Дўстим, қўлинг дард кўрмасин.

Беҳилар хўп яхши, лекин олма олган яхшироқ,
Олма сотган олма юз қиз кўп совуқ еб турмасин.

Олмадан бир тишладим, болдай ширин — мазмуни соз,
Ранги ҳам гулгун, топибди шакли, яъни формасин.

Бир амак дахлар хамак, дейман қиё боқмай туриб:
«Қайта пайвандланг палакка, сал дурустроқ тўрласин».

«Кеп қолинг!» дер четда бир кампир саноч бўғзин тутиб,
Кузда ким ичгай қимизнинг шўрвасин ҳам шўрвасин?

Қилмагайман мен ичимлик деб баланд бошимни паст,
Этмагайман илтифот у қанчалар лаб бурмасин.

Яхшироқдир яхши қизлар тўп бўлиб турган маҳал
Нарх сўраб қилсам томошо қўлда тутган йўрмасин.

Е фалак, мен йўрма кўрмоқ-чун келувдим бул томон,
Оғди ақлим бир кўриб бир нозаниннинг сурмасин.

Нега киргандим бозорга? Тавба... Э, ёнғоқ керак!
Йўқса ёрим не чақар бошимда? Ақлим қурмасин...

1970.

ТҮҲХАТ

Асқад Мухторнинг 50 йиллигига

Рухсат этсангиз, қилай изҳор дил тўйхат билан,
Гапни, салмоқли бўлар деб, бошладим рўйхат билан:

Кексалар таърифлагандек, баркамолдир шеърят
Рамзу Шукруллою Мирмуҳсин, Туроб, Асқад билан.

Доди йўқдир барчасин ҳам, балки истеъдоди бор,
Айби ҳам бир хил — қизиқмас бокс билан, шахмат билан.

Шунда ҳам, Асқад акам танлайди вазмин рух йўлин,
От юриш қилмоқ қийин, дўстлар, чинордек қад билан.

Еш бугун элликда, лекин йўл ҳамон энлик эрур,
Негаки — йўл феъли маълум — кенгаяр меҳнат билан.

Йўл — узун! Шоирни шеърят сафарбар айлагай
Икки юз йиллик машаққатли ва нақд муддат билан.

Бунда — эллик! Унда — эллик! Юзга — юз! Юзлар ёруғ!
Чарчамас дилкаш одам парвозда дўст, улфат билан.

Шеър — муҳаббатдир, одамзод ташнадир пок севгига,
Ташналик қонгунча, шоир, жўш уринг! Ҳурмат билан,
укангиз Ҳусниддин».

1971.

СУЗБОШИ УРНИДА

Бир-бир варақладим «Бобирнома»ни,
Шоир ўз умрини шарҳлабди ҳалол,
Сўзлар — фикрга бой,
Фикр — бамаъни,

Фақат...

Расмларга боқиб,

бўлдим лол.

Тўрт аср ловуллаб — сўнмаган буюқ
Кўзим тиндирганин айтмайман ҳозир.

...Қаранг —

Жажжи дарахт,
Кафтдеккина боғ!

Марказда —

дарахтдан барваста Бобир!

...Қаранг —

Мўъжаз қалъа,
Жанг этар давом,

Девордан баланддир сарбозлар қадди!

Наҳотки, қоғозга бош эгган рассом

Мавжудот нисбатин ёддан чиқарди?

...Қаранг —

кўринмайди кўзга турналар.

Қаранг —

бир қарич ҳам келмайди кўлрик:

Лекин, камалакдай ёниб-турланар

Одам миждасида титраган киприк!

Миямни эговлар шу ўй ҳамиша;

Балки, Маяковский ҳам бир кун асабий:

«Санъат —

ойна эмас —

қабарик шиша!»,

Дея ҳайқирганин шудир сабаби?!

Қайдам...

Ҳар нарсани этганда таъбир,

Тўқилар, одатда, минг хил ақнда.

Ягона таъбирини излаб бесабр,

Мен қўшиқ битаман

Ленин ҳақида,

Шеър — санъат!

Ва лекин,

Ленин ҳам улкан!

Қабариқ шишага эмас у муҳтож.
Энг юксак вулқон ҳам, мисли жўн гулхан,
Унинг қаршисида эгиб турар бош.
Йўл юрсам — мўл юрсам,
Тирмашсам— елсам,
Вулқон чўққисига чиқишим мумкин.
Аммо кўтармоққа ярарми елкам
Ленин мавзуининг залворли юкин?
Чекиб Лениннома қатига имзо,
Тасвир айлаганда Ильич қаддини,
Шоирнинг бузмоққа ҳаққи йўқ асло
Ҳаёт ва оламнинг расамадини.
Тарихга дастёрлик қилган ҳар инсон
Тарих китобида яшайди мангу.
Ленин тарихга ҳам бахш айлади жон
Шунинг-чун буюқдир буюқлардан у!
Кўҳна рассомларнинг чизган сурати
Бағоят нафисдир,
Эмасдир сакта,
Фарқ шуки,
Ўзгадир замон суръати,
Бугун Инсон яшар ўзга юксакда.
Ильич тўғрисида қўшиқ тўқимоқ
Октябрь мадҳини куйлагандай гап.
Мен ҳаёт аталмиш беором ирмоқ
Не деб шивирлашин олдимми пайқаб?
Қаламим доҳийнинг қиёфасини
Мукаммал чизмоққа эмасми ожиз?
Кўрсатиб бўлмагай иродасини
Ҳаётга у берган завқу жилосиз!
Эй, ҳаёт,
Бошимга илҳомнинг қушин
Қўндир!»,
деб илтижо қиламан илк бор.

Расмини чизгани етмаса кучим,
Ильичга
севгимни этарман изҳор.

1971.

* * *

Унг ёнда — папкалар,
Чап ёнда — яна...
Энг kami юз варақ ҳар бир ҳисобот.
Қаердан Надежда Константиновна
Буларни ўқишга топаркин сабот?
Кўзнинг толишида эмас ҳозир гап,
Аксинча,
қоғоздан кўчиб хаёли,
Утар кўз ўнгидан,
юрakни тирнаб,
Қишлоқ муаллимин аянч аҳволи.
Тафтиш ўтказилди Пенза, Уралда,
Тамбов, Гомелда ҳам иш чатоқ ҳамон:
Бечора муаллим,
кўтариб халга,
Нон йиғар уйма-уй
мисоли чўпон.
Ленин айтганидек,
«Бўлади юксак
Бизда муаллимнинг қадру иззати».
Бунинг-чун
бугуноқ
не қилиш керак?
Надежда опани шу ўй эзади.
Хуфтонга ўхшайди кайфияти ҳам,
Вақт ҳам уланади аста хуфтонга.
Диванга чўқади олмоқ учун дам,
Блокнотларини тахлаб бир ёнга.

Лекин ҳордиқ ёзиш этмагай насиб
Гўдакдай энтикиб турганда олам:
У, юмшоқ кафтини някка босиб,
Ильич-ла маслаҳат қураб хаёлан.
Ильич ўлтирибди ёнида гўё,
Авайлаб ярадор бўлган елкани.
Қалбда,

сўнг қулоқда

берар акс-садо

Унинг:

«Эҳ, Надюша, Надя!—

дегани,—

Ай-яй, шундайми-я, ҳозирча ишлар!
Хурсанд бўлардим мен дардинг кўрмасам
Куймай не қилардик,

ношуд кишилар

Маорифимизга беришса қасам...

Аввалроқ не учун айтмадинг менга!

Э, ҳа, бемор эдим!

Баҳоналар бас!!

Чунки ин қурса-да касаллик танга,

Коммунист юрагин мажруҳ этолмас.

Уста очганича ўлтирса оғзин,

Ювиб бўлармиди пўлатдан зангни.

Демак «Алифбе»га ўргатиш лозим

Ўн етти миллион ёшу ялангни?

Жўнми бу масала ёки мураккаб,—

Чайнаб ўлтирмаймиз.

Муҳими —

зарур!

Қани ёзувларинг!

Рақамлар саф-саф...

Тўғри...

Ҳа, йўқчилик...

Йўғе!..

О, қурғур!..

Демакки, муаллим қозонга қарам...
Демак ўйнамоқда нарх-наво пойга:
Ўн қадоқ буғдойга —

бир дона қалам...

Бир тарих китоби —

уч пуд буғдойга...

Қутуриб кетибди ростдан заминдор,
Ҳаттоки, келмоқда кишининг гаши.
Этиб бўлмаса-да фактларни инкор,
Надюша, яна бир ўйлаб қара-чи,—
Деҳқон қалам учун бераётир нон,
Деҳқон

нонин бериб,

олмоқда китоб.

Сездингми, азизим,

Сўнмабди ҳамон

Инсон юрагида ёнган Инқилоб.

Ярашмас жанг-жадал қайнаган кезде

Курашчи тутмаса қаддини адил.

Партия съезд йиғилар тезда,

Сўз сўра,

Чиқиб бор минбарга дадил.

«Ҳақиқатгўйман», деб баъзи бир тажанг,

Майли, шапатилаб қабартса кўксин.

Сенинг большевистик ҳалол маърузанг

Чинакам жанговар ҳақиқат бўлсин.

Зиёдай таралсин айтган ҳар гапинг

Ватаннинг яқину йироқларига

Ва тутатқи бўлсин

миглаб мактабнинг

Кейинроқ ёнажак чироқларига.

Лекин инграма ҳеч шундай кунларда

Ваҳима юкидан мажолнинг қуриб

Ҳамда

ўксимагин

Биринчи марта
Далда беролмасам ҳайъатда туриб.
Табиат қонунин охир олиб тан,
Қурбонлар сафига кирсам-да, расман,—
Партия бор экан,
Халқим бор экан,
Ҳаётдан кўзимни юммоқчимасман.
Коммунизм албатта қилар тантана,
Еш авлод етилар

доно ва гўзал!

Бошлаб юбордингми ишингни яна!
Мен борай, Надюша...
Бермайин халал»...

Кейин тун ариди.
Тонг отди оппоқ.
Замон истиқболга ташлади қадам.
Ильичнинг юраги ҳамиша уйғоқ,
Сергакдир Ильичнинг сафдошлари ҳам.

1972.

ЕРНИНГ ТОРТИШ КУЧИ

Ернинг тортиш кучи йўқолса бехос,
Ҳаволаб кетарди жамики одам.
Дафъатан завқиб бўлса-да, парвоз,
Таянчсиз яшамоқ қийин жуда ҳам.

Ернинг тортиш кучи Инсонни такрор
Тўрт буклаб тиқиши мумкин тупроққа.
Катта билим керак, буюк куч даркор
Ернинг юзасида омон юрмоққа.

1972.

ҲАВАС

Баъзан хаёлда ёниб,
Орзуларим уйғониб,
Қўғирчоқ театрида
Ишлагим келар жуда.

Саҳнасида нур ўйнар,
Артистлари зўр ўйнар.
Бир артисти — сополдан,
Бир артисти — похолдан.
Бир артисти — ипакдан,
Бир артисти — чўпакдан
Гарчи қўлда ипи бор,
Жуда ширин гапи бор,
Ишга келар вақтида,
Бу — режиссёр бахти-да!

Томошабин бари ёш,
Бунда йўқдир бағритош.
Ғолиб чиқса қаҳрамон,
Чапак чалар хуромон.
Йиқилганда қаҳрамон,
Ютишади бирга қон.
Ёқтиришмас чеккани,
Югуришмас чекгани.
Дарддош бўлиб дардликка,
Урганишар мардликка.

Мен ҳам мардни қўллайман,
Тез ўсишни ўйлайман.
Юрагимда «санъаткор
Бўлай» деган ният бор.
Қўғирчоқ театрида
Ишлагим келар жуда.

1972.

АРМОН

Қишлоқдаги бир нозанин
Кўнглининг баҳори эди.
Гул эди у кўзга яқин,
Бошқалар жўхори эди.

Боши узра айланса дуд,
Губор деманг, деманг булут,—
Менга ўхшаш ошиқларнинг
Оҳи эди, зори эди.

Шоир аҳли тутоқиб гоҳ,
Гоҳо қақшаб чеккандек оҳ:
«Кўзи — олов», «кўкси эса
Тоғнинг оппоқ қори эди».

Муҳаббатнинг кўчасида
Етолмасдим унга сира.
Сабабки, мен пиёдаман,
У эса сувори эди.

Хомлик шу-да, ёшлик шу-да,
Барно — уйғоқ, мен уйқуда:
«Якка юлдуз» дер эканман,
Гарчи эл қатори эди.

Совуқ нигоҳ ташласа у,
Бўлар эди умрим оғу.
Ташласа гоҳ илиқ нигоҳ,
Дардларимга дори эди.

Тоза гулдек унди-ўсди,
Йўқ эди ҳеч ками-кўсти.
Фақат... Битта айби ҳам бор —
У бировнинг ёри эди!..

1972.

А Ё Л Л А Р

Камгапми, сергапми —
 аёл яхшидир,
 Бегапми, сергакми —
 аёл яхшидир.
 Бўштобми, пишиқми —
 аёл яхшидир,
 Аччиқми, чучукми —
 аёл яхшидир.

Бўғилманг «Ошириб юборди, деб, сал»,
 Мақтовнинг озидан кўпроғи афзал.

Саҳрога ўхшагай
 аёлсиз дунё,
 Қуригай-қақшагай
 аёлсиз дунё,
 Туюлгай ғалати
 аёлсиз дунё.
 Чунки жим қолади
 аёлсиз дунё.
 Эрлар кўтаролмай сукунат юкин,
 Эсини йўқотиб қўйиши мумкин.

Қувончлар шимириб
 яшасин аёл,
 Тиниқиб, семириб
 яшасин аёл.
 Офтобдай юксакда
 яшасин аёл,
 Биз қурбон бўлсак-да,
 Яшасин аёл!
 Эҳтимол сўрарсиз: «Эркак-чи, эркак?»
 Бу ҳақда аёллар ўйлаши керак.
 1972-78.

ГУЛЧАМБАР

Ильичнинг вафоти ҳақида хабар
Сибирь конларига етиб келган чоғ
Вулқондай силкиниб кетди ишчилар,
Елкадан

босди ғам

гўё янги тоғ.

Ишчининг таянчи —

Ильич —

қулади.

Даф этиб бўлмади табиат зарбин.
Қончилар парткомга кириб келади,
Елғиз кўтаролмай

айрилиқ

дардин.

Ленин Инсон эди.

Инсонга таъзим!

Ленин жангчи эди.

Жангчига шараф!!

Халқ

доҳий қабрига

бош эгганда жим,

Сибирь ишчилари ўлтирмас қараб.

Ҳайкал қўйсинларми?

Доҳийга охир

Ҳайкал бўлиб қолгай бу озод диёр.

Бунинг-чун вақт керак.

Ишчилар ҳозир

Гулчамбар йўллашга этишди қарор.

«Сотиб олинган гўл!..»

Бўлмади ҳазм...

Уйлашди...

Соз фикр туғилди бирдан,

Яъни:

гулчамбарни ясамоқ лозим

Қончига энг азиз нарса —
кўмрдан!

Гулсиз яшаш мумкин,
Аммо ўчоқда
Ловиллаб турмаса Сибирь кўмири,
Офтоб

шам сингари қотиб пештоқда,
Сулайиб қолажақ ҳаёт томири!!
Димоғни ёрса ҳам бунда
нордон тер
аччиқ тамакининг ғубори билан,
Гулчамбар тахлитин чизди инженер
Парткомнинг нуфузли қарори билан.
Мастер ишга тушди.
Билмаган одам
Кўмирни қоп-қора дейди одатда.
Билган одамларга эса,
Кўмир ҳам
Юз рангда товланиб, яшнар албатта.

Мана, куйиндидек кўмир лаппагин
Симобий парчага парлайди уста,
Яна саралайди,
Теради тагин,
Рамкада лолалар порлайди аста...
Лолалар қоп-қора...
Қора япроқлар...
Гулчамбар тоқида қорамтир юлдуз...
Гўё эрир эди,

тегса бармоқлар,
Табиат юрагин қучиб ётган муз.
Муз эрир,
Юксалса аланга бўлиб
Халқнинг кўксидаги меҳр учқуни.
Сибирь ҳам
меҳрини гулчамбар қилиб,

Бугун

етказмоқчи пойтахтга ўни.

Ким олиб боради?

Элнинг ишончи

Доимо адолат билан эгизак,—

Демак, гулчамбарни

энг кекса кончи,

энг доно мўйсафид

Элтмоғи керак!

Лекин бу режа ҳам тезгина нураб,

Жавоб куртагидан ниш урар савол...

Эшик гийқиллайди.

Ижозат сўраб,

Хона остонасин босар учта чол.

Бирини барвастароқ,

Узгаси озгин,

Аммо ҳаммаси ҳам

Ишчи ва

тенгдош!

Ҳали очмай туриб кексалар оғзин,

Партком секретари чимиради қош:

«Марҳамат...

Ўлтиринг...

Тортинманг асло...

Кўтармоқ қийиндир айрилиқ ғамин.

Лениннинг қалбига жо эди дунё,

Уни ҳам қалбида асрагай замин.

Ильич-ла сўнги бор этгали хайр-хўш,

Ҳаммангиз ҳақлисиз,

минг карра ҳақли,

Лекин учта забой бирдан қолса бўш,

Чиқиб кетмасмиди доҳийнинг жаҳли!

Садоқат сўз билан этилмас изҳор.

Ленин ҳам

кўз юмди

постида туриб.

Ленин хотирасин эъзозлаш даркор
Кўмирдан тоғ ясаб,
Дон сепиб,
Қуриб!»

Тўғри,
Мамлакатга бағоят қийин,
Секретарь жони ҳам азобда эди,
Чоллар ҳам билишар —
Ҳозир ҳар тийин,
 ҳар он,
 ҳар ишчи қўл
 ҳисобда эди.

Майли,
 гулчамбарга бўлиб кўз-қулоқ,
Боргани маъкулдир битта оқсоқол.
Бунинг-чун ярашмас қуръа ташламоқ,
Қутлуғ иш ҳал бўлгай ҳамиша ҳалол.
Ким борсин?
Солинар чўтга бирма-бир
Конда —
 ер остида қорайган ҳар кун:
Кафтдаги ҳар қадоқ,
Чак-чак томган тер
Ва унган кўмирдан
 тугилар якун;
Конда ўн саккиз йил ишлабди бир чол.
Бу эса
 чол қазган кўмирни кавшаб,
Ўн икки вагонли поезд бемажол
Ерни
 бир айланиб чиқар
 деган гап.
Иккинчи мўйсафид
 шабқўр конларда
Тортмиш йигирма йил чўкич азобин.

Афсуски,

шахтадан бўшаб бир марта,
Елга совурибди топган савобин.
Сарҳисоб беради учинчи бобой
Кўҳна хотиранинг титиб қатини,—
Хўш...

Игирма тўрт йил..:

Тағин саккиз ой...

Ҳа, шунча ишлабди букиб қаддини,
Албатта, ёшлигин чақсанг ақчага,
Ақчани

хўжайин ҳамёни ютган:

Лекин тафт теппа-тенг тегмиш барчага

У қазган кўмирдан,

У ёққан ўтдан.

Кузда бошланганди унинг-чун ҳаёт,

Соқол оқарганда етишди баҳор;

Мана, етти йилки —

мамлакат озод.

Мана, етти йилки,

меҳнат —

ифтихор!

Хуллас,

ҳалол яшаб қилган меҳнати,

Садоқати учун ўз ўлкасига

Бугун

фахрли ва масъулиятли

Вазифа юкланди чол елкасига:

Пойтахтга жўнар у гулчамбар билан,

Йўқдир уч тенгдошин унга даъвоси.

Шукурки,

бўлибди шу қадар баланд

Меҳнат-ла ўлчанган умр баҳоси!

Ичга сиздиrolмай жудолик дардин.

Уша кун

неча юз халқ вакиллари

Тавоф этмоқ учун Лениннинг қабрин,
Иўлга чиққан эди

Москва сари,

Бир-бирин танимас ҳозирча улар.

Сўнг,

қалблар туташгач

бир ҳис-ла тўлиб,

Ҳатто «партиясиз большевой» чоллар

Етар Москвага

коммунист бўлиб.

1973.

ДЕНГИЗГА КЎЗГУ ДЕБ БОҚАМАН

Нотаниш диёрга тушса йўлингиз,
Тилга эрк бермасдан завқ эмган маъқул.

Одессага борсам,

Шодлик шошириб,

Едимдан чиқибди ўша қонда.

Ахир, ҳайратланмай иложим борми
Одесса

одатий шаҳардан кўра

Улкан қурувчининг илиқ, кенг кафтин

Харсанг-ла омихта тупроқда қолган

Улкан тамғасига ўхшаса кўпроқ,—

Қадимий кўчалар

бармоқлар каби

Туташиб кетади денгиз лабида.

Қизил гвардия ҳайқириб ўтган

Гиштин кўчаларда этарканман сайр,

Котовский тулпорин тақаларидан

Ярим аср илгари таралган садо
Денгиз шамолининг шўр қанотида
Йиллар довонидан зарб ила ошиб,
Урилгандай бўлар
қулоқларимга.

Сўнг,

сокин соҳилда —

кўк хиёбонда,

Бронза Пушкиннинг

жингалак сочли,

табаррук бошига

Соябон бўлган,

Хушбичим украин чинорларини

Менинг она шахрим Намангандаги,

Пушкин номи билан аталган боғда

Мовий кўл бўйини макон айлаган,

Тунлари,

Пушкиннинг энагасидек,

Менга ҳам эртақлар шивирлагувчи,

Сутга чайқагандай покиза,

дуркун

Кекса чинорларга этаман таққос.

Наманган боғида ловиллаган кўл

«Чинор кўзгуси» деб аталар кўпроқ,

Менимча, серқуёш Одессада ҳам

Денгиз,

қилич каби ярақлаб бирдан,

Ернинг этагини тилка-поралаб,

Шаҳар пойигача ўрмалаб кепти

Гўзал чинорларга кўзгу бўлиш-чун.

Мен эса,

кўрфазга кўзгу деб боқсам,

Яшил табиатнинг денгиз аталмиш

Зангори дафтари саҳифасига
Чўянкўл халқ чеккан қизил нуқтани,—
Хув, ташқи рейд оша олис тарихга
Йўл олган

«Потёмкин» кемаси узра

Илк бор
ва абадий

парпираб кетган

Қирмизи байроқни кўраман яққол.

Шу маҳал,

дўстларим кафтида яйраб,
Очилиб кетдим дилимнинг қулфи,
Ечилиб кетдим тилимнинг ипи,
Мадҳ эта бошлабман денгизни қайнаб.
Вой-вой, тилим қурсин,
Тилгинам қурсин...

Дўстлар,

биласизки,

Она — Одесса

Украин халқининг меҳмондўстлигин
ҳамда,

бир денгизда юзини ювиб,
Улугвор Кавказнинг тантилигин ҳам
Бир умр ўзида жо этган шаҳар:
Бағри кенг мезбонлар менга ўша он
Арғумон этишди Қора денгизни.

Нима қилсам экан?

Бир ботирганда

Уммонни ўзига сиғдиrolгудай

Челагим йўқ, ахир!

Аммо шундай деб

Оғритиш зарурми мезбонлар дилин?

Тез ўйлаб,
денгизнинг бир бурдасини
Мойдек кесиб олдим эсдалик учун
Ҳаяжон босилгач мундоқ қарасам,
Кемтик бўлиб қопти азамат уммон.

Йилнинг тўрт фаслида сўз каби илиқ,
Кўз каби тиниқ ва серқилиқ денгиз
Менинг эркалигим туфайли
Наҳот
Кемтик бўлиб қолар абадул-абад!
Йўқ, йўқ!
Инсоният йўл қўймас бунга,
Бунга йўл қўёлмас менинг виждоним?

Қалбимни кафтимга оламан секин
Ва унинг энг нозик парчасин кесиб,
Яшил табиатнинг уммон аталган
Ғуборсиз зангори дафтари узра
Қирмизи нуқтадай кўтариб баланд,
Уша кўк кемтикка соламан секин,—
Халқим юрагига томирдош бўлган
Лағча чўғ қалбимнинг оташ парчаси
«Чағ» этиб ўчмади сувга текканда,
Аксинча,
Мудраган зангори муҳит
Сесканди,
қўзғолди,
пишқирди бирдан.

Мен «Ил-18»га ўлтириб хушҳол
Ўзбекистонимга қайтган кунда ҳам,
Тўлқинлар тўлганиб тўлқин туғарди.
Сўнмас осонликча беором юрак,
Демакки,
ҳали ҳам жўш урар денгиз,

Демак, тўлқинларнинг сўнгсиз гурроси
Шаҳарда сукунат режимин бузиб,
Дўстларим уйқусин ўчирмоқдами?
Қалбим депсинганда кўчган тўлқинлар
Кема қатновига бермасми халал?
Чекиб,
Ҳа, планнинг ташвишин чекиб,
Мендан хафамасми портнинг бошлиғи?

Мана кўрдингизки, нотаниш юрда
Тилга эрк бермасдан завқ эмган маъқул,
Сизга наснҳат шу..
Мен эса, дўстлар,
Нима қилишимни ўзим биламан.

1974.

ҲАЁТ ТОМИРИ

Тарих кўзгусига тикилар экан,
Ҳаяжон уйғотар
юракда такрор,
Дастлабки
колхоз ва
мактаблар билан
Ўзбек тупроғига келтириб баҳор,
Имкон дарвозаси бўлса ҳамки тор,
Гунчаги мойсираб ётган ҳаётни
Моторга
пайвандлай олган авлоднинг
Бугун
чаккасида жимирлаган қор;
Ҳаяжон
Мавж урар мисоли анҳор,

Милтиқ тасмасидан елкаси толган,
Даҳшатли душманни
 даҳшатга солган,
Умрининг тўрт йили жангда йўқолган,
Қолган умри эса
 фойдага қолган
Авлоднинг юзида
Яшнаса виқор;

Кун-бакун куч йиғиб,
Шитоб бўй чўзиб,
Салом бериб турса фарзандлар қатор,
Оталар
 ўларнинг тинч ва беғубор
Истиқбол уфқига боқиб бахтиёр,
Ўз ўтган умри-ла этса ифтихор
Ва ўзин дарахтга ўхшатса бирдан,—

Буларнинг барчаси чиққандир ўсиб
Ёшлик деб аталмиш
 соғлом томирдан!

Менинг ҳаётим ҳам
Кўпириб,
Тиниб,
Ниҳоят

 кексалик денгизи томон
Сафари қариган оқ кемасимон
Оҳиста сузмоққа бошлагай таним.
Ўшанда қалбимнинг шашти билиниб,
Кўнмас

 хайр дейиш-чун нурли умрга
Ва ёшлик аталмиш ўша томирга
Кема лангаридек қолгай илиниб...

Ҳаётда шу бўлур топган-тутганим!

1975.

ГУРИ АМИР

Оламнинг ярмини пайҳонлаб ўтган,
Иккинчи ярмини титратиб зир-зир,
Тарихга номини қон билан битган
Темурланг ҳаммага яхши танишдир,
Гарчи дон ва сув деб энтиккан ерга
Сочгани асосан дарду ғам эди,
У доно Улугбек ҳамда Бобирга
Узоқми-яқинми бобо ҳам эди.
Бу гаплар, умуман, ҳеч кимга сирмас...
Мен Гўри Амирга киргач дафъатан,
Китобий Темурни унутиб бирпас,
Унинг қувлигига
бердим тан.

Ажалнинг унчалик даҳшати бўлмас
Жаннатдан «жой танлаб» қўйган кишига.
Амир чидолмасди, менимча, ўлгач,
Танининг тупроқда топталишига:
Вақт ўтиб,
Қудратнинг устуни чириб,
Балки ўғирлашар қабр тошини...

У ер юзасига сағана қуриб,
Кўмдирмиш
етти газ пастга

лошини.

Гўё хум тубига жойлашганди гўр.
Деворлар яланғоч.
Гумбаз безаксиз.
Бунда ҳавонинг ҳам кўзи бўлмиш кўр,
Беш аср зулматда донг қотиб сассиз
Ер узра
Мавж урар ҳаёт шарқираб,
Бошқарар ҳаётни ҳали ҳам қуёш,

Қуёш оташида ёниб-ярқираб,
Турар Гўри Амир кўкка тираб бош
Темур

жим ётишни қилса-да орзу,
Ҳаёт

хоқонларга тобе хотинмас;
Ел тинар гоҳида,
Ҳатто тинар сув,
Зиёратчиларнинг оқими тинмас.
Қурбонлар қонига талаб қилиб хун
Е гурур бахш айлаб музаффар ялов,
Биров келар эди

қарғамоқ учун,
Руҳин шод этгали
келарди биров.
Мақбара ичига қўяркан қадам
Тиллакорий нақшлар тиндириб кўзин,
Юксак

кўк қуббанинг остида
одам

Хасдан ҳам ожизроқ сезади ўзин.
Сезмасдан қолар у аммо тўсатдан
Муздек ел сийпалаб ўтгач танини,
Устида яшм яшнаб,
Мағзи бўш ётган
Сағана олдида тиз чўкканини.
Тарихнинг тафтини излаган киши
Шу совуқ харсангга айлаганда роз,
Гўёки,

гунг қотиб мақбара ичи,
Янграрди етти газ пастдан бир овоз:
Қаҳқаҳа эди бу!
Худди эрк билан
Олишган даврнинг олис саси бу;
Ер сатҳин забт этиб,
Ўзи ер билан

Қоришган амирнинг қаҳқаҳаси бу:
 Лек садо чиқолмас гумбазин ўйиб,
 Сўнар «хум» тубида мисоли рўё;
 Темур шунинг учун,
 ўзгани қўйиб,
 Узининг устидан куларди гўё:
 Қаҳқаҳа урарди жангарн фотиҳ,
 Қон йиғлаган қаттол, чув тушган айёр.

...Кейин Герасимов чангларга ботиб,
 Сағана сирини айлади ошкор...

Демак, яшнаса ҳам инсон имзоси
 Хоҳ нодир мраммарда, хоҳ арзон ғиштда,
 Менимча, ҳаётнинг асил маъноси
 Бахтиёрлар аро бахтли бўлишда.

1975.

ИСТИРОҲАТ

Ялтада, биласиз, бир тараф уммон,
 Иккинчи томонда — қарағайзор тоғ.
 Қирғоқда қўнар жой танлаб ёнма-ён,
 Икки чол денгизга ташлар сўнг қармоқ.
 Вақт оқар... Умр ҳам..
 Қармоқ эса бўш...
 Атрофга алаинглаб бесабрроқ чол:
 «Бу, дейман... Бунча тоғ кимга керак, хўш?
 Хўш, нега керак?» деб қотади савол.
 Нариги чол эса эди сал шўхроқ,
 Кулиб огоҳ этар ҳамроҳин «сир»дан:
 — Денгизнинг йўлини боғлаб турар тоғ,
 Тўфон босмасин деб дунёни бирдан...
 Анграйиб қолади бесабр бобой:

«У ҳолда, хўш... Денгиз не учун даркор?»
— Табнат яратган уни, ҳойнаҳой,
Тоғлар турмасин деб ер узра бекор...
«Йўқ-йўғей!..»
— Ҳа, деб қўй!

...Қўлида қармоқ,
Шу тахлит ҳордигин ёзса икки чол,
Яшил камзулини кунга ёяр тоғ,
Денгиз кўк этакдай тебранар хушҳол.

1974.

ЛАЙЧА БИЛАН ФИЛ

Томирлар чигалин ёзиш-чун андак
Ва циркнинг довругин ёйишни ўйлаб,
Бир вақтлар Крилов бобо ёзгандек,
Фил олиб ўтишди шаҳарча бўйлаб.
Тушлик чоғи эди,
Томоша текин,
Халойиқ йиғилди йўлда ўша дам.
Уларга қўшилди бир оздан кейин
Лайча етаклаган миқти киши ҳам.
У ўтган кунидан бўлмасди мамнун
Бир кўз-кўз қилмаса ўзини элга.
Бугун ҳам эътибор жалб қилмоқ учун
Гижгижлай бошлади итни филга.
Жон ширин,
Қочмоқни ўйлади лайча,
Фингшиб,
ожишлигин қилади рўкач.
Лекин акилламай иложи қанча
Эгаси тизгинни сялкитиб тургач:

Вовуллар,

вангиллар,

Талпиниб ҳатто

Филнинг оёғига уриб кўрар тиш.

Фил эса бош чайқаб борар бепарво,

Гўё дер:

«Циркчилик... Шу-да бизнинг иш!»

Миқти кишини ҳам қийнар ўз дарди:

«Қалайман?..

Зўрман, а?..

Кучугим қалай?..»

Лайча қурбақадай пастда сайрарди,

Юксакда борар фил вазмин кемадай.

Мана, ўтди-кетди,

Осмонни паққос

Тўсиб турган экан унинг биқини,

Лайча ана шунда ҳис этди бехос

Ўзининг нақадар пачоқлигини.

Бошини қаёққа урсин бечора,

Ахир хўжайини мустабид эди.

Ўзини оқлашга излар у чора,

Ақлли ит эди!

Аммо ит эди...

1975.

БАХТЛИЛАРНИ ҚУЙЛАЙМАН

Одамзод кўзини дуд бўлиб ҳамон

Ачиштира ҳамки дард ила фироқ,

Бахтли кишиларга бойдир бу жаҳон,

Мен ҳам

бахтлиларни

куйлайман кўпроқ.

Ўқсиб яшаш учун ақл керакмас,

Елга қуллуқ қилиб
кун кўрар
гаров.
Евга ё тақдирга бўйин эгсанг бас,
Миниб олгувчилар
топилар дарров.
Бахтлилар эслатар сергак солдатни,
Бахт эса
мунтазам интилиш,
кураш.
Шунинг-чун бахтиёр дўстларим мадҳи
Ҳар бир томиримга умрбод туташ.
Иқбол ёриб чиқар тухумни дангал
Ожизлар жангчига айланган маҳал.

1976.

А С И Р И Н Г М А Н

Машинамиз, мисоли шамол,
Бир қишлоқдан учиб ўтарди.
Йўлни тўсиб қандайдир аёл,
Индамасдан қўлни кўтарди.
Тормоз босди шофёр бечора,
Манглайдан реза тер униб.
«Унгга юр» деб қилди ишора,
Аёл унинг ёнига қўниб.
Урни келса, хотинлар ҳам зўр,
Оналикнинг обрўси бор-да!
Машинани ҳайдади шофёр
Текис йўлни қолдириб ортда.
Нур шимириб, тупроқ шофирган
Боғ кўчада чарх урдик бир оз.
Кейин,
дунё кенгайиб бирдан,

Чикди бизга пахтазор пешвоз.
Саришталаб ариқ қиргоғин,
Шолча солиб, кўрпача тўшаб,
Ултирарди бир гала хотин
Ошдан сўнг чой кутганга ўхшаб.
Жўжалари — қанотларида,
Ҳордиқ ёзар ҳамма беҳадик.
Шунинг учун, анча нарида
Истиҳола қилиб тўхтадик.
Бизни «асир» туширган аёл
Ўз зафарин этмай тантана,
Дўстларига жилмайиб хиёл,
Рапорт берди:
— Келтирдим, мана...

Бўлди қарсак,
Порлади кўзлар...
Мен шеър ўқиб қутладим дарҳол,
Чунки, бирга келган ҳофизлар
Рубоб созлаб олмоғи даркор.
Силкитди сўнг чилдирма жўшиб
Кўк даланинг мовий томини
Ва қўш ҳофиз ўртага тушиб,
Бошлаворди «Ассалом»ини.
Рубоб тори қуёшда яшнаб,
Гўё оташ бахш этар ҳисга.
Ўртоқларин даврага бошлаб,
Туша кетди бир қиз рақсга.
Қўллар сузар мисоли оққуш,
Зулук каби эшилар қошлар.
Нафосатга очади оғуш
Пахта териб толиққан ёшлар.
Йўқ,
Толиқмас пахтакор қизи,
Ун машшоқни толдирмоғи рост!

Куйлар,

мана,

Қобилжон ўзи,

Солижонга дам бериб бир оз.

Чилвир сочлар чулганар белга.

Тишлар ёнар дурдона янглиғ.

Билак балқиб,

дириллар елка,

Чеҳра олар кўнгилдан ядлиғ,

Кўнгил эса завқ аро эриб,

Кўтарилар осмон-фалакка...

Қобилжонга бир оз дам бериб,

Куйлай бошлар Солижон якка.

Ҳаволайди қўшиқ галма-гал

Висол билан ҳижрон ҳақида,

Жаҳонда энг азиз ва гўзал

Юрт ҳақида,

Хирмон ҳақида.

Сал вақт ўтгач,

қолмади буткул

Бу давранинг ўрта ё чети.

Ешлар жўшса очилиб гул-гул,

Кампирлар ҳам «шоҳ ташлар» эди.

Аскиябоз қидирар ўлжа,

Тили билан айлар у шикор:

«Қиз ўн тўртда шунчалик бўлса.

Юз қирқида зўр бўлар ўн бор!»

Ҳаёт ширин, табиат латиф,

Фақат ҳофиз томоғи толар.

Чилдирмани бакабанглатиб,

Даврада

бир Расулжон қолар.

Қиз-жувонлар доирасида

Чунки фақат нур эмган гулдан
Мева тутар деҳқон нияти!

Наҳот бўлса шу қадар улкан
«Асирлик»нинг масъулияти...

1975.

ТЕГИРМОНЧИЛАРМИЗ

Тоглардан ўзини водийга отган
Довюррак сойларнинг шарқирашими,
Е воҳа кафтида тўлганиб ётган
Сир билан Амунинг ярқирашими,
Ҳар ҳолда,
Бир вақтлар

сув бўлиб боис,

Осиё аталди бу чексиз чаман:
Дарвоқе, ҳисорлик тили ширин қиз
«Осиё» дегани —

«Тегирмон» экан.

Дастлаб эшитганда қулоққа, балким,
Ғалати туюлар бунақа таққос.
Аммо қўймас эди бу номни халқим
Фикрига муҳитдан топмаса асос:
Ҳаққи рост,

Осиё

Биринчи марта
Дон сепиб,
Дон ўрган деҳқондан ёдгор,—
Буғдойи бўлмаса қоп ва хумларда,
Нов билан тегирмон кимга ҳам даркор!
Балки Осиё деб ном қўймоқ учун
Баҳона бўлмасдан нон ила тандир,
Улкани минг йиллар,

бамисли қуюн,

Қийратган босқинлар эсга келгандир.
Эсга олишгандир шунда, эҳтимол,
Бошларнинг бошоқдай кесилганини,
Инсон,

тегирмонга тушган дон мисол,
Икки зил тош аро эзилганини.

Мен бугун,

Табаррук ўрта Осиё

Тўқ ва шўх,

Худди чўғ яшнаган чоғда,

«Тегирмончиларга бўлдим ошно»

Дейман-у,

Бунга ҳеч эмасман доғда.

Аксинча,

кўксимга ювиб илиқ ел,

Фақат ишонч қурар қалбимда макон.

Чунки тегирмондан бутун чиққан эл

Таназул кўрмагай энди ҳеч қачон.

1976.

ОРЗУ

Машраб ғазалига мухаммас

Бандиман орзуга мен, ганжи аённи на қилай,
Дилга оташ сўз зарур, тил узра нонни на қилай,
Менга мангулик беринг, ўткинчи онни на қилай,
Бу тани ҳокийнию руҳи равонни на қилай,
Бўлмаса қошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?

Ким тилар соғлом қулоқ, кимдир сўрар олтин зирак,
Ким эрур чарх, бошқалар оламни айлар чирпирак,
Бўлса ҳам турмушда тиргак захми йўқ, бекайф юрак,

Ерсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак,
Қолғон Иброҳимдан ул эски дўконни на қилай?

Орзу офтоб бўлса, тутдим унга қалбим худди жом,
Ғўра эрдим, оташ узра розиман бўлсам қиём,
Ишқни пинҳон асрамоқни шунда ҳам этгум давом,
Зарраи нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом
Ошкора бўлса, бу сирри ниҳонни на қилай?

Айб эмас инсонга дард ё ҳайф эмас завқу сафо,
Бу тўлин оламга сочган чоғда гул атрин сабо,
Тингла, Ҳусниддин, келар оҳиста ўтмишдан садо:
Бир ўзидан ўзгаси барча галатдир, Машрабо,
Гул агар йўқ эрса илкимда, тиконни на қилай?

1976.

ЕР ФАРЗАНДИ

Мен

булут бўлишни

хоҳламайман,

Булут бўлишмиди бир камим?!
Ҳаётимни ерга боғлаганман,
Ерга ёқар

Ерга ёқар

ерда юрганам.

Гар қадамим

ерга

келса малол,

Соғинмаса мени ёр-ўртоқ,
Бу нуроний дунёда,

Бу нуроний дунёда,

эҳтимол,

Бўлмас эди менчалик гумроҳ.

1977.

ОНА-ЕРГА ОЛҚИШИМ

Мен чет элга бормаганда ҳам
Озми-кўпми фикр қилардим,
Унда ер-сув,

бахт,

ҳатто алам

Шахсийлигин

яхши билардим.

Лекин билмоқ ўзи кам экан,
Бир кўрмоқнинг кўпроқ нафи бор.
Биз хорижда ўтсак қай йўлдан,
Икки чети

эди

сим девор.

Сўнг деворлар кўндаланг тушиб,
Ерни

бўлди

лаҳтак-лаҳтакка:

Бир уй турса йўлда қунишиб,
Иккинчиси

илжайди якка.

Тунд боқса-да,
урса-да, хандон,
У лаҳтаклар тақдири тахир,—
Хўжайини буюрган замоң
Сотилиши

мумкин

кимгадир.

Фойда чиқса агар мўмайроқ,
Дастрўмолдай

бўлгай қўлма-қўл.

Чунки

ҳаёт

бозордай қайноқ,

Пулловчи ҳам,
Харидор ҳам мўл.
Ўз ерини она деб билган
Бизга ўхшаш одам қонида
Зўр ғалаён уйғонар бирдан
Бу «бозор»га

кирган онда:

Ахир, киши

ақлу ҳушини

Фақатгина пулга елимлаб,
Она танин сотса яхшими
Қовун каби тилим-тилимлаб?
Тўлқинланиб дилим шу дамда,
Тан олмасдан қўяр қирғоқни
Ва олқишлар,

қайда бўлсам-да,

Ўзим ўсган

яхлит тупроқни.

1977.

КҮНГИЛ РИШТАСИ

Кун бўйи билмади ғилдирак тиним,
Иккинчи куним ҳам ўтди поездда.
Аммо йўлимизда бўлмади унум,
Етмоқ қийин экан манзилга тезда.

Фарзандларим билан рафиқам қалбин
Менинг юрагимга боғлагувчи ип
Гўё таранглашиб ҳар лаҳза сайин,
Поездни орқага турарди тортиб.

1977.

ЭРҚАК ҒУРУРИ

Эркакнинг ғурури баланддир жуда,
Аёл ғурури ҳам лекин кам эмас.
Барибир, эр зоти ҳатто уйқида
Сал устун келмоқни қилади ҳавас.

Жамғарма йиғилиб қолганди пича,
Хотинга тўсатдан этдим-да, таён,
Сафарга жўнадим,

океан оша

Ер шарин нариги палласи томон.

Энди,

қуёш-ла тенг сузиб осмонда,
Ер юмолоқлигин кўргач мен ўзим,
Ер ила қайтадан учрашган онда
Буюк ҳикмат бўлар
ҳар бир жўн сўзим.

Афсуски, азизлар,
Кейин бердим тан
Ҳаётнинг кўп одил «чархпалаги»га:
Югуриб-югуриб,
Тушиб қолибман
Ёрим пошнасининг худди тагига.

1977.

ВАНКУВЕРДА БЎЛГАН ВОҚЕА

Техника кўтариб бизни кафтада
Не-не мушкулларни этади осон...

Таржимон Володя лифтга кирди-да,
Тугмачани босиб,

Тикилди ҳайрон,
Ўзи айтиб берди сўнг не бўлганин:
— Аслида, тушмоқчи эдим мен пастга,
Лекин лифт негадир ҳаволаб тагин,
Еттинчи қаватга етди бир пастда.
Эшик «шиғ» этди-ю,

очилди шитоб,

Демак, чиқарганлар шу ерда экан:
Дарҳол кабинага кирди бир жаноб,
Хотини, ўгли ва ёш қизи билан.
Тарбиям йўқ эмас,
Четга сурилиб
Шляпани ечиб,

жилмайдим хиёл.

Аёл эса бирдан ортга бурилиб,
«Жўжа»ларин тўсди
курк товуқ мисол.

Эшик ўз-ўзидан ёпилди яна,
Лифт энгил қўзғолиб,

пастга олди йўл.

Шунда

ранги ўчиб,
серрайган она

Эрига шипшиди:

«Қара!

Ҳушёр бўл!».

Эр уйиб қовоғин,

фақат дер: нега?

Пулдор-да,

Бекорга чарчатмас томоқ.

Хотин тушунтирар:

«Меҳмонхонага

Бир гуруҳ коммунист бўлибди қўноқ».

Чамамда шундан сўнг қисиб кўзини,

Аёл мен томонга қилди ишора.

Айтган инглизча ҳар бир сўзини

Яхши англашимни сезмас бечора.
Фафлат мевасимни асли бу қилиқ,
Ё қуруқ ваҳима,

унсиз нолами?

Коммунист нафаси тегса нур янглиғ,
Қулаб тушармикин чирик олами?
«Қани, юр мен билан!» деган маънода
Ҳазил қилгим келди уларга жиддий.
Лекин шундай десам,

ўша аснода

Беҳуш йиқилишиб қоларди худди.
Ҳай-ҳай, тинчлик унмас жанжалли ердан,
Дунёнинг ишлари лифтда бўлмас ҳал,
Лекин болаларнинг кўзида бирдан
Қизиқиш учқуни йилт-йилт этди сал:
Чунки отасини зўр деб яшарди,
«Қонун» деб яшарди онанинг сўзин.
Не учун,

зўр бўлса улар башарти,

Коммунист олдида йўқотди ўзин?
Бу савол мураккаб...

Дарвоқе, лифт ҳам

Биринчи қаватга етди тезгина.

Улар ўзин урди эшикка илдам.

Изма-из чиқдим мен

жилмайиб яна.

1977.

МУҲАББАТ УЧОҒИ

Илм ила забт этар оламни инсон,
Сўнг бузар

ва тузар,

Ранг берар қат-қат.

Лекин,
 ўшанда ҳам,
Ишқи йўқ жаҳон
Оловсиз ўчоққа ўхшагай фақат.

Хаёл
 ерга қўйиб
 турмушнинг юкин,
Тарих мўрисида аста бўйласа,
Муҳаббат ҳақида не билмоқ мумкин
Навий бўлмаса,
Пушкин бўлмаса?!

Севги деб аталган сўлмас бу боғда
Одам ҳар қандайн мардликка қодир:
Навий

 ўз қалбин
 ёққан ўчоқда
Пушкин юрагининг чўғи ҳам бордир.

1977.

ҲИНДИ ҲИКОЯТИ

Улар ботқоқ, муз ва океан оша,
Бу бўм-бўш кенгликка ёриб киришди.
Аввал гулхан ёқиб,
Сўнг қуриб гўша,
Тупроқни
 Ватанга айлантиришди.
Гож табиат билан узлуксиз баҳсда
Ақлини тарошлаб,
Бир нав тиклаб бел,
Тинч яшаб,
Ўзидан кўлайди аста

Меҳнатга ишқивоз

қорамағиз эл.

Кейин,

милтиқ тутиб,

Кунюрар ёқдан

Оқ юзли кишилар бўлишди пайдо.
Қалъалар қуришди тош ва тупроқдан,
Юртнинг эгасига қилмасдан парво.
Майхоналар тушди қалъада ишга,
Тилла кўп,
Қадаҳ ҳам май билан лим-лим,
Бу эл тайёр эди мўйна сотишга,
Лекин

ўз тупроғин

сотмасди ҳеч ким.

Қониқмас бунга ҳеч келгинди нафси,
Ургага қўйилар дин ила худо.

Туб халқ-чи?

Ёкса ҳам фаришта рақси,
Кўнмас ўз еридан бўлгани жудо.
Тортишув авжигача чиқади энди,
Қарсиллаб,

Милтиқлар киради тилга.

Ана, бостирмалар қоғоздай ёнди.

Қон ила бўялди ажриқ ва жилга.

Панд егач,

Уз пайтин пойлади сергак,

Аммо чекинмади туб халқ бир қадам.

Ҳимоячиларга бўларди тиргак

Куйган кулбаларнинг деворлари ҳам.

Бу халқ кўп кўҳнадир.

Ёдидан ҳатто

Туғилган тундраси кетгандир ўчиб

Яйдоқ Чукотка ва Аляскадан то

Миссисипигача юраркан кўчиб.

Ўзгартган бўлса-да, оғир йўлларда

Улар

Ўз ранги ва важоҳатини,
Сақлаб қолган эди,
йўқотмай зарра,

Ҳамияти ила саховатини.

Баданни яралаб,

Суякка етгач,

Қирсиллаб синганда босқинчи тиши,

Улкада бошланди шукрона —

«Потлаж»:

Кимлигин кўрсатар унда ҳар киши —

Биров халойиққа тутганда таом,

Биров эл бошидан сочар сийму зар,

Бировлар,

бор-буди бўлгунча тамом,

Едириб,

Ичириб,

Сарпо кийгизар.

Ҳа, ҳа, бағри кенглик бор эди азал

Озод овчиларнинг озод қонида.

Бир фикр туғилиб қолди шу маҳал

Оқ танли қўшиннинг қўмондониди.

У элчи йўллади овчилар томон,

Шундай сўз айтмоқни тайинлаб зинҳор:

«Майли, яшайверинг энди тинч-омон,

Сизники

ер ва кўк, яйлов ва анҳор,

Биз кечдик баридан.

Сиз эса фақат

Потлаждан кечингиз тўй ва азада!»

...Қабила кенгашиб,

Кўнди оқибат,

Кўнглини нимадир тимдаласа-да...

Кейин бу тўққина,

кул ранг оламда

Йиллар гир айланиб гоҳ шод, гоҳ ношод,

Туғилиб,

улгайди

Тўёна ҳамда

Хайр-эҳсон нелигин билмаган авлод.

Туғилмоқ қувончи энди бесадо,

Ўлим, алами ҳам сокиндир энди.

Аниқлаб бўлмасди юртда мутлақо

Ҳамиятпеша ким,

Қим мард ва танги.

Териб ризқ-рўзини ер узра маҳзун,

Бир авлод

бирини этарди такрор.

Бу халқни бадарға айламоқ учун

Кўпроқ ўқ отиш ҳам бўлмади даркор

Боғбон,

ғафлат аро энтикиб оғир,

Бенасиб бўлгандай барча мевадан,

Ўзи барпо этган Ватанда охир,

Қизғиш тан халойиқ

қолди беватан.

Шундан сўнг очилди ярқ этиб кўзи,

Кўрсаки,

жўш урар йигирманчи аср

Қўзғалди,

ўзига бонг уриб ўзи,

Кураш санъатидан олмоқ учун дарс.

Курашга баҳш айлаб жону танини,

Бўлиб одамийлик бобида сергак,

Бир вақтлар ботмонлаб йўқотганини

Энди у

мисқоллаб термоғи керак.

Ҳамон давом этар бу баҳс бетиним

Офтоб

океанга чўккан томонда.
Ҳиндини зафар-ла қутлаган куним
Армоним қолмагай ёруғ жаҳонда.

1978.

ИШЧИ ҚУЛЛАР

Қурувчи Убайдулло Абдуллаевга

Дўстим, тез-тез қилсангиз сафар,
Кучдан қолмас сира тизсангиз.
Зерикмайсиз,

сафарга агар
Убайдулло билан чиқсангиз.
Йўлда сизни,
салобат тўкиб,
Лол айласа кўк ўпар уйлар,
Убайдулло

бармоғин букиб,
Уй вазни ва ҳажмини ўйлар.
«Бу зарангзор,
Оташсиз,
чангсиз,
Эли рангпар,
сокин диёрда
Ташвишни қўй, ошна» десангиз,
У кулиб дер:
— Фойдаси бор-да!

Сўнг,
Нотаниш йўлларда яна
Қийнамоқчи каби жонини,
У кўтариб олар тезгина

Бирор қизнинг

чамадонини.

Бош тебратиб қўйсангиз шу чоғ.

Нимадандир гумондор бўлиб,

Убайдулло

ўйламай узоқ:

— Фойдаси бор, ако,— дер кулиб.

Бир манзилга қўнар жамоат,
Сайр айлагач оқшомга қадар.

Бўлмаса-да; қуюқ зиёфат,

Уйин-кулгу бошланиб кетар.

Рақсда ҳам

Ҳаммадан қайноқ

Убайдулло бўлар албатта.

Қаршингизда ер тепиб қувноқ,

Кифт қоқиб дер:

— Фойдаси катта!

Лекин уни «фойда бандаси»

Деб ўйламоқ

мутлақо гуноҳ,

Қўнгли тоза,

Тўқдир меъдаси,

Бунга ўзим гувоҳман, гувоҳ.

...Ўзга қитъа

Кунлардан бир кун

Тинч океан бўйига келдик.

Кемаларнинг

юк олмоқ учун

Тўхтайдиган жойига келдик.

Пристанда,

Мағрур ва улкан,

Турарди бир совет кемаси.

Меҳмон бўлдик.

Қўп дилкаш экан
Матросларнинг ҳамма-ҳаммаси.
Ошпаз қизлар кутишди хуррам,
Оқ рўмол-ла пешона танғиб

Оҳ, оҳ...

Қўйсак қаерга қадам,
Ватан ҳиди тутарди анқиб.

Убайдулло шунда ҳам,
лекин

Кўриб чиққач баланду пастни,
Капитандан сўради секин:
— Ермам-пордам керак эмасми?
«Йўқ; йўқ,—

дейди шошиб капитан,—

Бизда ҳатто қозону тандир
Бўйин,
эни,

таг-туғи билан
Механизациялашгандир!»

Сўнгра қайтдик.
Иўлда дўстимдан
Бу ишларнинг сабабин сўрдим.
— Лекин, ако, кулманг, устимдан,—
Деб,
Кафтини очди ҳамюртим:
— Қаранг,
Туллаб кетяпти қўлим,
Милқиллайди —

сузмадай юмшоқ.

Бўлар бизга уят ва ўлим
Бундоқ қўлни кўтариб юрмоқ.
Бетон билан олишсанг ҳалол
Кифтинг ёниб, белинг қирсиллаб,

Кафтинг,
таранг ногора мисол,
Эртаю кеч турар тирсиллаб.
Ундамоқда шунинг-чун юрак
Металл,

бетон билан курашга.
Менга она — тупроғим керак
Кураш чоғи

оёқ тирашга.
Шундоқ деди йўлдошим ўйчан,
Ўзи бўлиб ўзига «дўхтир»,

...Хуллас, дўстлар,
Ишчи халқ билан
Сафар қилмоқ фойдаси кўпдир.

1978.

КОМСОМОЛ ҚАЛБИ

Таажжуб қилмангиз,
Оламга ҳамон
Ҳеч тўймай тикилсам ошиқ кўз билан,
Севгимдан жон топган жаҳонни бу он
Қувончлар сепгани қўзғолсам мамнун,
Қувончга тўлдирсам ёру дўст билан.
Бўлмагай йўлимни боғловчи бир важ
Кўксимда,

борлиқни уйғотмоқ учун,
Комсомол юраги патиллаб тургач.

Вақт учар хаёлдай вазисиз, равон
Ва лекин вазминдир йилларнинг юки.
Ҳеч кимга ҳеч қачон берилмас осон
Ҳамиша навқирон бўлмоқ ҳуқуқи.

Мен бугун кўкларга кўтараман бош,
Учсам,

қўш қанотим тушмагай сиңиб,
Кўксимда,
вақт билан мангу томирдош,
Комсомол юраги турса депсиниб.

Ҳаёт бешигидир кўҳна бу дунё,
Афсуски, бешикдай тебраниши бор.
Хотиржам бўлолмас одамзод асло
Ер узра

этмасдан тинчлик барқарор.
Мен ҳам курашларда қайнарман тинмай
Замон даъват этса,
Ватан буюрса,
Кўксимда,
атомнинг чўғидек сўнмай,
Комсомол юраги бозиллаб турса.

1978.



ДОСТОНЛАР

ҚУЕШГА ОШИҚМАН

I

Айни баҳор эди.

Далалар, боғлар

Яшил дӯҳобага чулғанар эди.

Қуёш майсазорни суйиб ардоқлар,

Шудгорда чумоли уйғонар эди.

Шамолда чайқалса чинорнинг бўрки,

Анҳор симоб янглиғ ёнса кўзимга:

— Мунча беқиёс,— деб, бу баҳор кўрки,—

Савол берар эдим ўзимга.

Адирда сайр этмоқ шундай ҳузурки,

Алвон лолаларни босиб юзимга:

— Мунча ҳам серзавқ,— деб,— бу баҳор

кўрки,—

Савол берар эдим ўзимга.

Табиат бошлаган ҳусн кўриги

Барнолар суҳбатин солса эсимга:

— Нечун ўзгача,— деб,— бу баҳор кўрки,—

Савол берар эдим ўзимга.

Билсам,

Коинотнинг сирли чўлига

Одамзод куёвдай ташлабди одим.

Орзуманд табиат унинг йўлига

Пояндоз қилибди бори бисотин.

II

Айни баҳор эди.
Сўлим, жилвагар...
Кўксим ошён эди жўшқин ҳисларга.
Лекин қойилмасман газалхон дўстлар
Ухшатса кўкламни фақат қизларга.

Кўкламни онага этаман қиёс:
Оламга татувчи саховати бор.
Шафқатли қўлларни қилганда эъвоз,
Юзлар яшнаб кетар,
Ювилар ғубор.

Кўкламни онага этаман қиёс:
Унинг нафаси-ла уйғонар ҳаёт.
Олам гўзаллиги,
Севги,
Эҳтирос
Навбаҳор туфайли мангу барҳаёт

Кўкламни онага этаман қиёс:
Мардлик ва матонат тугилар унда.
Ҳаттоки инсон ҳам айлади парвоз
Беҳилар гул ёзган мусаффо кунда.

III

Бўрондай пишқириб «Восток» кўзғалди.
Кўк сизди кифтида одам қадамин.
Бир футбол тўпидай айланиб қолди
Қуйи-қуйиларда мўътабар замин.

IV

Гоҳ чўкиб,
Гоҳ қалқиб қора осмонда

Нўхатдай юлдузлар мўлтирар ювош.
Кундуз деб ўйласанг,
Ўхшар хуфтонга,
Тун десанг —
бир ёнда ловиллар қуёш.

Хув пастда —
Она-Ер, жўш урган ҳаёт,
Томирдай туташар дарё, денгизлар
Сурар аро йўлда булутлар хаёл,
Гўё қўнмоқ учун текис жой излар.

Қанча йироқ кетсанг азиз диёрдан,
Чиройи дилингга яқиндир шунча.
Ерқинроқ туюлар тоғдаги қорлар,
Кўркамроқ туюлар боғдаги гунча.

Шунда хотирингдан ўтар энг олдин
Илк бор дарсхонага қўйганинг қадам,
Отангдай нуруний, камтар муаллим
Қўлингга авайлаб тутқазган қалам.

Ғалвираб ташлайди тоғларни одам,
Одам селларнинг ҳам йўлини боғлар.
Лекин биринчи бор олганда қалам,
Калдираб қоларкан жажжи бармоқлар.

«Икки карра икки — тўрт»ни уққунча,
Гўдак минг олимнинг заҳматин тортар.
Ортар соат сайин унда тушунча,
Устоз чаккасида оқ тола ортар.

Қайдан олди экан оддий муаллим
Бунчалик муҳаббат,
Бунча бардошни!
Бугун коинотга ташларкан одим,
Унинг ҳурматига эгамиз бошни.

V

Авлодлар оромни ахир тарк этган,
Юлдузлар бўлсин деб бизга қадамгоҳ,—
Беҳисоб тунларни бедор кузатган
Улугбек кўз нури парвозда ҳамроҳ.

VI

Иигирманчи йиллар,
Серташвиш йиллар...
Тун билан тортишар қор сочган зиё.
Ҳовлида изғирин тинмай чийиллар,
Кабинетда эса яхлайди сиёҳ.

Бармоқ-ла тароқлаб шарф попугин,
Қишнинг қўшиғини тинглайди Ильич:
Кўзининг ўнгида элнинг бугуни
Ва юртга эртага қўнажак севинч.

Шўнғиб кетади у гоҳо хаёлга,
Гоҳ бирдан бузади оғир суқутни:
— Кўмир берилдими бева аёлга?
— Етим-есирларнинг оёғи бутми?

Оппоқ пат тўзитиб,
Тополмай йўлин,
Булутлар чўзилар намхуш докадай.
Кўкка назар ташлаб,

сўрайди Ленин:

— Циолковскийнинг соғлиғи қалай?

Ҳали сигир билан ер ҳайдар деҳқон,
Юртдан ювилган йўқ жангларнинг доғи,
Аммо,

Койнотга бизларнинг ўғлон
Энг аввал учишин биларди доҳий.
Қайдан олди экан улуғ муаллим
Бунчалик муҳаббат,
Бунча бардошни?
Бугун койнотга ташларкан одим,
Унинг қаршисида эгамиз бошни.

VII

Осмон нақадар кенг,
Нақадар равшан,
Турма мунча ҳам тор,
Зимистон мунча.
Николай Кибальчич кафтдай дарчадан
Юксакка термилар кўзи тингунча.

Иигирма еттида,—
Юрийга тенгдош.
Ўртада — саксон йил.
Ўзга бир тақдир...
Парвоз айламак-чун ёзганда қулоч,
У турма қаърида этилди таққир.

Уни кўрмаганман,
Қандай ҳам кўрай;
Бирга тасаввурни чархлашмаганмиз,
Бирга адирларда қилмаганмиз сайр,
Бирга ўрмонларда адашмаганмиз.

Аммо,
Табассумли беозор кўзи,
Жавдар ранг қошлари хаёлда доим.
Юлдузга тикилиб айтган ҳар сўзи
Ҳамон қулоғимга оқар мулойим.

Хаёлкаш эди у.
Эҳтимол кўп қиз,
«Бағринг тош экан» деб қилгандир, таъна.
Улар билмайдикн,

кечаю кундуз

Кибальчич қалбида сўнмас пўртана.

Деҳқон дастурхони саҳродай қақраб,
Гўдаклар кўзида оққанда зардоб —
Бепоен ўлканинг шўрига қараб,
Кибальчич дилини ўртарди азоб.

Қўнглида азобу

Лабида ханда,

Ҳуркитмас эди у қушни ҳам.

Бироқ,

Шоҳни ўлдирмоқ-чун бомба қилганда,

Қўли ҳам,

Дили ҳам сезмади титроқ.

Ердаги занжирин парчаламасдан

Инсон уча олмас ахир фалакка!

...Осмон нақадар кенг,

Нақадар равшан.

Турма мунчалар тор...

Кибальчич якка...

Томирлар гурсиллар дамларни ўлчаб,

Сукунат бўғарди борлиқни гўё.

Халоскор узатган арқонга ўхшаб.

Дарчадан қуйилар кумуш ранг зие.

Эшикка урилар ўлим нафаси,

Йўлакда жаллодлар босишар қадам.

Қўлни беихтиёр кўксингга босиб,

Николай, неларни ўйладинг бу дам:

Эҳтимол кўрарсан дил кўзи билан
Бахтин сўроқлаган ишсиз дайдини,
Эки давраларда айтилмай қолган
Қўшиқлар тилингни қитиқлайдими?!

Яна жонландими хотиротингда
Севгилинг кипригин ҳуркитган кулки?
Тасаввур этарсан
Сутдай оқ тунда
Сенсиз яшнайдиган гулзорни балки?!

Йўқ, йўқ
Ўйлар эдинг қора ҳибсда
Соф осмон қадамгоҳ бўлажак дамни,
Сенинг орзуларинг сайр этган издан
Учиб ўтадиган бахтли одамни.

Азоб чигригида қийналмиш танинг,
Қалам ҳам туюлар болгадай вазмин.
Турманинг девори —
дафтаринг сенинг,
Қонинг-ла чизардинг ракета расмин.

Фарзандинг йўқ эди,
Боғинг йўқ эди,
Қанотли ўйларим — меросим, дединг.
Ўзим учолмадим,
Ватан кўкида
Авлодлар парвози —
парвозим
дединг.

Қайдан олди экан бу оддий одам
Бунчалик муҳаббат,
Бунча бардошни!

Бугун коинотга ташларкан одим,
Унинг қаршисида эгамиз бошни.

VIII

Зулмат замонининг инқирозидан
Дарак берган эди «Аврора» залпи.
«Аврора» залпининг акс садосидай,
Ҳайқириб тепмоқда «Восток»нинг қалби.

Ҳали масофалар эски ўлчовда,
Ҳали йилномалар ўзгарганча йўқ.
Ҳисоб-китобидан бўлмай безовта,
Ҳали мунажжимлар юрар кўнгли тўқ.

Қаламни чархлангиз, ҳисобдон дўстлар,
Очинг вақт дафтарин янги бетини.
Соқоли оқарган рақамлар, сўзлар
Янги рисолага сиғар эдими?!

Улуғ оталарга бош эгган онда,
Қуёшга етгани азиз бошимиз:
Ун етти сабоҳни кўрмиш бир кунда,
Замондошимиз, ҳа, замондошимиз.

Инсон асрларни асрга улаб,
Шу кун орзуси-ла ахир яшарди.
Фарзанди ўтганда юлдуз оралаб,
Гўёки кенг олам бирдан ёшарди.

IX

Лабимдан аримас ёшликнинг тоти,
Тўйларни, меҳмонни севардик жондан,
Дастурхон тузалса, қанду новвотни

Меҳмонлар бир ёндан,
Бизлар бир ёндан...

Ҳаёт зинасига ташладик қадам,
Сирин очаверди бизларга дунё.
Кейинча билсакки,
Шакар ҳам, қанд ҳам
Бир олис оролда бўларкан бунёд.

У ажиб оролдир,
Юксакдан боқсанг,
Туюлар мисоли олов ранг нуқта.
Гўёки ундаги гиёҳу харсанг
Юрак қони билан бўлмиш омухта.

Элга бисотини очган онадай,
Кўпчиб лорсиллайди серҳосил тупроқ.
Ногоҳ қолиб кетса ҳассанг далада,
Дарров дарахт бўлиб ёзади япроқ.

Ёдимга солади жўхоризорни
Ел билан ўйнашган шакарқамишлар.
Шу ерда деҳқонлар кутар баҳорни,
Деҳқонлар шу ерда ҳаттоки қишлар.

Қиш дедим, аммо қиш атаб бўларми,
Изғирин эсмаса, қўнмаса қиров.
Қиш деб бўлармиди,
Порлаган қорни
Ҳатто тушида ҳам кўрмаса биров.

Оролнинг баҳори уланар ёзга,
Саратон кетидан келади кўклам.
Қачон қайга боқсанг, ташланар кўзга
Ям-яшил,
Ям-яшил,
Ям-яшил гилам.

Қуёш ер бағирлаб ўтади қалқиб,
Нур лов-лов қуйилар йўлларингизга.
Тўрт фасл офтоб еб оролнинг халқи,
Шоколад ранги ҳам қўнмишдир юзга.

Ерилган товонлар хаёлга келар,
Езайин десам мен қандга қасида.
Унинг миришқори беадад йиллар
Етимча эди-да, ўз ўлкасида.

Сочи оқарса ҳам пойафзал кўрмай,
Она-Ер бағрини йиғлаб кезган у.
Тошларнинг қирраси, ўтмас ханжардай,
Яланг оёғини кесган-ку.

Юртма-юрт тентираб яратдию бoғ,
Ҳордиқ ёзолмади ўзи момикда.
Балки, оролдаги харсангу гиёҳ
Товонлар қони-ла бўлмиш омухта...

Золимлар қувилди шакарзор боғдан,
Бугун деҳқонларнинг қомати тикка.
Товон-ла ўпишган нам хуш тупроқдан
Куч-қувват оқади энди иликка.

Биров тўн ёпади биров қуноушса,
Инилар сингилга тутади елка.
Жилмаяр ҳар киши
Назари тушса
Қоп-қора соқолли, дилкаш Фиделга.

Ҳаётни ҳаёт деб атаб бўлурми,
Бир нафас сўнаркан оламда ханда.
Эл гўё эмади ишонч ва нурни,
Фиделнинг юзига севиб боққанда.

Юксаждан қарасанг,
Эслатар Куба
Уммон лабидаги олов ранг холни.
Фазокор,
Қўриб қўй, зим-зиё тунда,
Кўнгил кўзи билан
Ўша оролни:

Чайқалиб сирлашар қамиш ўзаро,
Қиём югуради ҳар бир томирдан.
Қоп-қора самолёт далалар узра
Қўнгиздай ғунғиллаб қолади бирдан.

Уқлар чавоқлайди тун сукутини,
Самолёт ўғридай пусиб қочади.
Шакарпояларнинг аччиқ тутуни
Буралиб-буралиб кўкка учади.

Эл учун тузалган дастурхонларнинг
Қўр ва ободлигини ёндирган кимдир?
Лаблари ширали болажонларнинг.
Шакару шодлигини ёндирган кимдир?

Соқолдор йигитлар кўтариб қомат,
Бўғзидан тутади ўғри бойқушни:
Деҳқоннинг терини топтаган номард —
Капитализм деган бой қўшни!

Қўни-қўшнинг бўлса,
Кўришса баҳам.
Ғаму қувончингни, ошу тузингни,
Бир соат сафарда бўлганида ҳам,
Соғиниб қайтса у кулган юзингни.

Қўни-қўшнинг бўлса,
Сенинг меҳмонинг

Унинг уйида ҳам яйраб ўлтирса.
Шунда уни кўриб қайишар жонинг.
Уйқудан киприги ногоҳ ҳўл турса.

Билдирмай ташласа кўзингга хасни,
Билдириб бошингга отар бўлса тош —
Тандаги оғриқдан ёмонроқмасми
Бунақа қўшни-ю, бундай қариндош?!

Ранжисмай бўлурми қўшнидан ахир,
Илондай кирсаю иссиқ қўйнингга,
Маржоннинг ўрнига боғласа занжир
Иқбол эркалаган оппоқ бўйнингга.

Бошин тикмас энди бўйинтуруққа
Хуррият болини тўйиб тотганлар,
Алвон ранг байроқдай порлоқ уфққа
Бир олам умид-ла севиб боққанлар.

Азамат фазокор!
Дунё айланиб
Парвоз қилар экан соғу саломат,
Қанди тилимизни ширин айлаган
Кубалик дўстимга мендан салом айт!

X

Тошкент оқшомлари нақадар сўлим,
Порлар чироқларнинг заррин маржони.
Нурда тўп садалар ювар кокилин,
Чўмар фароғатга одамлар жони.

Бировни иш кутар,
Бировни висол,
Бировлар шошади санъатга ташна,

Чинорнинг остида бир нафас дам ол,
Зеҳн сол атрофга, йўловчи ошна!

Кўриб қўй шаҳарнинг янги юзини,
Муҳташам бинолар чиройига боқ.
Атрофга таратиб гуллар исини,
Ажриқзор ўрнида гуркирайди боғ.

Пастқамлик эди-ку, бу йўлнинг ўрни:
Бугун «ЗИЛ» қатнайди мисоли моки.
Чамалаб кўрдингми ўтган умрни,
Не учун тутатдинг, дўстим, тамаки?

Ҳар яшил япроқнинг хосияти бор,
Тингла,
Тилга кирар ҳаттоки гиштлар.
Сенга, шоир бўлсанг, берсанг эътибор,
Гугурт қутиси ҳам илҳом бағишлар:

Тарих сатрларин эринмай кавлаб,
Хаёлда жонлантир совуқ тунларни;
Тишу тирноқ билан филларни овлаб,
Киши хом гўшт еган қора кунларни.

Давра ўртасида гулхан ловиллаб,
Инсоннинг қозонин қайнатсин, дея,
Кўкдан Прометей олов ўғирлаб,
Элга жонин қўшиб этганди ҳадя.

Кўҳна бир афсона дейдилар буни,
Балки афсонадир... Менга эса рост!
Ахир, Прометей ёритмиш тунни.
Бу хислат одамга,
Одамзодга хос.

Юлдузлар имлаган ўша бўшлиқда
Менинг ватандошим сайр этар бу чоғ,

Аmmo қуёш тўккан тутантириққа
Зору интизормас бизларнинг ўчоқ.

Ингит қарздор бўлса, татимас экан
Чаманда ҳар қанча яйраб-кулгани.
У парвоз айлади,
Прометейдан
Инсоннинг қарзини узиб келгани.

XI

Фазокор
Юртимнинг жонбахш ёғдусин
Жумлаи жаҳонга сочиб боради.
Она тупроғидан узмасдан кўзин,
Кўкда илк сўқмоқлар очиб боради.

XII

Африка ётади ҳаңсираб пастда,
Саратон иссиғи ўтиб жонидан.
«Восток»ка бурдию юзини аста,
Энтикди ҳайрат ва ҳаяжонидан.

Ҳа, инсон учмоқда,
Учмоқда ростдан,
Осмон пештоқида ярақлар номи.
Йўқотиб қўйгандай бўлди бехосдан
Асрий салобатин Миср эҳроми.

Диний ақидалар самовий йўлда
Чувалган салладай қоларди тўзиб.
Беҳишт деганлари ахир чин бўлса,
Юрий қайтмасмиди олма, ноқ узиб...

Ҳа, инсон учмоқда бизнинг «Восток»да,
Коинот тинглайди унинг қадамин.
Қўл чўзсанг етгудай туюлар кўкка,
Гўёки жо бўлар кўксингга замин.

Фурур-ла қад ростлаб қитъа шу онда,
Талпинди фазокор бўсағасига.
Эллик миллион ҳабаш
Қўли кишанда,
Офарин ўқиди рус оғасига.

Африка жўшади,
Жўшади сахро.
Барханлар бўронда қайнабди, дема:
Уйқуни тарк этган Африка гўё —
Эрк излаб сафарга отланган кема.

Бу ердан ўтганда ногоҳ адашиб,
Қушларнинг жигари бўлади кабоб.
Нотаниш кўзларни қиздай алдашиб,
Гоҳ ёнар, гоҳ сўнар олисда сароб.

Қумнинг нафасидан ҳовлиқар юрак,
Қум ҳамла қилади боғу баҳорга.
Биқини куйгандай,
Нили — муборак
Тўлғаниб қочади чакалакзорга.

Аммо улуғ қитъа қарғишу қаҳрин
Эрки топтаганга чоғлабди ўқдай.
Африка жўшади.
Келгиндиларнинг
Товонин чақади тупроғи чўғдай.

Африка жўшади.
Энди яйрамаё

Хурмо соясида золимнинг жони.
Африка жўшади.
Раҳмдил ҳабаш
Тош отиб кузатар хира «меҳмон»ни.

Ердаги жаннатдай ўлкада токай
Ўйинчоқ кўрмасдан ўтар болалик?
Киши ўз уйида яйраб юролмай,
Токай зўравондан олади ҳадик!

Токай умидларинг гунча ёзмасдан,
Чўлнинг чечагидай топади барҳам.
Чўчима, раққоса!
Там-там сасидан
Энди янграб кетсин саванналар ҳам.

Ким айтар, офтобни эмган чехрага
Жилваю табассум ярашмайди, деб?
Яшил воҳалардан ҳайдаб саҳрога,
Ким яна қақшатар уни «дайди» деб?

Наҳотки одамзод зўр идрок билан
Кўкда сайр этмоққа топганда чора,
Бировниң паст дейлар,
Бировни баланд,
Бировни оқ дейлар,
Бировни қора.

Кишан парчаларин хасдай супуриб,
Мағрур ҳайқиради филқомат қитъа:
— Қани, ким қонимни сувдай шимириб,
Оппоқ суягимни отмоқчи итга?

...Булут қочаётир унинг кўкидан,
Юзини қуёшга буриб турибди.

Метин қовурғалар туртган кўксиди
Лумумба юраги уриб турибди.

Фазокор!
Оламни айланар экан,
Шу диёр садосин туйиб тинглаб ол.
Юксакдан қарасанг дил кўзи билан,
Лумумба қабрини кўрасан яққол!

Уқ саси тинмади бу юртда ҳамон,
Аммо у мозорда унгандир майса.
Кошки Ватан учун жон берган ўғлон
Шу онда уйғониб,
сенга жилмайса.

Йўлдош қанотидан қўзғалган шамол
Кошки ярасинга бахш этса роҳат.
Юртим елларидаң топади даво
Ахир ҳар аламу
Ҳар бир жароҳат.

Мен уни ҳали ҳам унутганим йўқ,
Чақмоқдай нигоҳи хаёлда ҳамон.
Дўстлар даврасида эди дилкаш, шўх,
Ҳар сўзи душманни қўймасди омон.

Севиб силаганда ўғлининг бошин,
Тишлари садафдек ярқирар эди.
Ҳорганга куч берса,
Тўйдирса очни,
Чўян ранг юзлари барқ урар эди.

Бўйинини қўл эмас, қучгания арқон
Дилим ҳам, элим ҳам унутгани йўқ.
Ёрилган лабидан силқир эди қон,
Бир гала газанда урар эди дўқ...

Табаррук қабрини қотил этиги,
Инсон топмасин, деб пайҳон айлабди.
Асрлар жабрини,
Қоннинг изини
Яшириш мумкин деб бекор ўйлабди.

Африка жўшади,
Жўшади саҳро.
Барханлар бўронда қайнабди, дема,
Уйқуни тарк этган Африка гўё —
Эрк излаб сафарга отланган кема.

Лумумба юраги уриб турибди
Метин қовурғали қитъа кўксида.
Юзини қуёшга буриб турибди,
Фазокор учмоқда унинг кўкида.

ХІІІ

Коинот ардоқлар инсон зотини,
Йўлига кўз тутар ерда хотини.
Айрилиқ аччиғин тотганда одам,
Яхшироқ туяди висол тотини.

Майли, коинотга бориб кел, дейди,
Бориб кел, ҳориб кел, ғолиб кел, дейди.
Қуёшдай балқиб қайт кун чиқар ёқдан,
Бир шода юлдуз ҳам олиб кел, дейди.

Ариқлар лабида ниш урган кўкат
Тортмайди жувоннинг ихтиёрини.
Узи ҳам сезмасдан куйлайди фақат,
Фазодан кутади суйган ёрини.

Далалар ётибди тўкиб салобат,
Бугдой сепувчининг йўлига муштоқ.

Баҳор чиройига мафтунман.
Фақат,
Бу аёл туюлар менга гўзалроқ.

Юзида товланар вафо ва тоқат,
Мовий кўзларида ловиллар оташ.
Ҳаяжон туғсин яширар фақат
Она юрагига солмайин, деб, ғаш.

XIV

Меҳрибон онажон, азиз онажон,
Болалик кўйлагин тарк этди елкам.
Ҳамон кўксингизни қиласиз қалқон,
«Озор бермасин, деб, ўғлимга ел ҳам».

Олисроқ шаҳарга кетсам илм излаб,
Кузатган эдингиз кўзга ёш олиб.
Ҳар оқшом чўкканда соғинч-ла эслаб,
Мени кутардингиз иссиқ ош олиб.

Ханжардай пармалаб булут-рўжани,
Кўк сари учганда фазокор ўғлон,
Эҳтимол уммондан зўрроқ жўшгандир
Она қалбидаги ҳаяжон, тугён.

Баҳодир бўлса ҳам фарзанди элда,
Елғиз юбормоққа кўнарми юрак?
Шошиб қолганингда бермоқ-чун далда,
Ахир она керак,
Онажон керак!

Муздай тун қўйнида ҳолдан тойганда,
Қўллар излар экан бўшлиқда тирак,
Фарзанд сочин силаб бермоқ-чун далда,

Ахир она керак,
Онажон керак!

Она билмайдик,
Фазода бу дам
Қалби ўғли билан бирга учади.
Ҳатто рус элини кўрмаган одам
Уни ғойибона суйиб қучади.

Қоп-қора бўшлиқда чўғдай милтиллаб,
Оҳиста сузади ёлғиз фазокор.
Ним яшил Ер узра қутлуғ йўл тилаб,
Унга қўл силкирди волидаи зор.

Офтобда оқарган серкатак дурра
Сирганиб тушибди елкага бошдан,—
Совга қилмабмиди фарзанди унга
Илк бора қўлига теккан маошдан?!

Она кипригида кўз ёш излари,
Пирпирар мижжада ипакдай ажин.
Қим ҳам айта олур:
Буларнинг бари
Ҳаяжонданмикин, кулгуданмикин?

Эҳтимол, шу онда фазокорини
Ёнида кўрмоқни қилади орзу.
Ахир очмоқ учун осмон сирини,
Бошқа оналарнинг ўғли ҳам бор-ку!

Муздай ертўладан қаймоқ келтириб,
Қайноқ сомсаларни узса тандирдан;
Дастурхон ёнида икков ўтириб,
Сухбатни бошлашса ўрдану қирдан...
Йўқ, йўқ!
Бу хасллар сўнар учқундек,

Юзлари ёнади мисоли лола:
Фазокор бўлсин деб,
Баланд учсин деб,
Муҳтарам оналар ўстирар бола.

Каптардай «гу-гу»лаб кулганда фарзанд,
Рангдор ўйинчоқни таниб олганда,
Оппоқ қўлларига тутқазсангиз қанд,
Тугмадай оғзини излаб қолганда,

Волида юзида ифтихор балқир,
Кувонч ўз тўғонин бузиб кетади,
Она бу кунлардан ҳатлаб бесабр,
Орзу қучоғида сузиб кетади:
«Олим бўлсин,— дейди,—
Чарчаса ногоҳ,

Уйқумни тарк этиб чой дамлаб берай.
Ўғлим эккан бѳ
— Боғбон бўлсин.— дейди,—
Бағрида бахтиёр салқинлаб юрай.

— Куйчи бўлсин,— дейди,—
Янграса сози,
Дарёлар лол қолсин, гуллар яшнасин.
Лочин бўлсин,— дейди,—
Қанотин ёзиб,
Тотсин юксакларнинг завқу нашъасин.

Майли,
Минг ҳижронга оналар рози,
Фақат баланд бўлсин фарзанд парвози.

Ешлиги қайтгандай кўтарар у қад,
Кекса кўзларида уйғонар оташ.
Ҳаяжон туғёнин яширар фақат,
Келин юрагига солмайин, деб гаш.

Бўлинг хавотирдан, онажон, йироқ,
Уғлингиз яшиндай кўчиб бормоқда.
Кўк лаби ложувард, кўзгудай порлоқ
Океан устида учиб бормоқда.

XV

...Океан,
Океан,
Улуғ океан,
Чехраси офтобдай илиқ океан.
Кўрпангга сизмасдан тўлғанасан гоҳ,
Гоҳ тойдай узасан сўлиқ, океан.

Қай шоир эмасдир, мавжингга мафтун,
Бағрингда минг қуёш кўлкиллаган он!
Сенинг мадҳинг қилиб, беором Нептун
Қай шоир уйига бўлмабди меҳмон!

Тунлари тубингга тўкилган юлдуз
Марварид бўлади, дейди кишилар,
Балки атрофингда кечаю кундуз
Тўлин ой шунинг-чун ипдай эшилар.

Хазинанг сочмасанг кафтинг тўлдириб,
Балиқчи ўчоғи совиб қолади.
Сирли оролларга бир дам ўтириб,
Сендан булутлар ҳам қувват олади.

Сўнг сочиб ўтади жавоҳирингни
Далаю боғларга, тоғу яйловга.
Шунчалар кутарми ҳеч ким шеъримни:
«— Қачон келтирар, — деб, — шоирим
совға?»

Яшия соҳилдаги тошу майсани
Мунча ҳам меҳр ила ўпасан тинмай?

Инсоннинг қалбига ўхшатдим сени,
Жўшасан кўзингга уйқу илинмай.

...Океан,
Океан,
Улуғ океан,
Тасодиф, хатарга тўлиқ океан.
Бир сапчиб ушлайсан булут этагин,
Тап тортмай чақмоқнинг захри дўқидан.

Довуллар бош урса кўксингга баъзан,
Ҳар наъра тортишинг осмонга етар.
Қоядай тўлқинлар бир-бири билан
Ширакайф сингари муштлашиб кетар.

Гоҳ оёқ тирашар сенинг қаърингга,
Гоҳо бўй чўзишар азамат тоғдек.
Азамат кемалар қайноқ бағрингда
Довдираб қолади пистапўчоқдек.

Уфқингга кўз тикиб, йироқ соҳилда
Хотинлар кутади балиқчиларни.
Она ва келинлар бераркан далда,
Йигитлар қаршингда таъзим қиларми?

Фазо ҳам инсонга бўй эгган дамда,
Ҳеч ким океанга қиларми таъзим...
Фазокор дўстимдан сўрдим:
— Баланддан
Қандоқ кўринаркан уммони азим?

Дарғазаб океан боши остида
Наҳотки қитъалар ётар болишдай,
Наҳотки тўлқинлар элларни элдан
Ажратиб ташлай деб тун-кун олишгай!

Фазокор бир нафас ўйланиб қолар,
Заминни салмоқлаш эмас-да осон,
Сўнг дер:

— Беш оғайни бўлса қитъалар,
Океан — ўртада ипак дастурхон.

...Океан,
Океан,
Улкан океан,
Бешикда тебраниб кулган океан.
Бориш-келиш қилса оламнинг аҳли,
Ўртада кенг кўприк бўлган океан.

XVI

Океанда чайқаб бир яноғини,
Осиё элига бир юзин тутиб,
Ҳали ҳам юволмай уруш доғини,
Ётар Япония узала тушиб.

Қошки бир меҳрибон келиб тузатса,
Ун беш йил муқаддам чиққан ярани.
Ун кунни эсласа, тасаввур этса,
Сесканиб кетади киши бадани;

Чоллар ҳассасига нягин тираб,
Мудраб ўтирарди соя-салқинда,
Рикшалар ўтарди йўлда пилдираб,
Иссиқдан тиқилиб жони ҳалқумга.

Бўй етган барнолар чиқиб шийпонга,
Атрофга сузарди қийғоч кўзини.
Бевалар шошарди раста, дўхонга,
Сира битиролмай камии кўстини.

Олисдан келарди замбарак саси,
Лекин парво қилмас ўрганган қулоқ!
Гўёки урушнинг бундай шарпаси —
Ёзда ҳансираган момақалди роқ.

Бирдан

қалқиб кетди

офтоб осмонда,

Оёқнинг остида чайқалди ер ҳам.
Ажал ёпирилиб юртга бир онда,
Кўк юзин қоплади қоп-қора елкан.

Пастак остонада хаёл сурганлар,
Туриб эшигини очолмай қолди.
Анҳорлар бўйида суҳбат қурганлар
Бошпана ичига қочолмай қолди.

Даҳшат-ла портлади атом бомбаси,
Нафаси айлади тошларни ҳам кул.
...Унутмас у кунни япон ўлкаси,
Ҳамон у тупроқда унмас экан гул.

Баҳорлар кетидан уланар баҳор,
Шаҳарлар қурилар, қазилар ариқ.
Орзуга еримиз келган каби тор,
Фазокор осмонда очмоқда қўриқ.

Уни елкасида кўтарди кўкка,
Икки юз миллионли заршунос элим:
Бири пўлат берди,
Бириси — пахта,
Бири таом берди,
Бириси — илм.

Одамзод қуёшнинг эзгу ошиғи,
Унинг висолига интилар ҳар он.

Дейлар:

«Ер — инсоннинг она-бешиги»,
Бешикда яшарми бир умр инсон?

Гулдан гулга кўчиб ахир болари,
Чаман лаззатини тотар тўйгунча.
Энди коинотнинг сайёралари
Кутсин йўлимизни мисоли гунча.

Шунда хаёлимдан бир-бир ўтади,
Бомба яратганлар,
Қилич қуйганлар.
Наҳотки разиллар, кўр табиб каби,
Дардни даволаш-чун маргимуш танлар?

Наҳотки йўргакдан илк бор чиққанда,
Олам чиройидан бўлмаган у лол?
Наҳот қулогига уқилмас ханда,
Тақадек туюлар кўзига ҳилол?

Улуғ умид билан ҳовли четига
Наҳотки экмаган биронта дарахт?
Бомба ясармиди,
Инсон зотига
Заҳру адоватдан бўлмаса карахт?

Йиллар ўтаверар,
Боғлар улғайиб,
Ер бетин қоплайди мисоли бахмал.
Қиличдан ясалар нозик гулқайчи,
Гўзаллик олдида тиз чўқар ажал.

Хиросима узра қўл чўзган ўлим,
Гўрида тўлганар бечора Колумб,¹

¹ Христофор Колумб — Америка қитъасини кашф этган сайёҳ.

Минг бор афсус еб кашфиётидан.
Аммо ўчармикин киши ёдидан?
Мен эса мағрурман.
Бўлмаса шеърим,
Битмасди «Восток»нинг балки бир винти...
Пешвоз чиқаётир йўлингга элим:
— Юртингга хуш келдинг, фазокор, энди!

XVII

Куйлашга тилимни пешлагунимча,
Чақмоқдай ялт этиб ўтиб кетибсан.
Ҳайратдан ёқамни ушлагунимча,
Сибирь осмонига учиб кетибсан.

Едингга тушдими, фазокор, бу дам
Синфинг тўридаги қизил харита.
Дўстларинг сафида бўлардинг сен ҳам,
«Топишмоқ-саёҳат» қилганларида.

Амурни топардинг кўзингни юмиб,
Хаёлда кўрардинг қирғоқларини.
Неча бор кезгандинг пиёда «юриб»,
Нимёруғ партизан сўқмоқларини.

Бармоғинг остида «шарқирар» эди
Бевош Ангаранинг шаршараклари.
Юксакда шам каби ярқирар эди
Оқсоқол Уралнинг оқ тераклари.

Сойлари, йўллари тийрак кўзингга
Она юзидаги ажиндай таниш.

Бир умр боқсанг ҳам баланддан унга,
Кўрку чиройига мумкинмас қониш.

Бугун табриклайди сени шовиллаб,
Минг йиллик қарагай яшил либосда.
Сени қутлаш учун чечаклар гуллаб,
Тешиб қор кўрпани, чайқалар аста.

Кун сайин улғайиб янги шаҳарлар,
Мўриси бузади тайга томини.
Ҳаттоки ёдлашга улгурмай қолар
Қурувчи уларнинг гўзал номини.

Тошлоқлар ўрнида туғилган кўллар
Нур билан ўйнашар мисоли кўзгу...
Оҳ чекиб хотирга Жамила келар:
«Сибирь... О, нақадар даҳшатли сўз бу!»

Хаёлга келади сўнгсиз йўлларни
Еш билан суғориб ўтган инсонлар.
Хаёлга келади заргар қўлларни
Занжирбанд айлаган мудҳиш замонлар.

Келинлар айрилиқ, гурбат ва хўрлик
Озорин ўйларди Сибирь деганда,
Йигитлар муҳаббат, ҳурмат ва ҳурлик
Мозорин ўйларди Сибирь деганда.

Сибирь о, нақадар улуғвор сўз бу —
Бугун элга очдинг олтин қутани.
Аёзда аргумоқ нафаси каби,
Учар заводларнинг оплоқ тутуни.

Кўринмас Сибирнинг ёқа-этаги,
Одами ҳам улкан, қадами улкан.
Азамат «Восток»нинг жўшқин юраги
Балки шу ўлкада қазиб қўйилган.

Уни тарашлаган камтарин уста
Изингга термулар, юзда ҳаяжон.
Сен билан, фазокор, бугун парвозда
У ҳам топширади ахир имтиҳон.

Лекин тўхтолмадинг юксакда бир пас,
Тўхтаб беролмадинг дилига далда.
Эҳтимол ўзга сас қулоққа кирмас,
Ватанни соғиниб шошган маҳалда.

Теп-текис далалар бағр очиб пастда,
Нам эмиб энтикар, кутар деҳқонни.
Қайинлар ёзади баргини аста
Безаниб қутлаш-чун азиз меҳмонни.

Симёғочга қўниб, қўрқмай ёмғирдан,
Биринчи қалдирғоч бошлабди куйин.
Қўзилар яйрайди ям-яшил қирда,
Кўк майса қоплайди ариқлар бўйин.

Ер саси қўл чўзди бирдан фазокор,
Онанинг кўксига бўлгандай ташна.
Ўғлига отилди меҳрибон диёр,
Меҳр жилоланиб мисоли чашма.

Она фарзандига ёзганда қучоқ,
Уфқлар тор келиб, чекинар тинмай.
Она хижолатни унутиб бу чоғ,
Қувонч ёшларини тўкар тортинмай.

Ранго-ранг товланиб гўёки ипак,
Азиз фазокорни ардоқлар Ерим.
Заводидан қайтган оддий ишчидек,
Шошмай пешонадан артди у терин.

Тўйиб нафас олди,
Боқди жилмайиб,

Болалиги кезган беғубор йўлга.
Уни олқишларди,
Ўғли улғайиб —
Қуёшга қудағай бўлган ўлка.

ХОТИМА

Достоним тугади.
Бу содда совға
Қўнғил булоғидан бир томчи, холос.
Юрий Гагаринга,
Герман Титовга
Минг жўшқин қўшиғим бахш этсам ҳам оз.

Эртак сўзлаб бер деб, олис ёшликда
Бувилар жағини тиндирармидик?!
Сеҳрли, қаҳрли тоғлар бошига
Учар гиламларни қўндирар эдик.

Қўшқанот самолёт ўтса тариллаб,
Соясин тутгани чопқиллашардик.
Гоҳ изза бўлишиб,
Гоҳо кариллаб,
Осмон ишқи билан ёниб яшардик.

Болалик — вафодор, ҳормас чавандоз,
Ҳали ҳам тушмайди хаёл отидан,
Бугунги парвоз-чи?..
Бугунги парвоз
Сўзлайди одамзод камолатидан.

Достоним тугади.
Бирор муҳаррир:
— Шеърингиз кечикди, — демасми энди?
Достон бўй бермаса не қилай ахир,
Ҳар сатри неча тун қийнатиб унди.

— Кечикди, — десалар ишониш мушкул,
Қўшигим мавж уриб ҳар ён шошилар.
У парвоз шуҳратин босмагай ҳеч кул,
Учмас эл ёдидан карвонбошилар.

Йиллар ўтаверар.

Бу кунги гўдак

Қасб этар, улғайиб, фазокорликни.

Қуёшни забт этар,

кўтариб юксак —

«Коммунизм кишиси» деган ёрлиқни.

Аммо қувонч жўшиб, жўшиб ҳаяжон,

Биринчи парвозни эслагай ҳар дам —

Муаллим, мунажжим, ишчию деҳқон,

Ғазалхон,

Ҳаттоки танқидчилар ҳам.

Достоним тугади.

Бу содда совға,

Қўнғил булоғидан бир томчи, холос...

1961.

Уйғониб кетгандай енгил энтикди,
Кема уфқ узра бўлганда ғойиб.
Дилдан беихтиёр шу уч сўз чиқди:
— Ажойиб,
ажойиб,
ажойиб...

«Ажойиб» дегани ҳайратдан эмас,
Қарз олмас ақлни,
Илми ҳам улкан.
Аслини айтганда, фазовий кема
Унинг қўлларида дунёга келган.

Бойлик орттирмади шунча йил яшаб,
Силлиқ жиҳозларга қўймади ихлос.
Минг туп гул экмади боғбонга ўхшаб,
Бир оддий космолёт яратди холос.

Нотинч ҳам эмасди парвоздан кўнгли,
Нур — кема тақдири ишончли қўлда:

Фазокор азамат —
унинг ўз ўгли,
Ҳа, унинг ўз ўгли ўлтирар рулда.

Уни чулғаб олган бу антиқа ҳис
На хавотир эди
ва на ҳаяжон...

Олим чўл нўксида ўй суриб ёлғиз,
Аста тонг отганин сезмасди ҳамон.

Сўнг недир хаёлин сочиб юборди,
«Огоҳ бўл» дер эди гўё тўрт тараф:
Салгина нарида Ленин турарди,
Бир унга қараб.

И л ь ч

Ҳалал бермадимми?

О л и м

Ильич?? Ассалом!
Элитиб қопти сал хаёлот қурғур.

И л ь ч

Аттанг, бузилдими наҳорги илҳом?
Индамай ўтайин дедим-а бир қур.

Юрагим қўймади,
қўймади сира:
Парвозлар муборак!
Хурсандман чандон!
Номингиз, афсуски, ҳозирча сир-да,
Сизни кўриб қўйса бўларди жаҳон.

О л и м

Ўғлим ҳам ўзимга ўхшайди бир оз...

И л ь ч

Қора қошгина денг!

О л и м

Жиндак қора қош...
Сурати босилар,
этишар таққос,
Гўзал йигит бўлган,
Битта айби — ёш.

Уруш йилларида гўдак эди у,
Даҳшат нималигин ҳали туймаган.
Кимни ҳурмат қилса ҳурмат кўрди-ю,
Нобоп дўст туфайли тили куймаган.

И л ь и ч

Хўш-хўш, нима бўпти!
Нима бўпти, хўш?
Бизнинг кўрганимиз етмаганмиди?
Ақл берарканми бўҳтон ва уруш,
Ё дидни чархларми ўқ ва қон ҳиди!

О л и м

Гапим ғализ бўлди чамамда, Ильич,
Тилим сал тойилиб кетибди бехос.
Ўғлим гўдак эмас,
гўдак эмас ҳеч,
Таржиман ҳоли қисқароқ, холос.

И л ь и ч

Наҳот сезмасангиз
бу бир сўз билан
Ўзингизга зўр «кишт» берганингизни?
Юз йиллар йўл босган кекса дарёдан
Нега ажратасиз ахир денгизни!

Ёдингизда борми?
Янглишдим, чоғи...
Чақалоқ экансиз ўзингиз у вақт.
Вулқондай қайнарди ҳаёт ўчоғи,
Рўзномада эди

«Ё ўлим: ё бахт!»

Чин дўст билинаркан синов онида,
Кўп эди менинг ҳам дўсту улфатим.

Узим етолмасам улар ёнига,
Етиб борар эди албатта хатим.

Россия кенг эди ўша маҳал ҳам,
Қучоқлайин десанг етмасди қўлинг.
Дилда дарди кўпу

 йўқ эди малҳам,—
Партия йўқ эди —
 тасаввур қилинг!

Ш о и р

Аввал «фирқа» сўзи оғизга тушиб,
Кейин маҳалламиз бўлган чироғлик.
Солдатнинг зафар-ла жангдан қайтиши,
Тинчлик ҳам партия номи-ла боғлиқ.

Боссам биринчи синф остонасини,
Коммунист муаллим олганди кутиб.
Илк бор дастгоҳ сари бошламиш мени
Коммунист чилангар қўлимдан тутиб.

Йўқдир бу сўзимда заррача хато,
Элнинг қозонида пишган боламан:
Уйга келганда ҳам,
 тўйда ҳам ҳатто,
Коммунистлар билан нафас оламан.

Менга азалийдир партия номи,
Ҳаводай,
 дарёдай,
 офтоб нуридай.

«Партия йўқ эди»...
 Усиз дунёни,
Айтинг, қандоқ қилиб тасаввур этай!

Сўзимга қўшилмас эҳтимол олим,
Олимлар фаразчи бўлади анча.
Йўқ, йўқ, у одам ҳам демасди лом-мим,
Лол боқар тиззага қўлин босганча.

И л ь и ч

Қачонки кўришсак ўртоқлар билан,
Мавзу битта эди:

«Кураш ва... кураш!»

Чиқиб қолар эди ҳаттоки ёддан
Гоҳо учрашганда соғлиқни сўраш.

Дарвоқе, ёшликда,—

у пайт ёш эдик,—

Соғлиқнинг қадрига ким ҳам етарди.
Юрак-юракларни, намакоб ёшдек,
Ендирарди фақат халқимнинг дарди.

Ахир, соф уфқлар токай занжирбанд,
Токай инсон яшар ҳуркак қуш бўлиб?
Партия туғилди

севги учун — қалб,

Жанг учун туғилган чўян мушт бўлиб.

Партия туғилди,

Афродитадай —

Оламга келмас у кўпикдан, сувдан.

Партия туғилди оддий кулбада

Ишонч ва ташналик

қаҳру орзудан...

Сиз дард чекмасангиз,
Одамзод яна
Неча йил яшарди бахтдан беҳабар!
Бу дарддан холидир сотқинларгина,
Ахир, қўшин деган бўлмас беҳатар.

И л ь и ч

Тўғри гап.
Беҳатар бўлмайди қўшин,
Баъзан дўст деганинг чиқар муттаҳам.
Лек унинг тириклай чириб кетишин
Қўриб туриш ўзи оғир жуда ҳам.

«Ҳасрат бошланди» деб ўйламанг ҳаргиз,
Кураш —

кураш эди,

эмасди кўрик.

Фақат битта изоҳ:

Сизнинг ўғлингиз

Мен тортган азобга шерикдир, шерик!

О л и м

Шундоқ фарзанд билан этажакман фахр,
Яхши одамларга эш бўлмоқ — яхши.
Аммо эш бўлиш-ла иш битса, ахир,
Айтинг, қайда қолар ўғлимнинг шахси!

И л ь и ч

Ўғлингиз туғилиб, кўзин очган он
Қийқирмаганми ҳеч нурдан энтикиб?

Бўлмаганми ранглар мавжига ҳайрон,
Ез чоғи олманинг бутоғин эгиб?

Илк бора чиққанда олис сафарга,
Туймаган дейсизми она қадрини?
Қалби қолмаганми саҳифаларда,
Илк бор ҳис қилганда Пушкин сатрини?

Балки бир юпуннинг устин ёпгандир...
Балки бахш этгандир кимгадир ханда...
Эҳтимол юраги гурс-гурс теигандир,
Кимдандир висолга ваъда олганда?!

О л и м

Ҳа, Ильич.
Юракни юрак дейилмас,
Ларзага келмаса севгидан, бахтдан.
Биз севсак —
 шаробсиз бўлар эдик маст,
Мева ҳам узоққа тушмас дарахтдан.

Кечикиб келганда бир куни ўғлим,
Эшикни очгандим ўзим саҳарда.
Ўзими, ўзгами?!
Жилмаярди жим,
Сайр этиб қайтгандай сайёраларда.

Оламни эмарди кўзлари гўё,
Мен маҳталлигимни кўрмасди бироқ.
Қалбига сиққанди бус-бутун дунё,
У ўша дунёга соларди қулоқ.

Ўзингиз биласиз,
кор этмас зарра
Ошиқ одамларга насиҳат, таскин.
Қилмадим зарда,
Лекин нимагадир қўзғалди рашким.

Кейин ўша қизни кўрдим бир-икки,
Қаттиқроқ қараш ҳам мумкинмас унга.
Шундайин нозикки, шундай нозикки...
Ухшар елда турган жажжи қайинга.
Ҳа, шамол ўтарди сочини ювиб,
Гўё тўкиларди сочидан зарҳал.
Бир япроқ ҳақида сўзларди куйиб,
Жаҳоннинг тақдирин қилган каби ҳал.

И л ь ч

Ие, бўлмаса-чи!
Ошиқ одамга,
Ўзингиз айтгандай,— тавсиф не даркор?
Икки дил бир-бирин тинглаган дамда
Ҳатто сукутнинг ҳам ўз маъноси бор.

Ешлар капалакка лол боқар экан,
Энди ажабланиб учирманг елка.
Ахир, севган қалблар капалак билан
Кўчиб юради-ку гуллардан гулга.

Ким ўлчаб кўрибди хаёл кучини:
Япроқ тушишига термилиб хушҳол,
Фазодан сакраган парашютчини
Кўнгилдан ўтказар улар эҳтимол...

О л и м

Ҳали йигитлардан кам эмас тошим,
Ишда ўхшамасдим кекса ходимга.
Уларни кўрдиму

бир бобо ёшин

Яшай деб қолганим тушди ёдимга.

Бизлар ҳам қачондир севилган эдик,
Уша хотирот ҳам бермади далда.
Назарий жиҳатдан бўлсам-да етук,
Орқада қолибман энди амалда.

Уғлим жуда мўмин, жуда кўнгилчан,
Билмайди бировни тежаб-тергашни.
Бажарар солдатча жиддийлик билан
Ракета созлашу пиёз тўғрашни.

Шу сабаб, хавотир қўнмас кўнглимга,
Уғлим юлдуз сари этаркан парвоз.
Лекин фарзандимни у қиз қўлига
Топшириб қўйишдан чўчийман бир оз.

И л ь и ч

Қўйинг-э, биродар!

Шундай олимга

Шунақа оҳ-воҳлар ярашса ўлсин!

Мундоқ қараб қўйинг ахир оламга,

Юринг, ҳордигингиз сал-пал ёзилсин.

Ш о и р

Чўл жуда кенг эди, жуда кенг эди,
Тикилсанг — кўзларинг тиниб кетарди.
Гўёки, уфққа урилиб чети,
Шафақдан чўғланиб-ёниб кетарди.

Тонгнинг шамоли ҳам гўдакдай шошқин,
Кун чиқар томонга талпинар тинмай.
Шабнам билан ҳўллаб жингалак сочин,
Бурганлар чайқалар ҳамон артинмай.

Бу ерда ўт-ўлан бўлмайди новча,—
Ўткинчи булутдан сув ичар фақат,—
Ва лекин тўлғониб кучи борича,
Тиззангни кўмиш-чун қилар ҳаракат.

Икки одам борар чўлнинг бағрида,
Гўё денгиз узра кезишар яёв.
Ернинг бир четидан қуёш боқди-да,
Илиқлик югурди томирга дарров.

Чўлнинг чирсиллаган какра ҳавоси
Олим димоғини тўлдирган эди.
Ҳаётнинг шунчалар жилва-зиёсин
Ҳали у сезмасдан ўлтирганмиди?!

Қаранг, нозик қуврай гуллар кумушдай,
Кимгадир тутмоқда соябонини.
Қаранг, чипор қўнғиз, ёр кутган қушдай,
Тарк этмас «муҳаббат хиёбони»ни.

Гўё тирик эди азим биёбон,
Тилга кирар эди гўё ҳар япроқ,
Хуш бўй таратарди

минг йилдан буён

Миллиардлаб гулларни шимган бўз тупроқ.

Ильичга кўз ташлар завқ ила олим,
Елдай енгил сезиб бирдан ўзини.
Лекин бўлиш учун доҳий хаёлин
Негадир ҳайиқди,

ютди сўзини.

«Ҳайиқиш» деганим жоизмас унча,
Ҳаё ва ҳаяжон уни этди лол:
Ахир, Ильич ишлаб қўли толгунча,
Ҳозир кабинетдан чиққан эҳтимол.

У жаҳон тақдирин балки қилар ҳал,
Фикрга муштоқ-ку қанча қул, сағир...
Бир онлик сайрига берилса халал,
Одамгарчиликдан бўлмайди, ахир!

Йўқ, ўзга ўйларга банд эди доҳий,
Зарра малоли ҳам сезилмас эди.
Минутлар ўтарди.
Ильич нигоҳи
Шимол осмонидан узилмас эди.

Революциянинг жўшқин штаби —
Нева соҳилида юксалган шаҳар,
Қитъалар уммонга туташган каби,
Шу гардсиз уфққа келиб туташар.

Шу шаҳар осмонин мисоли қилич
«Аврора» залплари бир вақт тилганди.
Қирқ етти ёшида шу ердан Ильич
Совет давлатини эълон қилганди.

Яна ҳам яқинроқ югурар хаёл —
Москва... Кремль... ёқут юлдузлар...
Саф чеккан арчалар тебраниб хиёл,
Навқирон тарихдан ҳикоя сўзлар:

Олов саратонми, қаҳратон қишми,—
Мамлакат қолганда хавфу хатарда,—
Гвардиячилар тинглаб Ильични,
Шу ердан жўнарди оғир сафарга.

«Қишлик сарой синди» дейилди, лекин
Синфлар кураши бўлмади тамом.
Забт этиб дўст қалбин, душман қалъасин,
Революциямиз этарди давом.

Хаёл яна тушар Шарқ томон йўлга:
Ёшарган қўриқлар товлана бошлар.
Жилмаяр,
тупроқни буркаб яшилга,
Уэлари жавдардай қорайган ёшлар.

Қорайган бўлса-да аччиқ елларда,
Нондай покизадир ёшликнинг юзи,—
Қизил гвардия ўтган йўлларга
Уланмасми ахир уларнинг изи!

Ана шу кенгликлар, масофаларни
Енгиб ўта олган бардошли одам,
Давом эттириш-чун эзгу сафарни,
Космодром қўйнига қўяди қадам.

Икки одам турар чўлнинг кўксига,
Пойида алафлар денгизи оқар.
Ильич яширолмас, завқини сира,
Олим қўлин тутиб,
ҳайрат-ла боқар.

Ана у космодром!
Чўл кўксин ёриб,
Гўё ўзга олам юз очар бехос.
Унинг салобатин қилмоққа таъриф,
Ожиздир эскича ташбеҳу қиёс.

Радистлар антенна найзаси билан
Бургутни парвозда тутиши мумкин.
Оддий устахона деразасидан
Қуёш ҳеч эгилмай ўтиши мумкин.

Елдай ўтди-кетди болалигимиз,
Лекин унутмайман ушбу лавҳани.
Эснар остонада муштдайгина қиз,
Куйлаб ухлатишга онаси қани?

Она анҳор узра чайқамоқда кир,
Оёғи, остида сирғанчиқ тахта.
Иссиқ пешонада сочлари тўзғир,
Тараб ҳам ололмас...

қўли карахт-да!

Ё картошка кавлар она полизда,
Сўник ёноғида терлари бодроқ.
Сезмай оғритганин ўтмас бигиздай
Тирноғи остига тиқилган тупроқ.

Ё она йўл босар ўй суриб ҳазин,
Гарданига қўйиб бир халта бугдой.
Асл кимхобларга лойиқ елкасин
Юк босиб,

ишқалаб,

куйдирар чўғдай.

Уша ҳимоясиз бегуноҳ гўдак,
Уша мангу ташна оналар учун —
Инсон қадри учун масъул бўлмасак,
Қандай ёришарди Октябрда тун?

Бизни чўктиролса турмалар тизга,
Ё эски тақадай буколса азоб,
Қандай боқар эдик гўдак кўзига,
Нима деб берардик онага ҳисоб?

О л и м

Яна сўзингизга ҳайронман Ильич!..
Бегона юртларда азият тортиб,

Волга соҳилларни ҳар тонг соғиниш
Ҳар қанча ҳисобдан эмасми ортиқ?

И л ь и ч

Бу — лавозим эмас,
 ҳаётим менинг,
Ундан истеъфога чиқиш — хом хаёл.
«Яшадим» дегани айланмас тилинг,
Аччиқ-чучугини тотмасанг ҳалол.

О л и м

Эҳтимол аччиғин тотгансиз кўпроқ,
Бошқага тегсин деб кўпроқ ширини.

И л ь и ч

Аския бобида зўрсиз-ку, ўртоқ,
Қани, юмалатинг яна бирини?

О л и м

Жиддий айтган эдим, Ильич бу сўзни...

И л ь и ч

Узр, такрор узр!
 Сизда қулоғим...

О л и м

Чарчатмаганим ҳеч кутишлар сизни,
Тортмаганмисиз ё чекиниш доғин?

И л ь и ч

Чекиниш ҳолва-ку?
Надя иккимиз
Тарасовкадан¹ то пойтахтгача
Тумтарақай бўлиб қочганларимиз
Тилдан тушмай юрди қанча вақтгача.

О л и м

Қайси Тарасовка?
Душман ўзи ким?
Наҳотки чекинган бўлсангиз чиндан?

И л ь и ч

Хўш, кимдан қочибмиз! Топинг, азизим!
Қўрғон бердингизми?
Тингланг: чи-вин-дан!

На фаросати бор ва на забони,
На яйрашга қўяр ва на ўқишга.
Эслик ёв бўлса-ку, ўша замони
Чора топар эдик думин тугишга.

Чекиниш дедингиз...

чекиниш — меҳнат!

Кутиш ҳам — вокзалда мудрамоқ эмас.
Матонат керақдир бунга ҳам беҳад,
Бекорга оналар сочи оқ эмас.

О л и м

Лекин сафарлардан меҳрибон она
Энтикиб кутмаса ўғил-қизини,
Лаб қимтиб кузатиб қолмаса яна,
Бахтсиз ҳисобларди балки ўзини...

¹ Тарасовка — бу қишлоқдаги В. Д. Бонч-Бруевичнинг боғида В. И. Ленин 2-3 марта дам олган эди.

Фикрини киприк-ла тераётгандай,
Уғли ҳам кўтармас кўзини ердан.
Вақт етди.
Жумбоққа жавоб кутгандай,
Ҳамма Ильич томон бурилди бирдан.

Ҳали у йўл бўйи ҳар уй, ҳар қушни
Таърифлаб келганди қадам-бақадам.
Энди парвоз этар бош узра мушти,
Минглар иродасин этган каби жам.

Бу муцтнинг остида қора тахт сингай,
Айланиб бир қучоқ қуруқ ўтинга.
Энди ўз қўлига инсон сиғингай,
Бахт олиб бўларми арзон ўтинчга?

Она ҳайрат билан ташлайди нигоҳ,
Уғлим деб тутгандай бехос бировни:
Уғли,—

сеҳр этдими аллаким ногоҳ —
Турар профессор янглиғ нуруний.

Хона мўъжаз эди.
Лекин бағрига
Сигдира олганди улкан дунёни.
Ильич мадҳ этарди меҳнат аҳлига
Дунёга янгидан келган дунёни.

Подшо пошнасида кеча қотган қон,
Эртага тамғамиз бўлажак юлдуз.
Ҳориб ётган тупроқ,
ер кутган деҳқон,
Хушбўй нон ҳақида борар эди сўз.

Она билар
ҳаёт бекатларида

Уғли кўп семириб-озганларини,
«Шушада, Саяннинг этакларида»¹
Қишни ёзга улаб ёзганларини.

Ильич юрагидан қон билан ўтган
Рақамлар, аламлар беҳад тақдирлар,
Турмушнинг тубида занг босиб ётган,
Фақат ўгли ечган сертугун сирлар.

Мижжага йиғилган чизиқлар мисол
Устма-уст қалашган йўлларнинг гарди,—
Барча-барчасини меҳрибон аёл
Кўрмаган бўлса-да, яхши биларди.

Лекин фарзандининг нафаси тегиб,
Умидлар уруғдай жонга кирганин;
У, оддий жарроҳдай ёрдамга келиб,
Давр ярасига ништар урганин —

Биринчи мартаба бўлди гувоҳи...
Уғлини тингларкан бахтиёр она,
Ариб борар эди дилдаги доғи,
Етиб келган каби эзгу замона.

Йиғин ҳам,
сафар ҳам қариди охир,
Мана, қўл силкийди она кемадан.
Ильич эса турар соҳилда дилгир,
Кўнгли дарз кетгандай алланимадан.

Ахир, бу қалқиган кўримсиз кема,
Азиз Россиянинг азиз бўлаги!
Аммо қадам қўйса бир нафасгина,
Қишанга тутилар дарҳол билаги.

¹ В. И. Ленин ёзган ягона шеърини мисра.

Кема ўксигандай ўкирди бехос,
Сўнг мавжлар ёприлди унинг изига.
...Бу — ўчмас ва ачкиқ хотирот, холос,
Асло жавоб эмас олим сўзига.

И л ь и ч

Яхши шарҳ этдингиз оналар бахтин,
Бу гап тааллуқли оталарга ҳам.
Келинг, йиғиштириб чўзилган баҳсни,
Кулган бахтингизни кўрайлик баҳам.

О л и м

Наҳотки боримни сиздан яширсам,
Мен учун кимса йўқ Ильичдан азиз!

И л ь и ч

Чап берманг, азизим...
Ростин гапирсам.
Сиз ҳам фарзанд кутиб йўл бошидасиз.

Топилмади ҳамон гапнинг поёни,
Юракни чертсак-да пардама-парда.
Қора қош ўғлингиз эса дунёни
Айланиб чиққандир бир ярим марта.

О л и м

Шу-да фазокорнинг амали — иши,
Тўхтаб турармиди парвозда лочин!

И л ь и ч

Ҳа, йиқилмай деса юксакдан киши,
Фақат ҳаракатда бўлиши лозим...

О л и м

Сўнги йўқ сукунат...
Совуқ сукунат —
Пўлат қалқонни ҳам худди тешгудай...

И л ь и ч

Сукут — бекорликдан нишонмас фақат,
Фикрни тўплашга шуниси қулай.

О л и м

Кўча қондасин бузиш хавфи йўқ,
Уфқи ҳам ўзгача,
Ўзгадир вазни...

И л ь и ч

Ҳа, балли!
Янги давр учун янги уфқ,
Янги қондалар даркор эмасми!

О л и м

Рангдор китоб каби,
варақма-варақ,
Кеча ва кундузлар бир-бир очилар.

И л ь и ч

Елғиз томошага банд бўлмас, бироқ,
Олдинга сурилган разведкачилар.

О л и м

Қай томон бўлса-да кема рулини,
Унинг ўзидадир азму ихтиёр.

И л ь и ч

Лек кўрсатиб турар босган йўлини
Кўкда томчи ёшдай порлаган диёр.

О л и м

Юлдузли кўк — худди улкан бўш элак,
Чикмас бирор жондор ҳайрат-ла пешвоз...

И л ь и ч

Ҳайратланиш-чун ҳам билим, қалб керак,
Бу хислат одамга берилган, холос.

О л и м

Қуёш атрофида айлангандай Ер,
Ерга парвонадир бугун фазокор.

И л ь и ч

Чунки Ер — ҳаётнинг ўчоғи, ахир,
Айланиб-ўргилса арзийди юз бор.

Ўзга оламларда, сайёраларда
Ҳаёт борлигига келтирмайман шак.
Лекин у тарафдан бугун ё эрта
Меҳмон кутиш учун шошилманг андак.

Зиё эмса ҳамки қайси офтобдан,
Ҳеч бир жон ҳеч қайга этолмас парвоз —
Эйнштейн каби инжиқ ҳисобдон,
Марксдай хаёлкаш бўлмаса бир оз.

О л и м

Ҳа, ҳали табиат оддий инсондан,
Улуғроқ нарсани этолмади кашф.

Фақат, одамзодга жуда ҳайронман,—
Қалбида қувонч ва хавотир туташ.

И л ь и ч

Хавотир денг?

Лекин ваҳима эмас!

Сал-пал ўзгачадир бу сўзнинг тоти.
Кишини сафарда қучса ваҳима,
Шалпайиб қоларди бирдан қаноти.

Сиз аввал учирган йўлдош — юлдузлар,
Кўкда карвон бўлиб юрипти ҳозир.
Ҳар бирин нуридан ёришди юзлар,
Лекин уйғондимиз зарра хавотир?

Бугун Инсон учди,
Фазода бугун
Чарх урар бир юрак,

чарх урар юрак!

У қалб тепишини лоқайд тинглаш-чун
Инсоннинг чидами етмаса керак.

О л и м

Шунда, таажжубки, қўни-қўшни ҳам
Олди-қочдиларни қўяр унутиб.

И л ь и ч

Ахир, кўкда сезар ўзини одам,
Фазони тингларкан нафасин ютиб.

Сийқа муҳаббатлар, майда ташвишлар
Чиқинди мисоли қолар тубанда.

О л и м

Лекин баландликдан боққан кишилар
Заминни кўради юпқа туманда.
Қайдадир бурқситиб қоп-қора тутун,
Қурол заводлари ҳансираётир.
Ернинг аҳволидан наҳотки бир кун
Одам кўкда юриб олар хавотир!

И л ь и ч

Менимча, одамзод танигач ақлин,
Ортга ҳеч чопмаган қисқичбақадай,
Ҳеч вақт изламаган ўлимдан бахтин!
Сизнинг бу борада фикрингиз қалай?

О л и м

Ильич, дард чекамиз мевасин кутиб,
Сиз ва мен умид-ла бир ниҳол эксак...

И л ь и ч

Одам ниҳол эккач, қўймас қуритиб,
Одамга ишончим эса кўп юксак?

Қани, сўзланг энди, келмаса малол,
Сизни қийнаган ўй бошқами ёки?..

О л и м

Ҳайронман, ҳайронман...
Шудир эҳтимол...
Ёлғиз шунинг ўзи бўлсайди кошки...

И л ь и ч

«Қиши тушунмайди ўз дардин гоҳо,
Қийиндир ўзганинг кўнглини билиш...»
Сиз билан бизларга, азизим, асло
Ярашмай қолибди артистлик қилиш.

О л и м

Пушкин ёзар экан шеърни қийналмай,
Селдай қуйиларкан қаламидан шеър.
Мен қайси мавзунини қаламга олмай,
Сатрлар ўрнига ёға бошлар тер.
Мен ҳам гўдак эдим... улғайдим-ўсдим...

И л ь и ч

«Сўнг қўнди чаккамга қиров» ҳам дерсиз!

О л и м

Ҳа, Ильич, шоирлик бўлганда касбим,
Балки иш битмасди шундай таъбирсиз.

Кўтарилолмадим, афсус, минг афсус,
Оддий китобхонлик даражасидан.
Мен фақат осмонга ташлар эдим кўз
Уйим ва ишхонам деразасидан.

Орзу ва ўйларим, мақсадим доим
Уша юксакларда тентиб юрарди.
Юлдузлар имлаоғи кўкдан мулойим,
Ёрим чорлагандай энтиктирарди.

Бугун орбитага кўтарилгунча
Бир неча дақиқа сарф бўлар, холос.
Мен эса орзуга етиб келгунча,
Бир умр йўл босдим тун-кун, қишу ёз.
Ўйин-култулардан кўп жуда қарзим,
Лекин ўкинмадим бунга бир нафас.

И л ь и ч

Болаликдан бери мен ҳам, азизим,
Скрипка чалишни қиламан ҳавас.
Начора кунларни чўзиб бўлмаса,
Ким ҳам қуритибди денгизни ҳўплаб?!
Йўқотганимизга тутмасдан аза,
Топганларимизни кўрайлик чўтлаб.

О л и м

Ҳамма гап шунда-да, шунда ҳамма гап,
Дейликки ҳаётим чўтга солинди;
Минг йиллар талпиндим қуёшга қараб,
Мана, парвоз этдим!..

Энди-чи, энди?..

И л ь и ч

Яшанг, яшаворинг, дўстгинам, балли,
Шунинг-чун куйиниб ўлтирдим денг-а?!
Сиз билан юрдимми дардлашиб ҳали,
Ишонолмайман ҳеч...
Айтинг-чи менга:

Балки тек қолгандир йўл узра гангиб,
Одамзод

оловни этгач ихтиро...

О л и м

Йўқ!
Бу сўзингизга, Ильич аттангки,
Қўшила олмайман!..

И л ь и ч

Сизда ихтиёр...

Ш о и р

Ҳислар олим кўксин эшикдай қоқди.
Гўё сўз булогин очилди кўзи.
Сакраб туриб кетди,
Атрофга боқди.

Ҳеч ким йўқ.

Уша чўл.

Чўлда — бир ўзи.

Супуриб юрарди тонг ели ҳамон
Қосмодром юзидан тун аёзини.
Шундай кенг эдики замин ва осмон,
Хаёл ҳам қучолмас интиҳосини.

Улкан бетон йўллар тўрт ёнга кетар,
Ботар уфқларга ўқдай отилиб.
Аҳёнда эвалак йўл кесиб ўтар,
Қишлоқ боласидай бебошлик қилиб.

Кўнгли нолам бўлиб ҳамтупроғидан,
Бош чайқар индамай ним яшил шувоқ.
Денгизлар чиққандай ўз қирғоғидан,
Мавж ура бошларди табиат шу чоғ.

Эрир оёғингга осилган тошлар,
Эрир суягингда қотиб қолган занг.
Оҳ, қани, туфлингни елкага тащлаб,
Қўлни қанот қилиб чопқиллаб кетсанг!..

Ложувард тонг яхши,

тонгда чўл яхши,

Кезиб на тўясан ва на ҳорасан.
Шахмат тахтасидай бўлса-да ясси,
Фазо зинасига ўхшатворасан.

Қад ростлаб фазонинг зиналарида,
Ҳаёт гурросини тинглайди киши:
Команда пункти —

ернинг қаърида

Зангор экранларнинг нафас оляши,
Тупроқ бетидаги зилтерақларни
Қув еллар пичирлаб сеҳрлашгани,
Қайдадир югурган гилдирақларнинг
Асфальт-ла шошилиб шивирлашгани.

Офтоб кўриб озган, қовоғи солиқ —
Юлдузлар оралаб ўтаркан шошқин,
Қаҳратон сукутни ларзага солиб,
Космолёт мотори кўтарган шовқин.

Мовий тўлқин каби қувлаб бир-бирин,
Нурдай бир-бирига сингиб кетарди.
Йигирманчи аср меҳнаткашларин
Бир оддий иш куни давом этарди...

1964.

ШОИР ҲАҚИДА

Шундай ҳам ишқ дарди этар жароҳат,
Узингизга тортиқ мағзава пақир.

Мен сизга тегдимми?

Нечун ҳақорат!

Мен шеърман, ахир,

юракман, ахир.

В. Маяковский.

Наҳот девор,

Наҳот девор қалин бўлса шунчалик!

Ахир,

Еллар, ғилдираклар, бўғизлардан туғилиб,

Кўчаларда, ҳовлиларда, томлар узра югурган

Садолару акс-садолар

шу деворга бош ургач,

Тўлқин каби чил-чил синиб,

тўкилмоқда тупроққа.

Нур ҳам ҳатто деразани тешолмасди эҳтимол

Миллион-миллион чақиримдан келмаганда отилиб.

Шундай уйни орзу қилар сокинликни севганлар.

Ёлғизликка маҳкум бўлган дасти қисқа киши ҳам

Тоғиб олар бир нав қилиб вақт ўтказиш йўлини.

Уй эшигини ўз қўли-ла ичкаридан беркитган,

Ўз-ўзини маҳкум этган бу шафқатсиз одам-чи?

Уни кутар бунда фақат

юпқа кўрпа, қалин тахта,

Папироснинг дуди унга

бўлар энди маишат.

Ана ўзи. Одимлар жим.

Қўллари — мушт. Мушт — чўнтакда.

Қўнай дейди бошига шип,

Остида пол майишар.

Қатлам кўчар, яна кўчар

хотирасин таг-тубидан:

Куйга йиғи қоришарди,
тутун ҳиди — атирга.
Поезд эзган рельс юрагин
«так-тук» и ҳам, «так-тук»и ҳам
Урнин охир тойган каби
кириб келар сатрга.
Қайси йўл бу? Қачонги йўл?
Қўп кузатган ахир уни
Гоҳ қарағай, гоҳида сарв,
Гоҳи толлар буралиб.
Ечилмасдан туриб савол,
кутмай йўлнинг охирини
Оқа бошлар фикр аста
қофияга ўралиб.
Вагон силкир ҳаёт мисол.
Уфқ оқар. Оқар умр.
Ҳақ тўқнашар ноҳақ билан.
Унг кесишар сўл билан.
Ошиқлар у тингловчига.
Тингловчилар эса уни
Қошки кутса фақатгина
қарсак билан, гул билан.
Кутмаса ундан нари,
Баттар бўлсин кутмаса.
Унинг ҳам овози бор.
Қояни қулатгудек,
Ва лекин, қилмас у ҳеч
Шалаяпинлик даъвосин.
Шунча манзиллар оша,
Заҳмат ва йиллар оша
Томоғи ноёблигин,
Упкаси кенглини,
Овози авж пардада
Товусдай товланишин
Намойиш этмоққамас,

Севги изҳор этгали;
 Дастгоҳлар гурросидан
 Қулоғи битганларга
 Севги изҳор этгали;
 Севги ҳақида илк бор
 Ҳақиқатни айтиш-чун
 Учиб боради шоир.
 Лекин, тошдан тозалаб,
 Ерни дала қилгунча
 Неча бор синар омоҷ!
 Ахир, озми дунёда
 Муҳаббатдан гап очсанг
 — Яшириш-чун шубҳасин —
 Ширин жилмайгувчилар!
 Шоир-чи? Нима қилсин?
 Нима қилсин шоир?
 Шоирлар ҳам, ахир, инсон,
 Ахир, жони оғрир.
 Магазинга кириб бир қиз
 Шеърин сўраганда,
 Кўзларига ахир бежиз
 Қалқибмиди ханда?!
 Кутиб олар шу он гўё
 У ёз офтобини,
 Узи танлаб берар ҳатто
 Энг соз китобини.
 Уша энг соз китоб, аммо,
 Муаллақ қолса-чи?
 Рад этилган юракнамо
 Муаллақ қолса-чи?
 У «қулт» этиб ичга ютар
 Ҳар қанча аламин.
 Лекин, қайга гумдон этар
 Қўлдаги қаламин?
 Эсдаликка бир ширин гап
 Езиб бермоқ учун

Сабабларнинг юки босиб, ҳафта сайин секироқ
Оқар умр карвони.

Шунинг учун ширин бўлар серташвиш ва лекин пок
Болаликнинг ҳар они.

Ханисцхали, Ханисцхали,
Қишин-ёзин муздек сой,
Эҳтиросли тоғ гўзали,
Тиниқликда кўздек сой,—
Уғлин излаб, қирғоғинга
Оналар югуради.
Рўмолини зўрғагина
Ўрашга улгуради.
Болалар-чи? Сезмас сира
Онасининг қарғашин.
Сўзлар — сойнинг гурросига
Чўкар худди қўрғошин.
Дарҳақиқат, бўлармикан
Ешликнинг ўз қонуни,
Е курашиб тўлқин билан,
Совитарми қонини?
Ундан кўра узумзорда,
Ҳордиқ ёзиш яхши-ку!
Е шохидан торта-торта
Гилос узиш яхши-ку!
Ўйнар бўлса яшинмачоқ,
Ана — сўқмоқ, мана — қир;
Ана, кулранг — яшил ўтлоқ
Йўлларига мунтазир.
Дарҳақиқат, бўлмасайди
Ешликнинг ўз қонуни,
Улар шунча қийнашмасди
Оналарнинг жонини,
Тегирмоннинг эски тошин
Кўрпа қилиб ётмасди,
Е қудуққа тиқиб бошин,
Балиққа тош отмасди.

Ана, ҳозир сойга улар
Ташладилар динамит.
Портламасдан ташна қилар,
Ташна қилар динамит.
Шўнғиб тушди қанча бола
Яхна сойнинг тубига.
Лекин, қуруқ чиқди қўли,
Қолди фақат кулгига.
Ҳаммадан ҳам янгроқ эди
Володянинг кулгиси.
Кимнинг келмас «жанг» чоғида
Шоввоз деб ном олгиси?
Митти Давид¹ қадаганча
Володяга кўзини,
Қурбақадай ёзиб панжа,
Сувга урар ўзини.
Ана — чиқди. Чиқди секин.
«Бомба» титрар кафтида.
Лекин — хурсанд, новча дўстин
Кафтин сезиб кифтида.
Дарҳақиқат, ёшлик завқин
Расамади бўлмайди.
Мардлиги — чин, зардаси — чин,
Ясамаи бўлмайди.
Муштанг чоғи калтак еса
Сенла туриб ёнма-ён,
— Нима бўпти? Жўн ҳодиса!—
Таъна қилмас ҳеч қачон.
Меҳр десанг — ола қолгин
Сўнгни учқунигача.
Аммо, бирга ўйнаб кулгин
Қоронғи тушгунича.
Унамасанг,
Володянинг ялинишга хуши йўқ.

¹ Давид Чхендзе — грузин шоири, 1891-1945 й.

Мафтун этар уни фақат садоларнинг тўлқини.
Нотанишдир унга ҳали жангу жадал шовқини,
Шоирлик ҳам етти ухлаб кирган эмас тушига.
Лекин бола туроларми баҳам кўрмай завқини,
Шунча завқини қандоқ қилиб ютиб кетар ичига?!
Унинг кашфу қувончига олам шерик бўлса бас,
Унга оҳ-воҳ, мақтовларнинг йўқ заррача кераги.
Шундай ўсди.

Болалиги ҳамон йўлдош бўлмаса,
Юрармиди қўлин чўзиб,
Қўлда эса — юраги!
Юзин, ана, елга тутиб

турар шоир кўприк узра
Улкан пўлат панжарага
қўниб қолган мих каби.

Тўнкарилган қудуқ янглиғ
баланд уйлар кипригида
Синар-сўнар, унга етмай,
қуёшнинг зар тиглари.

Пиёдалар тўлқин-тўлқин,
машиналар карвон-карвон,

Бир-бирини судрагандай
Одимини тезлатар.

Забони йўқ бу оломон
барг ташлаган кулранг ўрмон

Тўпиғида гимирлаган
қумурсқани эслатар.

Бу таққосим, эҳтимолки,
олти миллион яхши одам

Иззат-нафсин яраловчи
қора тошга ўхшайди.

Аслин олсак, бу шаҳарга
кириб келган поездлар ҳам

Бетон тарнов ичра оққан
маржон ёшга ўхшайди.

Кўприқ — баланд. Дарё — чуқур.

Сув — мисоли арзон сулув —
 Заррача ҳам ҳарорати йўқ
 жилва, ёнишларида.
 Қайингнинг ва вақтинг бўлса,
 ором берар кўксида у;
 Жондан кечган ғариб бўлсанг,
 «ором» берар қаърида.
 Эҳ, одамлар! Бу одамлар
 шошиб қайга борар экан?
 Гир айланар. Чиқмас учиб
 очиқ бўлса ҳам қафас.
 Томошабин эмас шоир,
 жангчи бўлар шоир деган.
 Унинг учун — торми, кенгми —
 жанг майдони бўлса бас.
 Ҳадик олманг. Ҳордиқ олинг.
 Кураш борар сизлар учун.
 Қалбингизнинг тугмаларин
 ечиб ташланг, одамлар!
 Наҳотки, биз — инсон эмас,
 ғилоф бўлсак ҳислар учун,
 Ичимизда чириб кетса
 ёрзулар ва аламлар?
 Қалб — ноғора. Гумбурлар у!
 Сизни рақсга таклиф этар!
 Қалб — бир копток. Олинг! Уйнанг,
 Вақтингизни чоғ қилса!
 Оғриқлари унут бўлиб,
 Шоир қалби порлаб кетар
 Нур кўрмаган қўшни уйда
 Ҳатто гугурт чақилса.
 Кўприк — сербар. Кўприк узун.
 Лекин, тепсанг тебранмайди,
 Қурувчисин ақли каби
 бикр ҳамда мураккаб.

Бруклинни Манхеттенга
улаб-бўртиб турар пайдек,
Ерга ботар оёқлари
ботган каби юракка.
Кул ранг пўлат панжаралар
орасидан боқар шоир
Бошли-кўзли, тилли-жағли
олачилпоқ тўлқинга.
Тўлқин унга заррача ҳам
парво қилмай оқаётир.
Кўзи тушган одам бўлса,
ачиниб қўяр унга:
— О, бечора! О, бечора!
Ана қомат! Ана овоз!
Охири еб қўйибди-да,
бу шўрлик ҳам ақлини!
Шоир инграб чайқалса-да,
турар тутиб қаддини роз.
Бетга қони тепса ҳамки,
ичга ютар жаҳлини.

Ахир, шоир нима қилсин... Бўғилмоқ не ҳожат...
Шундай кўприк-кўрикларда пишган у темирдай.
Йўқ, темир ҳам чидаёлмас бу жангда бир соат,
Чунки, жангда ҳар бир соат чексиздир умрдай.

Жанг боради.

«Бер!» дейдилар.

Нимасини берсин?

Бисотида биттагина... қалби бор.

Шу холос.

Қалбдан эса тикиб бўлмас ҳатто нимдош пўстин,
Солиб бўлмас боршга уни, қилиб бўлмас палос.

Эҳ шоирлик...

Ўзга қандай ҳунарманд бўлса-да,

Панжаралар орасидан кетар эди сизиб.

Туф дерди ё бир депсиниб,

Тупугин елкада

Қўнғир Гудзон тўлқинлари кетарди оқизиб.

Агар касби ўзга бўлса!..

Шоир зоти эса,

Қайга қочиб бороларди ҳаёт ва тақдирдан?

Қочолса ҳам

(рўй берса-да ногаҳон мўъжиза!)

Не фарқи бор гунг дунёнинг қоронғи қабрдан?

Улиқларга ҳурмат керак. Ҳа, ҳурмат бўлса бас.

Илиқ сўзлар хирмонида ҳордиқ ёзар улар.

Шоир эса бу дунёга териш учун эмас,

Кўксидаги бойлигини сочиш учун келар.

Дурадгордай,— қош чимирилиб, қўлда

қалам — болға,—

Ишқини у юракларга мих қилиб қоқади.

Пароканда юракларни пайванд айламоққа

Етар унинг куч-ғайрати ва етар тоқати.

Қаранг, девор...

Ҳа, девор ҳам ожиз бугун қоғоздай.

Ахир,

Еллар, ғилдираклар, бўғизлардан туғилиб,

Кўчаларда, ҳовлиларда, томлар узра югурган

Садолару акс-садолар

нур сингарни сирғалиб,

Уйга босиб кираётир девор томирларидан:

Дўст кафтлардан каптар каби потраб учган

қарсақлар,

Рақибларнинг саратонда қор қўмсаб қағиллаши

Яна жангга кираётган завод ҳансирашига,

Чайқов бозор тўлқинларин қайнаб-шалдирашига,

Етти қават ер остида кўмир билан лабо-лаб

Замбилғалтак ғилдирагин оғир гулдирашига

Ва япроқлар шивирига кетар эди қоришиб.

Шўрлик девор...

Тайга аро эриб кетган йўллар ҳам,
Сукунатни кафти узра ардоқлаган чўллар ҳам,
Ҳали Баку боғларида сўлмаган лолалар ҳам,
Кекса Кавказ чўққисидан учган шалолалар ҳам
Туташ эди шу он гўё шоирнинг ҳар мўйига.
Агар ўша олисларда тош кўчса ё синса гул,
Дарҳол унинг баданида берар оғриқ акс-садо.

У бир ўтган йўл эмас бу,
Ўзи қурган олам бу.
Ушалган энг эзгу орзу,
Очу хурсанд олам бу.

Кўҳна эди дунё бир вақт,
Шоир эса — ўспирин.
Кўҳна дунё изларди бахт,
Шоир эса — сўз сирин.

Дунёни у остин-устин
Қилмоқчийди сўз билан.
Ололмаса қўл-ла қасдин,
Ғажир эди кўз билан.

Йўллар... Йўллар... Жигарингни
қоқиб олай дер улар.
Кеча уфқ тунаган жой
қолар бугун орқада.
Кунни тунга улар шоир.
Шеърга ёниб шеър улар.
Тутар залнинг томоғидан
ўз томоғи ҳорса-да.

Шоир номин кўтармоқдан
афзалроқдир ҳаммол бўлиш.
Ҳар ўткинчи кўзларингга
ўқдай қадар кўк кўзин:

- Қаранг, қаранг!
— Худди ўша!
— Қияр экан у ҳам калиш!
— Вой, ўзи ҳам номи каби
мунча узун-ей, узун!..

Ким айтибди осон иш деб
пўртанада балиқ овлаш,
Ахир, сўзнинг ноёби ҳам
фикр тинса терилар.
Азобсиз деб ўйлайсизми
дилни қудуқ қилиб ковлаш,
Хаёл тиғи сал тойилса,
дил пардасин яралар.

Лекин, унда бўлмаса дард,
Шоир деб ҳам аталмасди.
Нима қилиб бера олар
Одамзодга қуруқ баста?

Дарди — унинг ўзига тан,
Қувончлари — сизга тортиқ.
Буюр, Ватан! Буюр, Ватан!
Унга уйи қилар торлик...

Титраб кетсин жануб, шимол
Фарзандингнинг наърасидан.
Ўтиб турса бўлди шамол
Оёқларин орасидан.

Юпунмисан? Тунги аёз
Ачитдими жонгинангни?
...Моки олар қўлга шоввоз,
Давом этар ҳаёт жанги.

Заводлар ҳам, ўзинг каби,
Олмоқдами зўрға нафас?

Қўмир керак?
Хизматда — биз!
Чўкич — болға топилса бас...

Урф бўптими ингичка бел?
Деҳқон ўзи ухларми оч?
..Қани, ошна, ёнимга кел.
Тортишамиз бирга омов!

Ажриқларнинг бағрин тилиб
Суҳбат қилсанг ер билан,
Аламларинг селоб бўлиб
Чиқиб кетар тер билан.

Қалби сўнган паровозга
Бахш этолсанг қайта жон,
Уҳ деб, оҳ деб киргач сўзга,
Айтиб берар бир дoston.

Обод этсанг экиб кўчат
Бирор тоғнинг қоясин,
Қайтгунингча у ҳам албат
Тўшаб турар соясин.

Тун ўрнига кундуз қўнар,
Қиш ўрнига навбаҳор.
Эртага ҳам кечагидай аталади юлдузлар.
Чопар ўша суръат билан ерга юлдуз нури ҳам.
Фақат...
Фақат, вазмин тортиб борар сўзнинг салмоғи.

Бугдой селиб, бугдой ўриш...
Тўрттагина сўз холос.
Жизғинак қош деҳқон эса, шаҳарликни кўрганда,
У ёқларда нималар расм бўлганини сўрамас,
Нарх-навони суриштириб, тамакингдан тутатиб,
Паншахани олиб қўлга, кириб кетар оғилга.

Сўнибди деб ўйламанг ҳеч боёқишнинг ҳавасин.
Вақт югурар.
Судраб кетар.
Дала узра офтоб ҳам
Тир айланар соққондаги ёниб турган тош янглиғ.

Вақт оқади.
Вақт сиртмоғи тортилмоқда тобора.
Ҳаётининг мазмунини,
Бир бурда пок нонини
Босқон билан чўян сандон орасидан топганлар
Оғзингга кўп қарашмайди,
Мағзингга қарашади.
Гап нимада?
Шоирдами?
Шоир эмаслардами?
Балки бунинг сабабини маъқулроқдир қидириш
Тордай таранг XX аср мускулларидан.

«Мудраб ётган ўрмонлар» деб қанча қўшиқ
тўқилган.

Бугун, агар шамол турса, қулоғингга қуйилар
Дарахт

пўлат мачта мисол

тишин ғижирлатгани,

Ўз бағридан олиб берган маъдани ўз кўксига
Энди пўлат от бўлиб тез қайтишини сезгандай,
Далалар ҳам сергак боқар.
Вақт кўпирар.
Вақт оқар.

Сергак бўлмай нима қилсин?
Атом қобирғаларин
Қўли билан сийпаб кўрган доноларнинг даври бу,
Эшитмаган бўлса ҳамки фазо инсон қадамин,
Тараларди ер юзалаб Циолковский довуғи.

Қора ғашлик қолиб кетди йироқларда чанг каби,
Ишчининг ўз заводи бор,
Деҳқоннинг ўз ери бор.
Лекин, ҳар тонг уй тўрида

чақалоқдай жангари

Муаммолар туғилару,
Талаб қилар эътибор.

Уйлик бўлиб, деворларин қанча баланд урсанг ҳам,
Қолиб кетмас тўрт деворнинг нарёғида азоблар.
Одам каби яшамоқни орзу этса гар одам,
Ҳаёт учун, иқбол учун бўлиб қолар жавобгар.

Жавобгарлик — оғир гап.
Бир умрлик имтиҳон.
Пешонасин уқалаб,
Шундан сўйлайди деҳқон.

— Эски устунлар синди.
Қандоқ яшаймиз энди?
Уйлагандирсан ахир
Шу ҳақда, шу ҳақда?

...Ушалгандай орзуся,
Бодроқ бўлиб ҳар сўзи,
Шоир шеърини ўқир
Шу ҳақда, шу ҳақда.
— Соф бўлгунча куррамиз,
Синдирамиз — қурамиз,
Кейин тўқиймиз дoston
Шу ҳақда, шу ҳақда.
Бугун —
бошладик ишни —
Урганамиз севишни!
Фақат сўзламак осон
Шу ҳақда, шу ҳақда.

Қипиқлардан халос бўлар шопирилса тўқ буғдой.
Шоир

замон шамолида сатрларин шопирар.
Паноҳ сўраб, ором истар чопмас денгиз сари сой,
Уни катта тўлқин бўлиш иштиёқи шоширар
Шамол тинса,

тўлқин сўнар:

Тўхтамасин дастгоҳлар!

Парвоз этар говурларни босиб шоир овози.
Юрагини бўш қадаҳдай тутиб турсин чанқоқлар,
Севгисини улашар у беминнат, бетавозе.

Деворлар, адирлардан,
Кўзлардан, бағирлардан
Қайтар эди акс-садо
«Шу ҳақда... Шу ҳақда...»
Бугун кирарди тилга
Янги туғилган ўлка
Шоир-ла қилиб нидо
Шу ҳақда, шу ҳақда.

Қаршида турар севги ва... дунё!
Битта дунё бир шоирга етади-да бугунча.

Очлик ёмон.

Хўрлик ёмон.

Ундан ёлғизлик ёмон.

Ҳали қанча меҳнат кутар заминнинг ҳар бурчида.

Ана Вася,

Ана Коля,

Ана Серёжа,

Семён,

Чарх урар шеър фазосида Плеяда буржидай.

Келинг, вазн даласини чуқур ҳайдаш ўйнаймиз.

Фикр — арқоқ. Замон — ўраш. Ким тўқийди пишиқроқ?

Кўзи борга иш етарли. Битмагунча қўймаймиз.

Зал, жим бўлинг!

Мана курси.

Ўқинг. Марҳамат, ўртоқ!

Сачраб тушсин ҳув олдинги креслода мудраган.

Қофиялар найза бўлсин.

Мўлжал қилиб урайлик.

Естиқ миниб коммунизмни кутган ошхўр мурдалар

Дод-войини мазза қилиб эшитайлик, кўрайлик.

Мен, эҳтимол, у кунларга етиб бора олмасман.

Йиғламайман лекин, дўстлар, на қорним, на қадримга.

Ишқим қолар ер юзида.

Сизлар билан.

Улмасдан.

Олиб кетиш ниятим йўқ шеъримни ҳам қабримга.

Қайнар шоир бўғзида сўз қумфондаги сув янглиғ.

Чирс-чирс учар қалам учи.

Қоғоз кетар титилиб.

Зинапоя сатрларга минг оҳанглик, минг ранглик

Сўзлар кирар худди биллиард шари каби отилиб.

Ҳислар жўшар бедов мисол, ёлини ел тортқилар,

Қани энди, полвон бўлсанг, йўлини тўс, нўхтала!

Қўшиқ бўлиб азиятлар, ҳаяжонлар, шодликлар

Бир нуқтага учиб борар,

Энг охирги нуқтага.

Нуқта.

Шоир нафас ростлар.

Зирқирарди тирсаги.

Жизилларди ўпкаси ҳам тамаки тутунидан.

Икки ой-а!

Ўтди-кетди «қарс» этгандай тарсаки.

Ўпка қилмас,

• йўқ, аксинча —

хурсанд у бугунидан.

Соқчиликдан озод бўлган болалардай шўх яшнаб,
Икки ёнга югуради дераза тавақаси.
Деразадан кириб келар хонага аёз бошлаб
Москванинг энг чиройли, энг сершовқин даҳаси,
Қайтиб қўнар ўрнига шип.
Эшиклар кенг очилар.

Гувлар шаҳар

қўрларига қўр қўшилган вулқондай.

Офтоб ва куй, нур ва еллар ичкарига отилар
Худди шоир кўкрагида исинмоқчи бўлгандай.
Давом этар юртда ҳамон севиш, қуриш мавсуми.
Остонага чиқар шоир —

Чиқиб борар

«Жуда соз»

«Ҳайқирик» ва

«Владимир Ильич Ленин»га пешвоз.

Кейин...

Ундан кейингиси бошқа дoston мавзуи.

1966-1967.

СОТВОЛДИДАН САЛОМ

Мулла билганини ўқийди.
Мақол.
Курка чўчиганни чўқийди.
Мақол эмас.

Қолиб кетди ортда баҳор,
Кунлар қизиб, узайди.
Кўнгил қурғур яна бедор,
Далаларни тусайди.
Нетай, дўстлар, «хайё-хайт» деб
Йўлга бўлдим равона.
Асли мақсад саёҳатдир,
Достон ёзиш — баҳона.
Автобусга чиқиб олдим,—
Кучим бор-да билакда!
Беш-ўн минут туриб қолдим
Нафас ростлаб йўлакда.
«Асаб»га «йўл азоби»ни
Қилиб турсам қофия,
— Ултиринг,— деб бир чол мени
Таклиф этди қопига.
Оҳ, оҳ, мундоқ бўлибди гап!
Парқудан ҳам аълороқ!
Энди боқсам, шаҳар тугаб,
Бошланибди, дала, боғ.
Бир мен эмас, бошқалар ҳам
Аста-аста жойлашди.
Ғала-ғовур топди барҳам
Ва бошланди йўл гашти.
Атроф — яшил, осмон — мовий,
Юзлар эса қип-қизил.
Ҳа, автобус ёзда гоҳи
Исиб кетар беҳазил.
Деразадан кирса шамол,
Жонинг бир оз яйрайди.

Узин ўнглаб, ҳалиги чол
Менга зимдан қарайди.
— Э-э...— Бурилар мен томонга,—
— Йўл бўлгай...
— Узоққами?
— Гулқўрғонга
— Гуллаб кетинг гўл бўлмай,
Нега дарров айтмадингиз,
Жой берардик тўрроқдан.
Гулқўрғонда меҳмон азиз,
Бизлар ўша қишлоқдан.
Яна бир гап сўрай сиздан,
Лекин айбга қўшмайсиз:
Кўзойнагу папкангиздан,—
Э-э, мухбирга ўхшайсиз?
Қуриб кетсин менинг жағим,
Қопти яна битта гап,—
Келаётган бўлманг тагин
Сотволдини сўроқлаб?..
«Ҳа, тўғри» деб қўя қолдим,
Кесиб чолнинг сўзини.
Шу пайт барча, эркак, хотин
Менга тикди кўзини.
Ачингандай боқар биров,
Пармаларди бир нигоҳ.
Тушунолмас экан дарров
Киши энг жўн сирни гоҳ.
Мен ҳам оддий бир одамман,
Ултирибман бўлиб лол.
Халос этиб мени ғамдан,
Яна тилга кирди чол:
— Сотволдини эшитгансиз,
Кўрмагансиз ҳарқалай.
Ҳушёр бўлинг танишсангиз,
Қилиғи бор бир талай.
Э-э, бир куни қайтиб қирдан,

Девдай ухлаб ётардим.
Тақиллади эшик бирдан,
Зўрға бошни кўтардим.
Қуяр эди ёмғир ҳамон,
Чиқиб бордим ғулдираб.
Эшик очсам, Сотволдижон
Турибдилар мўлтираб.
«О, отажон, бормисиз!» деб
Осилди у бўйнимга
Оёғимга балчиқ суртиб,
Сув тўлдириб қўйнимга:
«Раҳмат сиздай оталарга!»
— Қайфинг зўр-ку! Нар и бор...
«Хув анави ходаларга
Бўлиб келдим харидор!»
— Тунда савдо бўлмас, дайди,
Эртароқ кел эртага...
Мен «э-э» десам, у «бэ-э» дейди
Туриб олиб ўртага.
Ёмғирни у тўфон дерди,
Тунни эса жаҳаннам!
Ёмғирмиди, чин ёшмиди
Кипригига қўнган нам?
Баъзи бадмаст шилқим каби
Қилмасди у ош талаб.
Ростга ўхшаб қолди гапи,
Ҳа, бу энди бошқа гап.
Дарҳақиқат, хув нарида
Бир машина гувиллар.
Кўкламнинг нам кунларида
Кўприк деган савиллар,—
Биласиз-ку, зўрға турар
Қурт кемирган тиш каби.
Қоронғида «тўр»га тушар
Машина ҳам қуш каби.
«Ҳа, ака» ё «ҳо, катта» деб

Юрар эди Сотволди.
Лойга ботиб, «жон ота» деб
Турар эди Сотволди.
Ким бизларга бўлар ҳакам
Туя қилса номимни?
«Эртагаёқ кўтармасам,
Бошқа қўйинг номимни!..»
— Қуриб кетсин қарзу қурзинг,
Яшай қолай ғалвасиз..
«Бешта ҳода бериб туринг,
Унта қилиб оласиз!!.»
Юмшагандай бўлди юрак,
Сир бермадим мен бироқ.
Ахир, ҳода унга керак,
Ялинсин-да яхшироқ.
«Розимисиз ўттизтага?
Эллик таёқ берайин!..»
Шундай дегач у шумтака,
«Хўп» дебман мен бетайин.
Машинани баланд-пастан
Эсон-омон ўтказиб,
Чигитини ивитмасдан
Даласига етказиб,
Жимиб кетди у негадир,
Бир кун кутдим, бир ҳафта...
Излаб топдим уни охир
Этактепа тарафда.
— Зўр йигитлар,— дедим унга,—
Баланд тутар ҳурматин.
Доғ тушириб обрўйингга,
Қарздор бўлиб юрмагин...
Ажабланган каби боқди
Кўзларимга Сотволди:
«Кириб кўринг аввал боғни,
Кейин сўйланг» деб қолди.

Еқасидан ушлаб олдим,
Бошлаб келдим боғимга
Во, кўрсамки...
Туриб қолдим
Қоврилиб ўз ёғимга:
Э-э, элликта... хода э-эмас...
Э-эллик кўчат... э-экилган...»
У мастмиди?
Менмидим маст??
Сенми мени гел қилган???
Исқирт!— дейман бармоқ яниб,
Кулиб дер у: «Ҳотамсиэ!»
— Ҳе, отангни!..— дейман ёниб,
Кулиб дер у: «Отамсиэ!
Бўлдингиз-ку ахир рози
«Эллик таёқ» деганда.
Уф, чолларнинг ноз-фироғи
Ширин бўлар экан-да!»
Шундай дегач, жўнаворди
Бўйин товлаб қарзидан.
Эртасига кириб бордим
Идорага арз билан.
Кирсам, мажлис.
Тинглашарди
Сотволдини «катта»лар.
Мени кўриб бир оқарди,
Бир қизарди баччағар,
Унглаб олди сўнгра ўзин,
Сўзни қия бошлади:
«Кексаларга ўқир таҳсин
Қишлоғимиз ёшлари!
Ана, келди энг муҳтарам,
Энг тадбиркор кишимиз!
Шу отахон бергач ёрдам,
«Аъло» бўлди ишимиз!
Унинг ўзи излаб-топиб

Менга хода бермаса,
Лойда ётиб, шамдек қотиб,
Қилар эдим кўп «маза»!
Бизга, шулар бўлса омон,
Бошин эгар зўр тоғлар!
Сизга, бобой, шараф ва шон!
Табриклайлик, ўртоқлар!»
Бўлди қарсак, бўлди қий-чув,
Бало экан, не дердим...
У томоша кўрсатди-ю,
Саломини мен бердим.
Шундан бери юрак савил
Уни кўрсам титрайди.
Утиб кетди йигирма йил,
Ярам ҳануз битмайди.
...Йўловчилар қаҳ-қаҳ урар
Чолдан зарра ҳайиқмай,
Машинамиз учиб борар
Сал чайқалиб қайиқдай.
Кейин гапга уланди гап,
Ҳикояга ҳикоя.
Сотволдини кимдир булғаб,
Кимдир қилди ҳимоя.
Қўшни жувон икки тутам
Сочин силаб, жилмайди:
— Бу дунёда ҳамманинг ҳам
Кўнглин олиб бўлмайди.
Бировларни иситган чўғ
Бировларга бермас тафт.
Сотволдиннинг баҳоси йўқ,
Фақат... бир оз серҳасрат.
Утган йили, мисоли шер
Бошин уриб ҳар ёнга,
Гектаридан қирқ беш центнер
Пахта тўқди хирмонга.
«Эритиш»ни мақсад қилиб,

Кириб бордик кекса-ёш.
 Кутиб олди ҳасрат қилиб,
 Қозон — сувда, кўзда — ёш.
 «Гўрлик қилдим!— дерди қақшаб.—
 Беролмадим элликдан!»
 Гапга тўйиб, томоқ қақраб,
 Қайтавердик эшикдан.
 — Бу ҳолва-ку!— дея гапга
 Бошқа аёл қўшилар.—
 Қишлоқдаги кавши қатта,
 Қўнгли яқин қишилар
 Бир кун унинг яна ўғил
 Қўрганини эшитиб,
 Босишипти дарҳол уйин
 Маслаҳатни пишитиб.
 Сотволдининг хотинини
 Мен ҳам йўқлаб киргандим,
 Меҳмон кутиш «қонун»ини
 Уша ерда ўргандим.
 Басма-басга мақтай кетди
 — Мунча ширин!
 — Мунча миқти!
 — Паҳлавон денг, паҳлавон!
 — Кафтин очди, беринг қошиқ!
 — Йўқ, ошиқ бер, Ризамат!
 — Отасидай қўли очиқ
 Бўларкан-да азамат...
 — Сотволди бир ошиқ учун
 Қўй сўяди!
 — Қўрамиз...
 — От сўйса ҳам арзир бугун...
 — Яшаворсин жўрамиз!..
 Ушанда ҳам Сотволдининг
 Титрамади бир мўйи.
 Уша эски ҳиринг-ҳиринг,
 Уша эски хиргойи:

«Уғлим дуруст... маъқул жуда..
Ярашмас тил тегизсак..
Аmmo, созроқ бўларди-да,
Туғилганда эгизак..
Ана унда палов, коньяк
Ярашарди ўртага.
Қани, чойдан жиндак-жиндак..
Ким талабгор шўрвага?..»
Сўнг у, ҳозир гўштга тўйган
Ошхўрдай тиш кавлади.
Қочиб чиқдим бошқа уйга,
Юзим бўлиб лавлаги.
Орадан сал ўтмай туриб
Епилди-ю эшиклар,
Ҳамма бирдан қаҳ-қаҳ уриб,
Янграб кетди қўшиқлар.
Кўк чой ичиб кайфи ошиб
Қўшиқ айтган одамни
Қўрмагандим мен кўз очиб,
Ушлаб қолдим ёқамни...
Ҳамон йўлда сузиб борар
Машинамиз гувиллаб.
Сухбат эса қизиб борар
Гулхан каби ловуллаб.
— Ҳа, эркалик қилади-да,
Ҳадди сиққан кишига..
— О, яшашни билади-да!
— Ҳо, пишиқ ўз ишига..
— Юрса — йўлда қолдирмас из,
Илинмас ҳеч бурнидан..
— Келиб-кетди қанча ранс,
У жилмади ўрнидан..
— Унга, асли анақалар
Бериб қўяр ўз сирин,—
Дея гапга аралашар
Сарғишгина ўспирин.—

Бир анақа бұлған эди
Хув анави баҳорда.
Анақалар келган эди,
Биз ҳам бордик қаторда.
Ундоқланган анҳор бўйин
Андоқлабди чойхона.
Ҳалигидай бўлди ўйин,
Овқат десанг — оҳ, ана!
«Анқавой» «ҳалиги»ни
«Унақа»га уларди,
Сўзлаган ўз ҳазилини
Ўзи тинглаб куларди,
Унинг оғзин пойлай-пойлай
Завқу суруп сўнмасин,
Ўзим айтиб бера қолай
Сизга гапнинг лўндасин:
Сайил тугади. Аммо, уйга
Қайтолмади Сотволди.
Борда қолди. Боғбон унга
Юмшоқ қилиб жой солди.
Чарчаган-да! Дарров уни
Уйқу тортди комига.
Бир вақт раис муовини
Кириб ётди ёнига.
Ётди-ю, оҳ... Авжда эди
Сотволдининг хурраги...
— Ҳой, томоғинг қақшаб кетди,
Сал мойлаб ол, ғурраки,—
Деб муовин тортқилади
Сотволдининг мўйловин.
Ҳадди сиққан — ҳад қилади!
Муовин-да, муовин!!
— Уйғоқмисан? Ишлатсанг-чи,
Карнайни сал авайлаб!
«Тўкилсин деб зангу чанги,
Қаттиқ чалдим атайлаб...»

Уйғоқ экан... Энди хуррак
 Тортмаслигин хоҳласанг,
 Уни гапга солиш керак,
 Кўзин юмса — ҳолинг танг.
 Муовинга раис бир гап
 Айтган эди ишониб,
 Хурракпараст бригадирга
 Етказсинми ўшани?
 — Сотволдижон, ишларинг — юз,
 Аммо бир кун қарийсан.
 Кўкрагингга Олтин Юлдуз
 Тақиб қўйсак на дейсан?
 Биз ҳам — Одам! Бизлардан ҳам
 Чиқсин, ахир, қаҳрамон!
 Курашамиз туриб маҳкам
 Қолгунича қатра қон!..
 Тилинг борми? «Раҳмат» қани?
 Уйғоқмисан?
 «Мутлақо!»
 — Қани, узат суюнчини!
 «Ўзи.. йўқ-да, ҳеч вақо...»
 Бир юлдуз куч тилаб унга,
 Кўзин қисар олисда.
 Бригадир муовинга -
 Угирилар оҳиста,
 Сўнг кафтига тираб ияк,
 Сўзлай бошлар у хазин:
 «Янги костюм олиш керак...»
 Тешиш керак ёқасиң...
 Ҳар кун мажлис... Ҳар кун ҳайъат...
 Ғўза ётар ўт босиб...
 Котиба қиз чекар заҳмат
 Менга ҳар кун ваъз ёзиб...
 Қаҳрамон! Кўз тикар дунё,
 Шакар сепар ярангга...
 Аммо лекин... Қаҳрамон! Ҳо!

Янграшини қаранг-а!
Ё «майли» деб юборайми,
— Майли, дейми? Епирай!
Йўқ, совутмай иссиқ жойни,
Тўғрисини гапирай,
Қийналарсан сен ҳам у пайт
Келолмасдан ёнимга...
Қўй, дўстим, бу шаштигдан қайт,
Жабр қилма жонимга.
Муовин ҳам эмас «оми»,
Тиккасига от солди:
— Камтарликми бунинг номи,
Қўрқоқликми, Сотволди?
Уйламайсан колхозингни,
Уйлашга ҳам ҳушинг йўқ.
Сен севасан бир ўзингни,
Узга билан ишинг йўқ.
Яна номинг коммунист-а!
Бюрога ҳам аъзосан!
Раҳбарлар ҳам сену бизга
Суянади асосан.
Барча дўстлар турар тайёр,
Сенга ёрдам бергани,—
Бу томонда — Мирза Аброр,
Бу томонда — Мирғани.
Эр кишини қўлласа эр,
Иқбол қўвлар изингдан.
Уйғоқмисан?
«Гапиравер!»
— Жавраб тур-да ўзинг ҳам.
Пахта, мана, бўлди чамап,
Теримга ҳам тушамиз.
Сен борини топширасан,
Бизлар бир оз қўшамиз.
Мирғани ва Мирза Аброр
Ўз ҳақини олади.

Сўнг изларни босади қор.
Обру сенга қолади.
Бир кун улар зориққанда,
Узилар қарз-ҳавола.
Розимисан?
Фикринг қандай?
Уйғоқмисан, ҳой бола?..
У умидвор ширин гапдан,
Қуриб кетсин «ширин» гап:
«Халал берма, ухляпман»
Дер Сотволди тўнғиллаб
Ва «мотори» ишга тушиб,
Баланд қўяр хурракни.
Муовиннинг ҳуши учиб,
Ростлаб қолди жуфтакни.
...«Анақа», деб, «унақа» деб
Сўзлар ҳамон ўспирин.
Кулар эдик қотиб-қотиб,
Унга ташлаб кўз қирин:
Гоҳ у кўрпа қўлтиқлаган
Муовиндай инқиллар;
Гоҳ сўз билан қитиқлаган
Сотволдидай минғиллар;
Чақчақлашиб, қаҳ-қаҳ уриб,
Сезмабмиз вақт ўтганин,
Автобуснинг шунча юриб,
Гулқўрғонга етганин.
Пул қутига ташлаб танга,
Туша бошлар эр-аёл.
Чамадония тутиб менга,
Орқалади қопни чол.
Ҳа, «оталик» қилган эди
У аввалроқ жой бериб.
Яхшиликни билган киши
Ултирмас сир бой бериб,—
Чамадонни қўлга олдим.

Раҳмим келар ўзимга:
Сўзлай десам, сўздан олдин
Жон тиқилар бўғзимга.
Мунча оғир?!
Мунча қўпол?!
Ичига тош солганми?!
Уф, хайрият...
Тўхтади чол
Нафас ростлаб олгани
Ва илжайди:
— Ҳоҳ-ҳо, ука!..—
Терин артди дўппига.—
Уша, хода «савдо»сига
Йигирма йил бўпти-я!
Қатта ўғлим учга кирган
Ўзим камхарж у маҳал.
Замон эса ҳозиргидан
Тору тангроқ эди сал.
Тез ўсади бола зоти,
Утар тинмай ёзу қиш.
Менинг эса фикру ёдим —
Фарзандимни тинчитиш.
Қалдирғочдай йиғиб-териб
Ҳар бир чўпни, ҳар ғиштни,
Уйлар эдим бир уй қуриб,
Уғил уйлантиришни.
Омон бўлса, бир кун киши
Ниятига етаркан,
Пишаётир тўйнинг оши.
Сиз пишиллаб кўтарган —
Писта, атир-упа каби
Тўйбоп ҳар хил даҳмаза.
Қопда — пахта.
Кўрпа қавиб,
Кампир қилсин бир маза!
— Уй-чи?

— Уйми? Уй ҳам солдик...
Бўш келмаймиз биз — чоллар!
— Кесилди, денг ҳув Сотволди
Экиб кетган ниҳоллар?
— Йўғ-э, ука ўлибмизми...
Аммо, ўзи ёмон-да!
Қулоғимга кирса исми,
Юрак титрар товонда.
Ошноmassиз сиз мен билан,
Мен ҳам сизга етти ёт,
Лекин, ука, Сотволдидан
Бўлинг бир оз эҳтиёт:
Гулқўрғонга бурноғи йил
Келган эди бир олим.
Муштдай эди бурни савил,
Аммо, ўзи мулойим.
Кун ботганда раис бизни
Йиғиб келди клубга.
Бошлаворди олим сўзни
Боқмай тарақ-туруққа.
Кеч қолганлар ўз ўрнини
Олгунича эгаллаб,
Нотиқ артди чўнг бурнини
Ваъзнинг ярмин тугаллаб.
Тан бердик! Ҳа, гапдон экан!
Ана лутфу писанда!
Муҳаббат ва оиладан
Сўзловди у ўшанда.
Йўқ, чамамда, ой ҳақида
Ўқиганди бизга ваъз.
Э-э, хотирам бепанд жуда,
Зарур пайтда ишямас,
Ўзимдадир эҳтимол айб,
Йигинларда ҳар доим
Пул ҳақида бошланса гап,
Гулда юрар хаёлим,

Тингласагу тингламасак,
Ваъз тугади барибир.
Чарчагунча чалиб чапак,
Уйга қайтдик чол-кампир.
Раис ишни қилганча пеш,
Сингибди тун қўйнига.
Тушиб қопти меҳмон кутиш
Сотволдининг бўйнига.
Уйга етиб келишипти
Шабкўр тунни койишиб.
Кейин маза қилишипти
Қовурдоқ еб, чой ичиб.
Ўзин тийиб турган экан
Меҳмон элнинг ичида,
Ақли ийиб турган экан
Узун тилнинг учида,
Бирдан жўшиб кетипти у
 Ўнг-терсига қарамай,
Гапга тушиб кетипти у
Сотволдидан сўрамай:
— Яъни, тахмон!.. Шу ҳам ишми?
Яъни, сандиқ... ҳоказо!..
Давр янгича кун кўришни
Этади-ку тақозо!
Кимга керак шунча кўрпа?
Деҳқонмисиз, нимасиз?
Девор намин шимса кўрпа,
Сиз кўрпани шимасиз!
Ана шундан туғилар бод.
Давоси — шўр «иссиқ» сув.
Оёғингиз оғрир бот-бот?
Оғримайди? Қизиқ-ку!
Ё олайлик, мисол учун,—
Нимани?— хўш тандирни.
Тежаш керак аёл кучин,
Авайланг сал кампирни;

У оловга кўксин тутиб,
Тандирга ўт қалайди,
Айни пайтда шамол ўтиб,
Елкасини ялайди.
Ана сизга янги оҳ-воҳ,
Ана сизга зотилжам.
Шундай экан, бизлар асло
Бўлолмаймиз хотиржам!
Сотволди бош чайқаб аста,
Ич-этини ер экан,
Хоразмлик бўлмаса-да,
«Ҳовва-ҳовва» дер экан.
Олим эса тили билан
Дазмоллабди оламни —
Исириқдан топиб тикан,
Дўппослабди гиламни;
Духоба чанг йиғишини
Шарҳу исбот этипти,
Кейин гўдак йиғисининг
Фойдасига ўтипти;
Пахса девор мўрт бўлишин
Тушунтиргач куюниб,
Янгиликнинг зўр бўлишин
Таъкидлабди суюниб:
— Газ турганда, оташкурак!
Оташкурак! Бай-бай-бай...
Эскиликка қарши кураш
Оиладан бошлангай!..
Жавраб-жавраб, охир олим
Ухлаб қопти ўринда.
Бош ёстиққа етмай туриб
Бўзарар шарқ осмони.
Сотволди ҳам саҳар туриб,
Уйғотибди меҳмонни.
Биласиз-ку, қишлоқ —
қишлоқ!

Боғ ва полиз ҳар тараф.
Офтоб ердан узар оёқ
Ҳар тарафга зар тараб.
Атиргуллар япроғида
Шабнам ёнар ловуллаб.
Анҳорнинг кенг қучоғида
Сув тўлғонар шовуллаб.
Меҳмон завқ-ла қулоқ солиб
Булбулларнинг куйнга,
Юз-қўлини ювмоқ бўлиб
Борса анҳор бўйига,
Мезбон келиб ёнбошига
Қўлтиғидан олибди;
Индамасдан, том бошига
Уни бошлаб қолибди.
Том бошида сочиқ, қумғон
Кутар экан олимни.
Улоқтирай дермиш нарвон
Белин босган золимни.
Туриб қопти бирпас ваъзхон,
Қўл уролмай нарвонга.
Уй эгаси эса ҳамон
«Ялинармиш» меҳмонга:
«Қуриб кетсин одатимиз!
Этолмадик ҳеч канда!
Энг қадрли одамимиз
Қўноқ бўлиб келганда,
Юз-қўлини томга чиқиб
Ювиши шарт!
Одат-да!
Чиқмасангиз, мени чўқиб
Ташлашади албатта».
— Йўғ-е!
«Ҳа-да!»
— Шўрим қуриб!..
«Йўқ, йўқ, чекманг сира ғам.

Тонгда сизни томда кўриб,
Таклиф этар улар ҳам».
— Таклифнинг не ҳожати бор,
Кетаман сал фурсатда...
«Ҳар ернинг ўз одати бор,
Ҳурмат-да! Ҳа, ҳурмат-да!
Меҳмон уйнинг бўлар ҳусни,
Ҳусн бўлмас мол-қўйим.
Қўни-қўшним кўрса сизни,
Ошар менинг обрўйим».
— Э-э-э... Буниси...
«Қишлоқчилик!
Кўнгилга ҳеч олманг сиз.
Аммо, агар уйдан чиқиб,
Хуфя жўнаб қолсангиз,
— Оғиз пойлаб юрган экан,
Ҳайф бунақа одамга,
Сир ўғирлаб кетди!— деган
Гап тарқалар оламга».
Сотволди қўл қовуштириб,
Оёқ тираб турипти.
Олим ахир томоқ қириб,
Нарвон сари юрипти.
Кейин енгил тортиб анча,
Кўнгли бир оз хуш бўлиб,
Том бошига чўнқайганча
Ювинипти қуш бўлиб.
Биласиз-ку, деҳқон одам
Еқтирмас кўп уйқуни,
Бундай ажиб ишларни ҳам
Кўравермас ҳар куни —
Тўлиб кетди дарров кўча,
Бўлди роса томоша,
Биров боқса девор оша,
Биров боқди том оша.
Қамина ҳам бор эдилар

Ушаларнинг ичида.
Беззоҳ ҳам ҳамма билар,—
Сотволдининг иши-да!
Ҳорманг!— деса биров кулиб,
Биров:— Гафлат,— дер эди.
Олим эса қуллуқ қилиб,
— Раҳмат! Раҳмат!— дер эди.
Шундай қилиб... Бу воқеа
Беш йил бурун бўлганди...

Қўлин чўзди чол қопига,
Қўтаролмай тўлганди.
— Элтиб берай қопни ўзим!..
— Э-э, хавотир олманг ҳеч.
Худо сизга берсин тўзим.
Ҳушёр бўлинг. Қолманг кеч.
Бизникида бўлинг қўноқ
Ишингизни битказиб.
Бир яйраймиз иўш этиб «оқ»,
Тўйни бирга ўтказиб...

Ваъда бердим. Секин-секин
Кетди бобо йироқлаб.
Идорага йўл олдим мен
Сотволдини сўроқлаб.

Хотинимнинг айтган сўзи
Жуда-жуда рост экан:
Иш юришса, мавзу ўзи
Чиқар оёқ остидан.
Энди бир оз сергак бўлсам,
Сотволди сал ён берса,
Достон ёзиш келар қўлдан,
Бостириш ҳам жўн нарса.
Кўзингизни қилманг-да лўқ,
Ҳа, аъзоман Союзга!

Номим?.. Номниң қизиғи йўқ...
Тахаллусим «Сибизға».

Қадимгилар сўраб-сўраб,
Топган экан Маккани.
Топдим дала боғ оралаб
Мен Сотволди акани.
Топмагунча қўймасдим ҳам,
Отам, ахир, овчи-да!
Ана — шийпон. Жамоат жам.
Мажлис борар авжида.
Жингалак соч бир ўспирин
Нутқ сўзлар жўш уриб.
Дала эса мудрар ширин,
Уфқларга тўш уриб.
Мен, нотиққа бермай халал,
Чўнқайдим сал нарига.
Тушунардим аммо сал-пал
Айтган-деганларига:
Далаларда бир вақт яшил
Тут ўсаркан қош бўлиб.
Аллакимдан чиқиб ақл,
Аллакимлар бош бўлиб,
Бирин-кетин зўр дарахтлар
Қилинибди кундаков.
Бефаросат бўлса раҳбар,
Болта бўлар беаёв.
Акация экилипти
Кейин дала четига.
Асалари йиғилипти
Оппоқ гуллар ҳидига.
Гоҳ хўмрайиб тонг отади,
Гоҳ жилмаяр беғубор.
Турмушнинг ҳам кўп ғалати,
Хўп ғалати феъли бор,—
Ҳали унут бўлмай туриб

Уша тутлар ўлими,
Янги хатар чиқди тўсиб
Акация йўлини,
Тўғрироғи, янги хатар
Туғиларди шу онда
Акация кечга қадар
Соя сепган шийпонда.
Акация ўзи бу дўқ,
Таҳдид билан иши йўқ,
Ғамза қилар юксакда шўх,
Истиқболдан кўнгли тўқ.
Ишлаб ҳорган қора кўзлар
Ултиришар шогирддай.
Жингалак соч йигит сўзлар
Қайнаб-тошиб шоирдай.
— Тез ўсади доим тикан
Олиб ернинг жонини,—
Деб булғар у илҳом билан
Акация шаънини.
Таърифларкан қантак ўрик,
Шафтолининг ширасин,
Ёниб кетай дерди шўрлик
Сал сепсангиз керосин.
Тушунтиргач туки нафис
Меваларнинг нафини,
— Ишонамиз! Бажарасиз!—
Деб тугатди гапини.

«Хўш, саволлар борми?» деди
Қимдир аста қўзғалиб.
Бу — Сотволди!.. Ҳа, Сотволди!..
Турди ўзи сўз олиб:
«Билмай мева афзаллигин,
Акация экканмиз.
Ўртоқ ука, аммо лекин
Жуда нодон эканмиз.

Ўқимаймиз! Кам ўқиймиз!
Зеҳн қўймай ўқиймиз!
Ишдан қочиб, важ тўқиймиз,
Суяганни нуқиймиз!
Тоғиб олдиқ йўлни бугун,
Энди кирди ақлимиз.
Сизга раҳмат айтмоқ учун,
Хўш, юз фоиз ҳақлимиз!»
Оҳ, Сотволди! Сўзи оғу!
Довруғига яраша!
Мўйлов қўйган бўлса-да у,
Қаримабди заррача.
Мушти — вазмин, гўё гурзи,
Кифти — дарё кўприги.
Тошни тешиб ташлар кўзи
Тўсмаса гар кўприги.
Оғу дедим сўзин ҳали,
Аммо яйрар қулогим,—
Заҳарли сўз куй сингари
Оқар эди мулойим:
«Бизлар кирдик шунча ёшга,
Баланд учмас қари қуш.
Дарахт кесиб, саржинлашга
Хоҳиш бор-ку, қани куч?!
Чанқоқ бўлар ёшлар тани
Оғир ишга! Йўқдир шак!
Шунинг-чун бу вазифани
Ўзингизга топширсак...
Гап кўп, аммо гапдан наф йўқ,
Қўл кўтардик; ким рози?
Қаршилар? Йўқ!
Бетараф? Йўқ!
Қарор... Ҳайъат имзоси...
Мажлис ёпиқ! Энди уйга!
Концертига қарздормиз.
Келиб тулинг, ўртоқ ука,

Сиз борсизу, биз бормиз».
Маана, навбат етди менга.
Юраккинам, дадил бўли

Илжайиб қўл чўзим унга,
У илжайиб берди қўл.
Ниятимни тушунтирдим.
Хурсанд бўлди у гоят.
Эл тарқади.
Кутиб турдим.
Йўлга тушдик ниҳоят.
Суҳбат учун дала яхши,
Тоза ҳаво... сукунат...
Гапингизга ҳар ёт киши
Бурун тикмас берухсат...
Жилва қилиб яшил олам
Кўздан қувар уйқуни...
Бу орада Сотволди ҳам
Тузиб бўлди нутқини:
«Бригадамиз аъзолари
Туриб шонли вахтада,
Мавжуд барча ёшу қари
Ишга чиқиб вақтида,
Олинажак мўл ҳосилга
Пухта замин яратдик.
Эътиборни шона, гулга,
Техникага қаратдик...»

Э-ҳел

Қани, менми — сизми?
Гаплар зўр-ку! Ҳа, пухта:
«...Ва айниқса, — ёздингизми, —
Сугоришда, чопиқда
Абророва Кўпайчаҳон,
Болтабоев Бахтиёр,
Исматова Нурижаҳон,

Келднева Зулхумор
Ҳамда бошқа ўртоқларнинг
Қатта бўлди хизмати
Булар сира,— ёзиб, қўйинг,—
Интизомни бузмади».

— Хўп бўлади: яъни ризқ-рўз
Унмас, юрсанг лақиллаб...
Хўш... Шунингдек, қўшни колхоз
Ташаббусин маъқуллаб,
Оширилган мажбурият
Олгандирсиз албатта.
Бу ҳақда ҳам ширин суҳбат
Қурсак бўлар бўш вақтда.
«Яъни, нега? Э-ҳа! Ихм...»
Сотволди сал қизарди,
Ўз тилидан илинганин
Ўзи яхши сезарди.
Уч-тўрт қадам йўл босди-да,
Менга боқди мингайиб:
«Бўш вақтда, денг? Тўғри жуда!
Шошилтирдим...
Менда айб!
Доим сўқмоқ излаймиз биз
Тахтиравон йўл туриб.
Узоқ ўйлаб ўргангансиз
Сиз столда ўлтириб».

— Гап ундасиз! Қалбингизни
Ўргангани келганман,
Мен — қалб деган зўр денгизни
Забт этгувчи елканман.
Мен ёзмайман жўн мақола
Тўкиб кўзим нурини!
Тушунтириб бера қолай
Сизга касбим сирини:
Шоир зоти фавқулудда
Ҳукмдорга ўхшайди.

Фараз қилинг —
Бир қишлоқда
Бир нозанин яшайди;
Шу қишлоқлик бир бўз бола
Ўқишини битириб,
Магазинга кириб қолар
Йўлбоп либос қидириб;
Қараса — қиз!
Кўзи тинар,
Титрай бошлар бармоғи;
Юрагини эса тилар
Илк муҳаббат қармоғи;
Сўнг — бедорлик... «Жигарпора»...
Врачлар ҳам ҳайратда...
Ўзим топиб дардга чора,
Бир кун қизни хилватда
Абгор бўлган йигит ила
Учраштириб қўяман,—
Ҳилол сочиб кўкдан шуъла,
Қуш термилар уядан;
Кейин қуёш чиқар пешвоз
Маъшуқа ва ошиққа;
Кейин пашша тушар бехос
Севишганлар ошига;
Маҳаллада пулдор бўйдоқ
Пайдо бўлиб қолади;
Червонини қилиб байроқ,
Қизга човут солади;
Қизнинг ота-онаси ҳам
Таслим бўлар бойликка;
Ошиқ йигит эса шу дам
Зарда қилиб қайлиққа.
Аскарликка жўнар... Йўқ, йўқ,
Кетиб қолар ўқишга;
Қиз ҳам тўйга кўнар... Йўқ, йўқ,
Рози бўлмас бу ишга;

Кейин ҳар хил мулозимат,
Тортишувлар, аразлар,
Сеп ва қалин, тама, ҳиммат,
Ғийбат, орзу-ҳаваслар...
Тўй... Биласиз, тўйга келин
Бермаганди розилик;
Кўриб қўяр тўйда ўзин
Осиш учун ҳозирлик;
Куёвнавкар деган карвон
Кўринганда узоқдан,
Қиз тайёрлаб қўйган арқон
Ғойиб бўлар қазноқдан;
Тўй!.. Ҳофизлар авжга чиқар,
Чилдирмалар янграр шўх;
Куёв тўрда виқор тўкар,
Келин эса... Келин — йўқ!
Келин — ана! Кириб борар
Қора туннинг қўйнига,
Қора кишан каби ботар
Марвариди бўйнига,
Етиб келди — ана — кўлга,
Ҳозир — мана — ўлади!
Иигит шу пайт каникулга
Келаётган бўлади...
Севишганлар отилади
Бир-бирининг бағрига,
Ташвиш-ғамлар отилади
Қора кўлнинг қаърига.
Ютолмагай балчиқ бизда
Севги деган олтинни!..
Қасбимизни энди сизга
Тушунтира олдими?

Тан бергандай шеърий сатр,
Шоирликнинг кучига,
Борар эди бригадир

Дами тушиб ичига.
Йўқ, чамамда, ўзга олам
Ташвиши-ла яшар у,
Йўл устига тўхтаб қолган
Тракторга шошар у:
«Хўш?»
— Ҳе!..— деган садо чиқди
Тракторнинг остидан.
Бригадир яхтак ечди,
Тол шохига осди-да,
Асбоб олиб кўк қутидан,
Бошин тикди моторга.
Мен боқаман дала тўккан
Салобатга ва кўркка,—
Борлиқ яшил: қизғиш — яшил,
Заррин — яшил, нимяшил...
Икки уста ишлар аҳил
Бир-бирига имлашиб,—
Мотор титиб бригадир
Қитир-қитир қилади...

Ариқда сув нимагадир
Қиқир-қиқир қилади,—
Акс эттириб шафақ нурин
Қувонар сув ҳойнаҳой...

Бригадир артар терин,
Қўли эса қорамой,
Тракторчи чиқди охир
Тракторнинг тагидан...

Табиат! О, гўзалроқдир
Ривоятлардагидан!

Тилга кирди мотор бирдан
Қулоқларни кар қилиб,

Ғўзаларнинг бошини бир дам
Кўк тутунга ғарқ қилиб.
«Раҳмат»ларга солмай қулоқ,
Йўлга тушдик яна биз.

Оқшом ели ўйнар «улоқ»,
Яйрар эди танамиз...
«Тўй» дебмидим?
Сотволдига
Гапим ҳали кўп эди,
Ҳа, мен айтган у воқеа
Фақат «қизил ип» эди:
Достон достон аталмагай
«Қизил ипи» бўлмаса,
Ҳеч ким уни ёд олмагай
Тигли гапи бўлмаса.
Қишлоқликми йигит ва қиз?
Қишлоқ, демак — пахтазор!
Планга қул бўлиб раис,
Элга қилмас эътибор.
Қолоқ раис клуб қурмай,
Янгилликка отар тош...
Янгиллик ҳам бекор турмай,
Эскиликни қилар фош...
Сўнг бошланар жанг-тўполон!
Кураш шундай нарсаси,—
Чарчаб қолса тил ногаҳон,
Ишга тушар тарсаси...
Инсон қўйдан афзаллиги
Охир исбот этилар,
Бу ташвишдан раис янги
Боқча қуриб қутилар...
Энди қизлар «Ер-ёр» айтиб,
Эрга тегар хотиржам...
Шоир эса...
Кураш пайти

Бекор турмас шоир ҳам,—
Чаққан бўлса бизни бирор
Қалами бор ғаламис,
Бугун биз ҳам мисра аро
Уни чўқиб оламиз!..
Шу гапларни айтмоқ бўлиб
Боққан эдим кўзига,
Бригадир ширин кулиб,
Бошлаворди ўзи гап:

«Қовуштириб икки ёшни,
Тузагунча дастурхон,—
Бизда қанча қўни-қўшни,
Совчи, янга саргардон.
Ярабсизки шунча ишни
Ўзингиз ҳал қилмоққа,
Демак, сиздай доно киши
Зарур экан қишлоққа».

Суҳбат бўлди кунпаякун,
Сўкдим роса тилимни.
Қучган эди далани тун,
Тун қучганди дилимни.
Чиқмаймиз-ку, юриб-юриб
Бўш қайтиш-чун биз овга,
Эртасига тонгда туриб,
Яна олдим қистовга.
Тўшади у дастрўмолин,
Ултирғизди ёнига:
«Хув кампирни ёза қолинг,
Мени қўйинг, жон ука.
Бўлса ҳамки, ўзи кекса,
Ҳамон дала юлдузи,
Етиб борар Улуғбекка
Бу авлоднинг илдизи...
Бир ошнам бор... Дала кўрки..»

Исми — Ҳошим... Бағри кенг...
Ҳа! — кечаги тракторчи,
Таништирай!.. Майли, денг!
Ҳа, ҳа, худди ўша одам
Ҳошим деган эркамиз!
Бирга бўлдик урушда ҳам,
Далада ҳам биргамиз...»

«Оҳ, хайрият! Қани, қани!
Овим яна юришди!
Бригадир сезиб буни,
Пешанаси тиришди, —
Гапга тушиб кетди ўзи,
Илтимосни кутмасдан.
Тинглар эдим унинг сўзин
Тупугимни ютмасдан:
«Хужум чоғи элдан олдин
Кўтаргандим бошимни,
Унг қанотда кўриб қолдим
Сачраб чиққан Ҳошимни.
— Ҳо-ҳо? — дедим,
— Ҳаҳ-ҳа? — деди.
...Ёмғир бўлиб ёғар ўқ...
— Ака! — дедим,
— Ака! — деди,
Ешимиз ҳам ёдда йўқ.
У мен томон, мен у томон
Қулоч ёзиб чопишдик.
Парво қилмай ёвга ҳамон,
«Чўли-чўлп» этиб ўпишдик.
Замбараклар остин-устин
Қиларди тўрт томонни...
— Қачон келдинг?
— Бурноғи кун!
— Гулноралар омонми?
Тирқирарди гаплар худди

Тошга тушган тариқдай,
У оғзимга қарар эди
Оғзин очиб балиқдай:
— Учта бузоқ туғиб берди
Норхоланинг тарғили!
...Унгу сўлда ёриларди
Бомбаларнинг ҳар хили.
Самолётлар қулоқларнинг
Пардасини йиртарди,
Ёнимизда эса, минг-минг
Тўпу танклар йўртарди...
— Колхоз янги ер очибди,
Дуруст ҳосил қилгандир?
— Э, сутини ким ичибди,
Яйратмади шум кампир!
Мен бошимни тебратаман,
У ҳам чайқар калласин
Аммо, енгиб бўлмас экан
Замбараклар ғалвасин.
— Майли, дейман, сутингни қўй,
Сутинг бузар ичимни!
...Икки ошна беришиб қўл,
Бошлавордик ҳужумни
Тикан симлар йўлни тўсар,
Симни ипдай узамиз,
Гоҳо танклар биздан ўзар,
Гоҳо бизлар ўзамиз.
Қайтаргандай бўлди кимдир
Шу пайт дўстим шахтини.
— Хўш?
— Қара-чи қўлимга бир,
Чивин-пивин чақдими?!
Чивин? Э-ҳе, раббим ўзи
Раҳм қипти қулига!
Ўиддат ила душман ўқи
Кирибдию қўлига,—

Тўхтаб қопти тешолмасдан
Қўлидаги қадоқни.
«Ҳа, чивин!» деб,
Шошилмасдан
Суғурдиму пичоқни,
Этин ёриб, ўқни олдим,
Совға қилдим ўзига.
— Шуми бори?— дейди Ҳошим,
Ҳайрат қўниб юзига.
Ҳужум яна давом этар,
Титрамас ҳеч тиззамиз,
Гоҳ танк биздан ўзиб кетар,
Гоҳ биз танкдан ўзамиз!..»

Ҳа, бугун ҳам кечиб сувни,
Етолмадим қирғоққа.
Эртасига кутдим уни
Хайр-маъзур қилмоққа.
У ачинди. Ўрик қоқиб,
Меҳмон қилди боғида.
Қош остидан дардли боқиб,
Бош чайқарди гоҳида,
«Еқмадими Ҳошим! Майли...
Еқмадими кампир ҳам?
Аммо, ука, ярашмайди
Мен ўзимдан гапирсам.
Ҳамма ишга чиқар тонгда,
Биз ҳам бирга чиқамиз.
Бири — хола, бири — тоға,
Бири эса — укамиз.
Ҳосилимиз бўлса тўкин,
Тўйларимиз тўхтамас.
Бизга, меҳнат қилмоқ учун,
Замона тинч бўлса бас.
Шуни ёзинг сиз бетиним,
Ёзинг! Талаб қиламиз!

Пок яшашни эса яним,
Узимиз ҳам биламиз».
Иўлга чиқдим. Бригадир
Чиқди мени кузатиб,—
Иўл-йўлакай пахмоқ анжир
Тирговучини тузатиб.
Иўлга чиқдим. Битта одам
Менча бўлар овора...
Хув бобойнинг тўйига ҳам
Тўхтамадим... На чора?
Биламанки, тўй — албатта —
Сотволдисиз ўтмайди,
Икки ёшни буюк бахт-ла
Унинг ўзи қутлайди;
Сўнг, машшоқлар, «тинг-тинг» қилиб
Созлайверса созини,
Ўзи қўшиқ бошлаб кулиб,
Қийшиқ очиб оғзини;
Созандани қитиқласанг,
Дарров бошлар куйини,
Тўйга кирар бир зумда ранг
Қизир қизлар ўйини,
Сўнг кўрасиз у кишини
Қизлар билан ёнма-ён,—
Йўқ, йўқ! Билмас рақс тушишни,
У қистирар саргардон.
Сотволдининг менга маъқул
Бир хислати шундаки,
Қалби завққа тўлар буткул —
Бўшаганда чўнтаги.
Сўнг уйяга қайтиб келар
Чўнтак қоқиб, қўл чайиб.
Қойиб қолса хотини гар,
Тураверар илжайиб.
Тўйда албат шундай бўлар,
Бормасам ҳам биламан.

Йўлга чиқдим.
Ариқ куйлар,
Тинглаб маза қиламан.
Қуюқ барглар аро порлар
Олтин олма, ўриклар.
Панжарали даст деворлар
Мевазорни қўриқлар.
Осойишта эди борлиқ,
Ҳамма ёқда оройиш.
Билолмайман, соҳибкорлик
Тоза ишми, қора иш?!
Шу ўй билан солсам разм
Ёнимдаги деҳқонга,
Ухшаб кетди хазинасин
Кўз-кўз қилган султонга.
Ҳа, мен келдим. У шу ерлик.
Кетяпман. У қолади.
Бор кучини ерга бериб,
Ердан қувват олади.
Биров яшар ерни безаб,
Ерда унинг тизгини.
Биров эса дунё кезиб,
Йўлдан топар ризқини.
Сафарда сушт бўлса қадам,
Тилга етар кучингиз,
Оғиз очдим:— Йигига ҳам
Тушганми ҳеч ишингиз?..
«Ҳе, ука, мен йиғлаганда
Тошлар эриб кетганди.
Ешим у пайт... хўш... намамда,
Энди тўртга етганди.
Бир боланинг чанасини
Тортиб олсам қўлидан:
— Уч мирига онанг сени
Сотиб олган лўлидан!—
Деб кўчани бошга кийди,

Йиғилди тез оломон.
Бўлди роса «қийди-қийди»,
Еқалашдик беармон.
«Душман»имни «тор-мор» этиб,
Олмоқчийдим энди дам,
Болалар «Ҳо, Сотволди!» деб
Қуршаб олди мени ҳам.
Бақришди тенгдошларим:
«Сотволди, ҳо Сотволди!»
Селдай оқди кўз ёшларим,—
«Сотволди, ҳо Сотволди!»
Ялинсам-да қилсам-да дўқ,—
«Сотволди, ҳо Сотволди!»
«Пора»нинг ҳам фойдаси йўқ,—
«Сотволди, ҳо Сотволди!»
Мухтор эди исмим аввал,
Унут бўлди мутлақо.
Маъноси ҳам эди гўзал —
«Мустақил»ми, бир бало...
Бекор йиғлаб, чекибман гам,
Қаллам ўзи хом экан.
Уйлаб кўрсам, Сотволди ҳам
Дурустгина ном экан.
Боғлиқ экан ҳамма нарса
Ном эгасин ўзига...»
Тинглайвердим қилиб маза,
Сўз қўшмадим сўзига.
Дарҳақиқат, бўлиб дилхун
Пойламасанг оғзини,
Ериларкан ўзи бир кун,
Кўрсатаркан мағзини.
Ҳа, инсоннинг гапи кўпдир.
Бир-бирига айтмоққа,—
Ботир қалбин ботир ўқир,
Сутни қўшмас қаймоққа.
Қачонлардир бўйим етар

Сотволдининг бўйига,
Узи келиб таклиф этар
Шунда мени уйига.
Ана шунда қоғоз-довот
Керак бўлар албатта...

Машинамиз шаҳар томон
Учиб борар асфальтда,
Эшитарсиз кейин албат
Ҳикоямнинг давомин,
Олиб келдим бугун фақат
Сотволдининг саломин.
Қалбга ўтин қалаб эдим,
Керак эди менга чўғ,—
Чўғ бермади очиб дилин.
Лекин зарра гинам йўқ.
Қилмади у мени ўсал,
Тили билан туртмади.
Ҳа, бор экан қишлоқда сал
Шоирларнинг ҳурмати...
Шаҳардаман. Лекин бир гап
Оғритмоқда бошимни:
Кетаётган эдим циркка,
Кўриб қолдим Ҳошимни.
Қаймоқлашиб турдик пича
Қайнаб ётган кўчада.
— Гулқўрғонми? Уша-ўша...
— Сотволдими? Уша-да!..
Уша-ўша... қувноқ... тетик...
Фақат... бир оз ўзгарган,
Назаримда асролмадик
Уни ёмон кўзлардан.
Аввал бизни шому саҳар
Ўлдирарди кулдириб.
Ҳозир газет-журнал титар
Ҳар тонг жиддий ўлтириб,

Сўнг чаккасин қашиб ҳазин,
Кириб кетар далага,—
Ухшар шу пайт излаганин
Тополмаган болага.
Кейин эса, яна хуррам,
Тиг тиёлмас тилини.
Биласиз-ку ўзингиз ҳам
Сотволдининг феълени!..

Биламан-ку... Аммо лекин...

Юрагимга ёғар қор:
У ўз исмин излармикин?
Наҳот бўлса умидвор?
Янглишгандир Ҳошим бу гал,
Уринсиздир шубҳалар?
Раҳбар одам газет-журнал
Уқийди-да ҳар саҳар!
Мағрур эди! Ташналиги
Қонмас эди айрондан.
Е тан ола бошладими
Қариликни?.. Ҳайронман...

1968.

Мундарижа

О. Шарафиддинов. Ниҳол ўсиб чинор бўлибди*	3
Ҳаяжонли дақиқалар	11

Ш Е Ё Р Л А Р

Ирода	14
Ёмғир ҳам ёғиб ўтди	15
Чинор	16
Яхшилик	17
Ешлигим	18
Таянч нуқта	20
Истиқбол остонасида	20
Аравакаш арзи	21
Бахтимни сенда топдим	23
Қўлларинг	25
Инсон учди	26
Бир кафт тупроқ	28
Пигит умри	29
Оқ тунлар	30
Огоҳ бўлинг	33
Чақмоқ	34
Табассум	36
Қизил майдонда	37
Маяковский билан учрашганда	38
Тупроққа қасида	40
Баҳор кетгунча	45
Насиҳат	47
Тарас улкан эди	49
Бу кун	50
Уша-ўша	51
Ҳазил	53
Олма ҳиди	53
Денгиз сокин эди	54

*© Гафур Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 й.

Манзара	55
Ҳайрат	56
Тош ўйнаган бола	57
Яшагим келади	58
Сукунат	59
Юлдуз учди	60
Сайрдаги ўйлар	62
Учрашув	63
Хотира	64
Балиқ фалсафаси	65
Фолбин	65
Концертда	66
Мулоқот	67
Африка ҳикояти	68
Қайсар	70
Қуйлаб юрар мусича	72
Хумор	73
Композитор Жорж Бизенинг туши	75
Жим! Ильич ишлаяпти...	78
Кореяда Ленин ҳайкали	81
Ленин Горкасида сайр этар бир чол	84
Ҳисор ҳикояти	86
Мустаҳзод услубида	90
Сўнма, гулхан	91
Беғубор нигоҳ	92
Кўнгилдан сув ичар кўнгил	94
Шукрона	95
Иўл бошида	96
Ош устида	97
Муддао	99
Ҳаёт ишқи	99
Шеър бу...	100
Пари билгани қари билмас	102
Оҳ, гўзал	103
Тўйхат	104
Сўзбоши ўрнида	104
«Ўнг ёнда...»	107
Ернинг тортиш кучи	110
Ҳавас	111
Армон	112
Аёллар	113
Гулчамбар	114
Денгизга кўзгу деб боқаман	119
Ҳаёт томири	123
Гўри Амир	125

Истироҳат	127
Лайча билан фил	128
Бахтлиларни куйлайман	129
Асирингман	130
Тегирмончилармиз	134
Орзу	135
Ер фарзанди	136
Она ерга олқишим	137
Кўнгил риштаси	138
Эркак гурури	139
Ванкуверда бўлган воқеа	139
Муҳаббат ўчоғи	141
Ҳинди ҳикояти	142
Ишчи қўллар	146
Комсомол қалби	149

ДОСТОҲЛАР

Куёшга ошиқман	152
Изма-из	183
Шоир ҳақида	213
Сотволдидан салом	232

На узбекском языке

ХУСНИДДИН ШАРИПОВ

ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ В 2-Х ТОМАХ

ТОМ ПЕРВЫЙ

Стихи и баллады

Редактор *Т. Норов*
Раском *Д. Мирсалимов*
Расмлар редактори *А. Бобров*
Техн. редактор *В. Барсукова*
Корректор *М. Гафурова*
ИБ № 2808

Босмахонага берилди 23.03.83. Босишга рухсат этилди 18.8.83. Формати 70x90¹/32. Босмахона қоғози № 3. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 9,94+0,22 вкл. Шартли л. кр.—оттиск 10,12. Нашр л 11,92+0,12 вкл. Тиражи 10000. Заказ №1550. Баҳоси 1с. 60 т.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент Навоий кўчаси, 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирламшмасининг Бош корхонаси. Тошкент — 700129. Навоий кўчаси 30.